

Нацумэ Сосэки (1867–1916) номи ўтган аср бошларида япон адабиётида бамисоли машъал бўлиб хизмат қилди. Ҳатто жаҳонга таниқли Акутагава Рюноске, Ясунари Кавабата (Нобель мукофоти совриндори), Абе Кобо каби ижодкорлар уни устоз деб билганлар. Ёзувчининг “Мичикуса” (“Йўл ёқасидаги уй”, 1910) автобиографик романи унинг ижодий фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Устоз ва шогирд ўртасидаги ворислик муносабатларига бағишланган “Кокоро” (“Қалб”, 1914) романи XX аср япон ёшлари учун бир умрлик дастуриламал бўлиб қолгани сир эмас. Адиб унча узоқ умр кўрмагани учун адабий фаолияти ҳам бор-йўғи 11 йилгина давом этган. Шугина муддат ичида у 16 та роман, бир қанча ажойиб, қиссалар, ҳикоялар, эсселар ёзишга улгурди. Ўзбек китобхонлари бу антиқа ёзувчининг ижодий фаолияти билан “Қалб” романи таржимаси орқали илк бор танишмоқда.

Нацумэ СОСЭКИ

БИРИНЧИ БОБ

Устоз ва мен

I

Мен ҳар доим уни устоз дер эдим. Шунинг учун бу ерда ҳам фақат “устоз” деб ёзиб, ҳақиқий исмини ошкор этмасликка қарор қилдим. Лекин одамлардан қўрққанимдан эмас, балки уни шундай деб аташ мен учун қандайдир табиий туюлганидан. Ҳар гал уни ёдга олсам, “Устоз” деб атагим келади. Қўлимга қалам олганимда ҳам шундай ҳис пайдо бўлади. Унинг исмини бошқача аташга сира юрагим чопмайди.

Мен устозим билан биринчи бор Камакурада учрашгандим. Ўша пайтда соддагина талаба эдим. Ёзги таътилда денгиз бўйида яшовчи дўстимдан хат олганимда, “Албатта, сен ҳам кел!” деб ёзганди. Ёнимда пулим оз эди, лекин шундай бўлса ҳам бордим. Бу пулга мен у ерда тахминимча икки-уч кунгина яшай олардим. Лекин

борганимдан кейин орадан уч кун ўтмасданоқ, мени бу ерга чақирган дўстимнинг оиласидан телеграмма келиб қолди. Унда “Тез қайтиб кел!” деб ёзилган экан. Онасининг бетоб бўлиб қолгани айтилган бўлса-да, дўстим бунга ишонмади. Чунки ота-онаси уни уйлантиришга аҳд қилган, дўстим эса бунга розилик бермай келарди. У “турмуш қуришга ҳали ёшлик қиламан”, дерди. Бундан ташқари, унга кўрсатилган қиз умуман ёқмаганди. Шунинг учун ҳам у ёзги таътилда уйга боришдан кўра Токиога яқинроқ ерда дам олишни маъқул кўрганди.

У менга телеграммани кўрсатиб, нима қилай, дея маслаҳат сўради. Мен ҳам у қандай йўл тутса тўғри бўлишини билмасдим. Онаси чиндан ҳам хаста бўлса, у, албатта, қайтиши лозим-да. Охири у уйга қайтишга қарор қилди. Мен эса, бу ерга дўстим учун келган бўлсам ҳам, бир ўзим қолишимга тўғри келди.

Ўқув йили бошланишига ҳали анча бор. Менга қайтишимнинг ҳам, Камакурада қолишимнинг ҳам фарқи йўқ эди. Шунинг учун мен яна бир мунча муддат бу ерда қолишга аҳд қилдим.

Дўстим пулдан сиқилмаган, у – Чюгокунинг^[1] ўзига тўқ оилаларидан бирининг фарзанди эди. Лекин талабалик ҳаётимиз фарқ қилмасди. Дўстим жўнаб кетганидан кейин мен ҳам ҳамёним кўтарадиган жойга кўчиб ўтдим.

Меҳмонхона Камакуранинг чеккасида жойлашган бўлиб, шаҳар марказигача далани кесиб ўтиб борилади. Электropоездда борсам, йигирма минг йена^[2] тўлашимга тўғри келарди. Бироқ бу ернинг афзаллик томонлари ҳам кўп. Ён-атрофимда қатор-қатор ёзги ҳовлилар саф тартиб турар, денгиз ҳам қўл узатса етгудек эди, шу боис хоҳлаган вақтимда бориб, денгизда чўмила олардим.

Мен деярли ҳар куни денгизга тушиб турардим. Соҳил йигит-қизлар билан лик тўлалигини кўриб, “бутун пойтахт шу ерга кўчиб келибди”, деб ўйлардим. Баъзан қирғоқ ғиж-ғиж қора бошларга шунақанги тўлиб-тошиб кетардики, бу худди умумий ҳаммомдаги тиқилинч ҳолатни эсга соларди. Бу ерда менинг таниш-билишим бўлмаса-да, гавжум муҳитда ўзимни жуда эркин ҳис қилардим. Қумда ўзимни офтобга солиб, денгиз тўлқинларининг оёқларимга келиб урилишидан беҳад ҳузурланардим.

Худди мана шу оломон ичида мен устоз билан учрашдим. Соҳил бўйида иккита кичкинагина тамаддихона бор эди. Тасодифан уларнинг бирига кириб қолдим. Бу ерда дала ҳовлида яшовчилар жуда кўп, Хасэ тарафидаги дала ҳовлиларнинг кўпчилиги хусусий эди. Уларда алоҳида кийим хонаси бўлмагани учун умумийсидан фойдаланишарди. Шунинг учун ҳам улар бу ерга келиб чой ичиб дам олишар, чўмилиш кийимларини ювгани беришар, денгизга чўмилгани кетганда шляпа ва соябонларини шу ерда қолдиришарди.

Менинг махсус чўмилиш кийимим бўлмаганидан, кийимларим йўқолиб қолишидан қўрқар, шунинг учун ҳар доим денгизга чўмилгани кетганимда кийимларимни шу ерда қолдирар эдим.

II

Мен тамаддихонада устозни учратганимда у кийимларини алмаштириб, денгизга кетишга шайланиб турган эди. Мен эса, аксинча, эндигина денгиздан чиқиб, баданимни шамолга тутиб, қуритаётгандим. Ўртамизда қора сочли оломон ғиж-ғиж эдики, агар ўша биргина ўзига хос вазият бўлмаганда, мен устозимни кўздан қочирган, ҳозир у билан учрашмаган бўлардим. Устозимнинг ёнида бир европалик киши ҳам бор эди.

Бизда учрайвермайдиган оқбадан бу европалик дарҳол эътиборимни ўзига тортди. У японча ёзги кимоносини йиғма стулга қўйиб, денгиз томон кетмоқда эди. Эғнида ички кийимидан бошқа ҳеч нима бўлмагани учун бу ҳол менга ғалати туюлди. Икки кун олдин Юигахамада бўлганимда, соҳилда ўтириб, европаликларнинг қандай чўмилишини кузатган эдим. Барча эркакларнинг бадани ёпик, фақат қўл ва оёқлари очик эди, холос. Айниқса, аёллари бутун баданини ёпиб турувчи кийимда чўмилишар, устига-устак, барчаларининг резинкали бош кийимлари ҳам бор эди. Улар сарик, кўк ва ҳаворанг бўлганидан, денгиз мавжланганида кўзга яққол ташланарди.

Мана бу европаликнинг ҳамманинг олдида биргина ички кийимда тургани менга

ғалати туюлди.

У ёнида турган японга бир нималар деди-ю, икковлон сочиқларини қум устига ташлаб, денгизга тушиб кетишди. Ўша япон менинг устозим эди.

Мен уларнинг шундоқ денгизга кириб боришларини зўр қизиқиш билан кузатиб турдим. Улар зумда сувга шўнғиб кетдилар. Соҳил яқинида одамлар гавжумлигидан холироқ жойгача сузиб боришди. Чўмила-чўмила, денгиздан анча узоқлашиб кетишди. Бироздан сўнг яна соҳилга сузиб келишди. Тамаддихонага қайтиб, булоқ сувига чайинмасдан ҳам, апил-тапил кийинишди-да, қаергадир кетишди.

Улар кетгандан сўнг мен ўриндиқда тамаки чекиб ўтириб, ҳалиги япон, яъни, ҳозирда устозим деб атайдиган киши ҳақида ўйланиб қолдим. Мен уни қаердадир кўргандек эдим. Менга шундай туюлмоқда эди. Лекин қачон, қаерда кўрганимни ҳар қанча уринмай, эслолмасдим.

Ўша вақтда менинг жиддий машғулотим бўлмаганлиги боис зерикиб қийналардим. Шунинг учун эртаси куни атайлаб устозим келадиган вақтни мўлжаллаб тамаддихонага ўтдим. Устозим у ерга ўзининг қамиш шляпасида ёлғиз кириб келди. Кўзойнагини ечиб, тезда бошига сочиқни ташлаб, қирғоқ томон кетди. Устоз худди кечагидек дам олаётганлар орасидан ўтиб, бир ўзи сувга тушар экан, яна уни кузатишга киришдим. Саёзликдан ўтиб, сувнинг анча чуқур жойигача бордим ва у ердан устоз томон сузиб кетдим.

Қарасам, устозим кечагидан фарқли ўлароқ, тўғри юриб эмас, балки айланиб қирғоқ томон қайтиб кетаяпти. Шу билан мен мақсадимга етолмадим, яъни устозни кузатиш режаси амалга ошмай қолди. Мен қирғоққа чиқиб, баданимдаги сувларини қўлим билан сирқиб, тамаддихонага кирдим. Устоз аллақачон кийиниб, ташқарига чиқиб кетаётган экан.

III

Эртаси куни мен ўша соатда яна соҳил томон бордим ва яна устозни учратдим. Кейинги кун ҳам худди шундай воқеа такрорланди. Лекин бизда на гаплашиш ва на саломлашишга имкон бўлди. Устига-устак, устозим ҳар ким билан эл бўлиб кетаверадиган, одамшаванда кишилардан эмасди. У ҳар доим бир вақтда келиб-кетар, атроф қанчалик гавжум, қувноқ бўлмасин, ҳеч кимга заррача эътибор бермас эди. Биринчи бор учратганимда унга ҳамроҳ бўлган европаликни бошқа кўрмадим. Устозим ҳар доим бир ўзи келиб-кетар эди.

Бир куни устозим сувдан чиқиб, одатдаги жойига йўл оларкан, кийимларига қум юққанмикан, ҳайтовур, орқага қайтиб, икки-уч силкиб, кимоносини қоқди. Шунда кимононинг орасида турган кўзойнаги ерга тушди. Кийиниб бўлгач, кўзойнаги йўқлигини пайкаган устозим уни қидиришга тушди. Мен ўриндиқ тагидан қўлимни чўзиб, кўзойнакни олиб унга узатдим. Устозим: “Миннатдорман”, – деб кўзонакни қўлимдан олди.

Кейинги куни устозимнинг кетидан изма-из бориб, денгизга тушдим ва у қайси томонга қараб сузса, мен ҳам ўша томонга сузавердим. Анчадан кейин қирғоққа чиқиб, устозим менга гап қотди. Бепоён, кўм-кўк денгиз соҳилида биздан бошқа ҳеч ким йўқ, чарақлаган қуёш денгиз ва тоғларни кўз қамашар даражада ёритиб турарди. Мен ўзимни эркин ҳис этар, бутун вужудим тўлқинлар ичида яйрарди. Устозим қўл-оёқлари билан ҳопитишдан тўхтаб, тўлқинлар устига қалқиб чиқди. Мен ҳам унга тақлидан шундай қилдим. Мовий осмон кўзни қамаштирар, унинг жилваси юзимда акс этарди. Мен бор овозим билан: “Қандай мазза!” – деб қичқирдим.

Бироз ўтиб, сув юзига қалқиб чиққан устозим менга:

– Энди қайтмаймизми? – деб қолди.

Мен ҳали мириқиб чўмилмаганим учун яна бир мунча вақт сувда бўлгим бор эди. Аммо устозимнинг гапидан кейин ўйлаб-нетиб ўтирмай: “Яхши, қайтамыз”, – дедим ва келган йўлимиздан соҳил томон суздик.

Шу дақиқадан бошлаб мен устозимга яқинлашдим. Аммо унинг қаерда яшадини ҳали-ҳануз билмас эдим.

Шу воқеадан кейин икки кун ўтиб, чошгоҳ вақтида мен устозимни ўша тамаддихонада учратиб қолганимда, у менга дабдурустдан савол бериб қолди:

– Сиз ҳали бу ерда кўп бўласизми?

Кўққисдан берилган бу саволга жавоб беришга тайёр эмасдим, буни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Шунинг учун:

– Ўзим ҳам билмайман, – деб қўя қолдим. Қарасам устозим менинг бу жавобимдан мийиғида кулиб турибди. Шунда қандайдир қатъий оҳангда:

– Сиз-чи, устоз? – деб сўрашдан ўзимни тиёлмадим. Ўшанда мен уни илк бор “устоз” деб атаган эдим.

Шу куни кечқурун у қўним топган меҳмонхонага бордим. Аниқроғи, бу ерни меҳмонхонадан кўра дала ҳовли деса бўларди. У ерда каттагина буддавийлар ибодатхонаси ҳам бор эди. Шунда бу ерда яшовчилар устозимнинг оиласи эмаслигини билдим. Мен уни “Устоз” деб чақирганимда, у кулиб қўйди. Шунда мен унга, ўзимдан ёши катталарни шундай деб чақириш менга одат бўлиб қолган, деб айтдим ҳам. Ундан европалик шериги ҳақида сўраганимда, у бизларга ўхшамаслигини ва ҳозир Камакурада эмаслигини, устозим одатда японлар билан ҳам унчалик чиқишолмаса-да, ўша европалик дўсти билан негандир тил топишиб қолганини ва у билан боғлиқ яна бошқа нарсаларни сўзлаб берди. Мен ўйлаб-ўйлаб, охири устозимга уни қаердадир кўрганимни, лекин қаерда кўрганимни ҳеч эслолмаётганимни айтдим. Ўшанда мен ёш бўлганим учун устозимнинг ҳам хаёлидан шу фикр ўтаётганмикин деб, нима дейишини кутиб турдим. Лекин у узоқ ўйлаб ўтирмайди:

– Мен эса сени илгари ҳеч қачон кўрмагандайман, балки мени ким биландир адаштираётгандирсан?

Бу жавобдан тарвузим қўлтиғимдан тушиб, ноқулай аҳволда қолдим.

IV

Ой охирида Токиога қайтдим. Устозим мендан аввалроқ қайтиб келган эди. У билан хайрлашаётганимда: “Токиода сизни гоҳ-гоҳ йўқлаб турсам бўладими?” – деб сўрадим. Устозим эса бунга, “Ҳа, ҳа, келавер”, деб жавоб берди. Бу вақтга келиб мен устозим билан анча яқин бўлиб улгурган ва шунинг учун ундан ижобий жавоб кутган эдим. Бундай қуруққина жавобдан таажжубга тушганимнинг сабаби шунда. Устозим мени кўп маротаба ҳайратга солар, гоҳо буни ўзи ҳам сезар, аммо сезмаган пайтлари ҳам бўларди. Мен эса умидим пучга чиққанини ҳис этардим. Аммо, шунда ҳам ундан узоқлашишни ўйламас, аксинча, ҳар сафар мулоқотимиздан қониқиш ҳис этмаганимдан ташвишланардим ва ўртамиздаги ришта мустаҳкамроқ бўлишини хоҳлардим. Менимча, олдинга қараб бораверсам, бир кун келиб орзуларим рўёбга чиқиши мумкиндай эди. Мен ёш эдим. Ким билан танишмай, ичимдагини ҳадеганда ошкор қилавермасдим. Нима учун менда айнан устозга нисбатан бундай туйғу уйғонганини ўзим ҳам билмасдим. Ўшанда билмаслигим аниқ эди. Англаб етганимда эса, устозим ҳаётдан кўз юмиб кетганди. Устозим вафотидан сўнг менга бошиданоқ ёмон муносабатда бўлмаганлигини илк бор ҳис этдим. Унинг гоҳида мени хушламайгина кутиб олиши ва менга нисбатан ўзини бепарво тутиши мени ўзидан узоқлаштирмоқчи бўлганини англатмасди. Унга ўзини яқин тутмоқчи бўлган инсондан устозим гўёки ўзини тортиброқ туришни истар эди. Бундай яқинлашувдан маъно чиқмаса, яхшиси ундан воз кечган маъқул. Инсонлар билан осонликча мулоқотга киришавермайдиган устозим кимнидир ҳимоя қилишдан аввал ўзи ҳимояга муҳтожлигини сезардим. Мен устозимни йўқлаш учун Токиога боришга аҳд қилдим. Ўқиш бошланишига ҳали икки ҳафта бор эди. Бу вақт ичида уникига ҳеч бўлмаганда бир марта бўлса ҳам бориб қўйсам дегандим. Камакурадан қайтганимдан кейин икки-уч кун ўтгач, менинг шаштим пасайди. Устига-устак, менга катта пойтахтнинг ёрқин муҳити таъсир этди. Кўча-кўйда талабаларнинг юзига қараб, янги ўқув йили бошланганини, ёшларнинг куч-қайратга тўлганини ҳис этиб, устозимни бир муддат унутдим.

Ўқиш бошланганидан сал ўтгач, қалбимда яна қандайдир безовталиқ пайдо бўлди. Ҳаётдан қониқмаган ҳолда кўча кезадиган одат чиқардим. Хонага кирсам, худди бир нима йўқолгану уни қидираётгандай атрофга аланглар эдим. Кўз ўнгимда яна устозим намоён бўлиб, яна у билан кўришиш истаги пайдо бўлди.

Мен устозимнинг уйига илк маротаба борганимда у уйида йўқ эди. Иккинчи маротаба кейинги якшанбада борганимни аниқ хотирлайман. Ажойиб об-ҳаво, очиқ осмон бутун борлиғимизга сингиб кетаётгандек туюларди менга. Бу сафар ҳам устозим уйда йўқ экан. Камакурада юрганимизда деярли ҳар куни уйда бўлишини, уйдан чиқишни хушламаслигини ўз оғзидан эшитган эдим. Мана, мен бир эмас, икки маротаба келганимда ҳам уни учратолмадим. Унинг сўзларини эслаб, нимадандир хафалигини ҳис этдим. Аммо ўша заҳоти ортимга қайтмай, нима қилишни ҳам билмай, оқсочнинг юзига қараб туравердим. Ҳозиргина менинг ташриф қоғозимни олган оқсоч, “тура туринг”, деди-да, ичкарига кириб кетди. Шунда уйдан гўзал бир аёл чиқиб келди. Ҳойнаҳой, устозимнинг турмуш ўртоғи бўлса керак, деб ўйладим.

У хушмуомалалик билан устозим қаерга кетганини тушунтирди. Маълум бўлишича, ҳар ойнинг шу кунида устозим Зошигаядаги қабрга гул қўйгани борар экан.

“Ҳозиргина чиқиб кетган эди-я”, истиҳола билан жавоб берди ҳалиги аёл. У билан хайрлашиб, кўчага чиқдим. Шовқин кўчалардан юриб борар эканман, бирданига Зошигая томонга оёғим тортди. Ўша ерда устозимни учратиб қолармикинман, деган умидда қабристон томон йўл олдим.

V

Шолипоянинг чап тарафидан қабристонга кириб бордим. Ичкарига қараб кетган кенг йўлнинг ҳар икки тарафига заранг дарахти қатор экилган. Йўл четидаги дўкончада устозимга ўхшаш бир киши кўринди. Мен унга шундай яқин бордимки, унинг кўзойнаги қуёшда ярқираб, кўзимни қамаштирди. Бирданига бор овозим билан “Устоз” деб қичқириб юбордим. У кескин тўхтаб, юзимга қаради.

“Қандай?.. Қандай қилиб?..” – дерди у ҳайратланиб қайта-қайта. Жим – житлик, сокинлик ҳукм сурган вақтда устозимнинг овози акс-садодай эшитилди. “Менинг ортимдан пойлаб келдингми? Нима учун?..” Устозим оғир-босиқ эди. Унинг овозида ўйчанлик бордек туюлди. Бу қиёфанинг ортида қандайдир тушунтириш қийин бўлган

мавҳумлик бор эди. Мен бу ерга қандай келиб қолганимни тушунтирдим.

– Кимнинг қабрини зиёрат қилишга келдинг? Сенга аёлим айтдими?

– Йўқ, бу ҳақда ҳеч нарса демади.

– Ҳа, шундайми, буни сенга гапиришнинг ҳожати йўқ эди. Буни гапиришдан не маъно?

Устозим жавобимдан қониқиш ҳосил этгандай бўлди. Лекин гап нима ҳақида эканлигини тушунмас эдим. Қабристон оралаб устозим билан юриб бордик. Бу ерда қандайдир “Изабелла”нинг ва “Логиния” маъбудаси қулининг қабри бор эди. Қабр тошларида эса ҳар хил буддавий ёзувлар акс этган эди. Бу ерда қандайдир элчи ва вазирнинг қабртошлари ҳам кўзга ташланиб турарди. Бир ёдгорлик тошидаги чанг босган ёзувни кўриб, устоздан сўрадим:

– Буни қандай ўқиш мумкин?

– Балким “Андрей”дир, – дея у заҳарханда кулиб қўйди.

Қабртошларни европача услубда ўрнатган бу инсонларга нисбатан менинг бу киноямни устозим сезмади. Мен бир кичик юмалоқ тошга қараб, гоҳ узун, баланд қабр ёдгорлигини кўрсатиб тўхтамасдан сўзлаб борардим. Аввалига жим турган устозим, кутилмаганда:

– Сиз ўлим ҳақида ҳали ҳеч қачон рисоладагидек, жиддий ўйлаб кўрмаганга ўхшайсиз, – деб қолди.

Мен чурқ этмадим. Шундан сўнг устозим ҳам бир оғиз гапирмади. Қабристондан чиқаверишда улкан бир дарахт япроқлари осмонни беркитиб турарди. Дарахт тагига келганимизда, устозим дарахтнинг баланд шохларига қарата:

– Яна оз фурсатдан сўнг у жуда гўзал бўлади. Ҳамма барглар сариқ тус олиб, ер устини олтин барглар қоплайди, – деди.

Устозим ойда бир маротаба бу дарахт тагидан ўтар эди.

Рўпарамизда янги қабр қазийётган бир эркак ерга белкурагини санчганча бизни кузатиб турарди. Биз ўша заҳоти кўчага чиқдик.

Менга қаерга бориш барибир эди. Фақат устозим қайга юрса, мен ҳам унга эргашардим. Устозим бу гал одатдагидан ҳам камгап эди. Шундай бўлса-да, мен ҳеч тортинмай, дадил ҳолда:

– Сиз тўғри уйга кетасизми? – деб сўрадим.

– Ҳа, ҳеч нарсa режалаштирмаганман.

Биз жануб томонга қараб тепаликдан тушиб борардик. Мен устозимдан сўрадим:

– Устоз, оилангизнинг хилхонаси ўша қабристондами?

– Йўқ.

– Ундай бўлса у ерда ким дафн этилган? Қариндошларингизми?

– Йўқ.

Устозим бошқа ҳеч нарсa демади ва мен ҳам бу ҳақда ортиқ сўрамадим. Аммо бир муддат ўтгач, устозим ўзи бу мавзуга қайтди.

– У ерда менинг дўстим дафн этилган.

– Сиз ҳар ой ўша дўстингизнинг қабрини зиёрат қиласизми?

– Шундай.

Ўша куни устозим менга бошқа ҳеч нима демади.

VI

Шундан сўнг устозимни тез-тез йўқлаб турадиган бўлдим. Ҳар сафар уни уйидан топардим. Учрашувимиз кўпайган сари, оёқларим яна устозимнинг уйи томон бошлайверарди. Унинг дўстона муносабати биринчи учрашганимиздагидан деярли ўзгармаган эди. У ҳар доим ўзини босиқ тутарди. Баъзида бундай босиқлик менга малол келар эди. Мен аввал-бошданоқ унда одамлардан аллақандай ётсираш борлигини сезган эдим. Мен эса ундаги бу ҳисни йўқотишга азму қарор қилгандим. Балки, буни фақат мен ҳис қилгандирман. Атрофимдагилар мени ҳали ёш деб, устимдан кулганларида ҳам, вақт ўтиб, менинг бу ички туйғуларим ҳақиқатга айланди, бундан ўзим ҳам ҳалигача ҳайратда қоламан. Инсонларни сева оладиган, муҳаббатсиз ҳаётини тасаввур қилолмайдиган, атрофидагиларни қучоқ очиб ўз бағрига қабул қила оладиган инсон – бу менинг устозим эди.

Ҳозиргина айтиб ўтганимдек, устозим ўша-ўша босиқлигича қолди. Бироқ вақти-вақти билан унинг юзида ғалати бир соя пайдо бўлар, бу соя худди ойна олдидан лип этиб учиб ўтган қора қушдек, тезда ғойиб бўларди. Бу сояни мен илк бор Зошигаядаги қабристонда, уни бор овозим билан чақирганимда сезган эдим. Ўшанда юрагим тўхтаб қолгандек бўлганди. Бу узоққа чўзилмади. Беш дақиқа ўтар-ўтмас, мен аввалги ҳолатимга қайтдим ва бу кўрқинчли сояни ҳам унутдим. Бу илк баҳор оқшомида тўсатдан эсимга тушди. Устозим билан суҳбат асносида мен ўша дарахтни тилга олдим. Устозим ҳам дарров эслай қолди. Мен устозимга дедим:

– Зошигаядаги ўша дарахт аллақачон сариқ тусга киргандир?

– Балким, аммо бутунлай эмас.

Шундай дея, устозим менга қайрилиб қаради-да, бир неча сония тикилиб қолди.

– Сиз қачон қабристонга борасиз? Мен ҳам сиз билан бирга борсам бўладими? Сиз билан сайр этиш мен учун жуда завқли.

– Мен қабристонга сайр қилгани эмас, зиёрат қилгани бораман.

– Бир йўли сайр қилиб келсак, яхши бўлмасмикин? Нима дейсиз?

Устозим ҳеч нима деб жавоб бермади. Бирпасдан сўнг такрорлади:

– Мен фақат қабри зиёрат қилгани бораман.

Зиёратга боришини таъкидлашидан мен билан бирга бормасликка сабаб қидираётгандек кўринди. Устозим ўзини болалардек тутиши менга ғалати туюлди. Аммо бу нарса мени у билан бирга бориш хоҳишидан қайтара олмас эди.

– Майли, зиёратга бўлса ҳам мени бирга олиб кетинг, мен ҳам зиёрат қилмоқчиман, – дедим мен.

Очиғини айтганда, сайр билан зиёратнинг фарқига бормасдим.

Устозим қовоғини солиб, менга қаради. Унинг кўзлари тубида ўзгача оташ акс этар эди. Бу енгилгина бесаранжомликми, ёқимсиз туйғуми ёки норозиликми – билолмадим.

– Биласизми? – дея гап бошлади устозим. – Биласизми, баъзи бир сабабларга кўра мен бу ҳақда гапира олмайман ва ким бўлишидан қатъи назар, бировнинг мен билан бирга қабристонга боришини истамайман.

VII

Менга бу ғалати туюлди. Мен устозимникига уни ўрганиш мақсадида бормас эдим. Шунинг учун бунга кўпда парво қилмадим. Энди ўйлаб қарасам, менимча, ўшандаги хатти-ҳаракатим ҳаётимдаги энг арзигулик қадам бўлган экан. Мен ўшанда устозим билан бевосита илиқ инсоний муносабат ўрната олгандим. Аммо унга бўлган меҳримнинг замирида бошқа гаплар ётар эди. Ёш бўлганимдан баъзи ҳаракатларим маъносини англаб етмасдим. Балки, бу тўғри ҳам бўлгандир. Агар мен ўшанда терс ўгирилиб кетганимда, орамиздаги ҳозирги муносабатга эриша олмаган бўлар эдим. Ҳозир буни тасаввур қилсам, кўрқиб кетаман. Устозим эса ҳамон мени тадқиқ этаяпти деб ўйлар ва менга совуқ нигоҳ билан қарарди.

Мен ойда икки, ҳаттоки уч маротаба ҳам, албатта уни йўқлаб турардим. Шундай ташрифларнинг бирида у менга савол билан мурожаат қилиб қолди:

– Нима учун сиз мени тез-тез йўқлаб турасиз?..

– Нима учун, дейсизми? Сизни йўқлашимдан ҳеч қандай алоҳида мақсад йўқ... Мен сизга ҳалақит бераяпманми?

– Менга, ҳалақит бераяпсиз, деяётганим йўқ.

Аслида, унинг менга бўлган муносабатида уни безовта қилаётганим асло сезилмаганди. Унинг таниш-билишлари бармоқ билан санарли, устозимнинг курсдошлари орасида ҳам Токиога қайтганлари икки-учтадан кўп эмаслигини билардим. Курсдошлари баъзида уникига меҳмонга келишарди. Мен уларни кузатар эканман, биронтаси ҳам устозим билан менчалик яқин, дўстона муносабатда бўлганини кўрмаганман.

– Мен зерикарли одамман, – деди устозим. – Шунинг учун сиз мени йўқлаб турганингиздан хурсандман. Сиздан “нега мени тез-тез йўқлаб турасиз”, деб сўраганим боиси шунда.

– Барибир ҳам нега бундай деб сўраганингиз менга қизиқ туюлади, – деб яна ўша гапни такрорладим, устозим ҳеч нима деб жавоб бермади. Менга қараб, деди:

– Неча ёшдасиз?

Бу мен учун тушунарсиз суҳбат эди. Ўша заҳотиёқ устозим ҳузуридан чиқиб кетдим. Лекин орадан уч-тўрт кун ўтиб, яна унинг уйига бордим. Менга пешвоз чиқиб оқиб келди.

– Яна ташриф буюрибсиз-да!

– Ҳа, келдим, – деб мен ҳам кулиб қўйдим. Агар менга бу гапни бошқа биров айтганида, аниқ жаҳлим чиққан бўларди. Бироқ бу сўзни устозимнинг оғзидан эшитганим учун мамнун бўлдим.

– Мен зерикарли одамман, – устозим аввалги гапини яна такрорлади. – Мен зерикарли одамман, балки сиз ҳам шундайдирсиз, а? Зерикарли одам бўлсам ҳам, сиздан ёшим анча катта бўлгани учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаслигим, фаолият юритмаслигим мумкин. Аммо сиз ҳали ёшсиз, бу сизга тўғри келмаса керак... Шундай эмасми? Сиз, имкон қадар нима биландир шуғулланишингиз лозим. Шундай эмасми?

– Мен ҳеч қачон зерикиш нималигини билмайман.

– Ҳа, ёшликда зерикиш нималигини билмайди одам... Унда нега меникига тез-тез ташриф буюрасиз? – Устозим яна ўша саволни такрорлади. – Агар сиз вақтингизни мен билан ўтказадиган бўлсангиз, менинг зерикарли ҳаётим сизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Сиз эса ҳали ёшсиз, жамиятга қучоғингизни кенг очишингиз лозим. Шундай қилсангиз, менинг уйимга қадам босишни ҳам хоҳламай қоласиз.

Шундай деб, устозим маъюс жилмайиб қўйди.

VIII

Бахтга қарши устозим айтгандек бўлмади. Мен эса ёш ва тажрибасиз бўлганимдан унинг сўзлари маъносини тўла англай олмадим. Аввалгидек устозни кўришга боравердим. Бир марта унинг дастурхонидан овқатланганман ҳам. Табиийки, унинг хотини билан гаплашишга тўғри келган. Оддий инсон сифатида мен аёлларга бефарқ эмас эдим. Лекин ёш бўлганим учунми, тажрибасизликданми, ўшангача аёллар билан арзигулик муносабатда бўлмаган эдим. Шу сабабданми ё бошқа сабабданми, билмадим, менда фақат нотаниш, кўчада учратганим аёлларгагина қизиқиш уйғонарди. Мен остонада устозимнинг хотинига дуч келганимда, у чиройли аёл сифатида хотирамда муҳрланиб қолганди. У ҳақда гапиришга менда шундан бошқа ҳеч сабаб йўқ эди.

Бу унда ҳавас қиларли ҳеч нима йўқлигидан эмас, ўзини кўрсатиш учун имкон бўлмаганидан шундай эди. Лекин мен уни ҳам устозимдан кам ҳурмат қилмас эдим. У

ҳам мен билан эрининг шогирди сифатида самимий, дўстона муносабатда эди. Бироқ ўртада устозим бўлмаса, бизни боғлайдиган ҳеч нарса қолмасди. Шунинг учун ҳам менинг кўнглимда унга нисбатан биринчи учрашувда пайдо бўлган “чиройли аёл” деган таассуротдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди.

Бир гал устозим мени сакэ^[3] билан сийлади. Устозимнинг хотини келиб, сакэни пиёлаларга қуйиб берди. Устозим ҳар қачонгидан ҳам қувноқроқ кўринарди. Сакэдан қуяркан устозим:

– Сен ҳам ич! – деди хотинига.

– Мен... – хотини рад этмоқчи бўлди-ю, барибир иккиланиб пиёлани олди, чиройли қошларини чимириб, пиёлани лабларига олиб келди. Эр-хотин орасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

– Қизиқ! Сиз менга илгари ичишни таклиф қилганингизни эслолмайман!

– Сен ичишни ёқтирмаганинг учун шундай қилгандирман! Лекин баъзида ичиб турган яхши. Кайфиятни кўтаради.

– Ҳечам-да! Жуда бадбўй-ку. Лекин сиз хурсанд кўринасиз... Яна ичинг!..

– Ҳа, баъзида бу ёқимли, лекин ҳар доим ҳам эмас.

– Бугун-чи?

– Бугунми? Ажойиб!

– Унда ҳар куни кечки пайт ичинг!

– Йўқ, бўлмайди.

– Ичинг, ичаверинг. Сал очиласиз, енгил тортасиз.

Устозимнинг уйида эр-хотин ва хизматкордан бошқа ҳеч ким йўқ эди, қачон келсам сув

қуйгандек жим-жит бўларди. Баъзида уйда устозим ва мендан бошқа ҳеч ким йўқдек туюларди.

– Фарзанд бўлса қандай яхши! – устознинг хотини менга юзланди.

Мен “Ҳа” дедим у – лекин юрагимда бу фикрга нисбатан ҳеч қандай туйғу йўқ эди. Шахсан менга, боласи йўқ одамга, улар фақат жонга тегувчи, зарарли нарса бўлиб туюларди.

– Бирорта бола асраб оламизми? – деди устозим.

– Асраб олиш? Нималар деяпсиз!.. Ростданми? – Шундай дея, хотини менга қаради.

– Ўзимизнинг боламиз бўлмагандан кейин... – деди устозим. Хотини жим эди.

– Нега энди? – сўрадим мен.

– Худонинг жазоси! – жавоб берди устозим ва қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

IX

Билишимча, устозим ва унинг хотини жуда яхши жуфтлик эдилар. Улар билан яшамаганим учун, албатта, чуқурроқ муносабатларидан хабарим йўқ эди, лекин ҳар гал уларникига борганимда, устозга нимадир керак бўлса, хизматкорни эмас, хотини Шидзуни чақирар эди.

– Ҳой, Шидзу! – деганча, устозим кейинги хонага юзланади. Унинг бундай чақиришларида меҳр товланиб турарди. Хотини ҳам уни маҳтал қилиб қўймасди. Мен уларникида меҳмон бўлганимда, хотини ҳам бирга ўтирар, шундай вақтларда уларнинг орасидаги муносабат яна ҳам очиқ ва самимий манзара касб этарди.

Баъзида устозим хотини билан театрға, концертға борарди. Янглишмасам, эр-хотин бир ҳафталик саёҳатларға ҳам кўп борган. Менда Дақунолдан уларнинг номига келган мактуб ҳали ҳам сақланади. Улар Никкога боришганида қизил чинор барги солинган хатжилд олганман. Бир гал ғалати воқеа бўлган эди. Ичкарига кираётганимда қулоғимга икки кишининг суҳбатлашаётгани чалинди. Бу оддий суҳбатдан кўра тортишувга ўхшарди. Меҳмонхона даҳлиз яқинида жойлашганидан бу ерга овоз бемалол эшитиларди. Жаранглаб, чиқаётган эркак овозидан унинг устозим эканини билдим. Иккинчи овоз биринчисидан пастроқ эшитилгани учун уни таний олмадим. Адашмаса, устозим хотинининг овозига ўхшаб кетди. У йиғлаётган эди, чамаси. “Нима бўлди экан?” деб бироз туриб қолдим, кейин шартта пансионга қайтиб кетдим.

Мени қандайдир ғалати ҳаяжон босарди. Қўлимга китоб олдим, лекин уни ўқиб бирор нарса тушунадиган ҳолим йўқ эди. Орадан бирор соат ўтиб, ташқаридан устозимнинг исминини айтиб чақирган овози эшитилди. Мен ҳайратланиб деразадан қарадим. Пастда устозим турар ва у мени сайрга чорлади. Белимга осилган соатга қарадим. Соат саккиздан ошган. Кийимни ҳам алмаштирмай кўчага чиқдим.

Шу оқшом устозим билан бирга пиво ичдик. Умуман олганда, у камдан-кам ичарди. Озроқ ичиб, кайфи ошмаса, кейин маст бўлгунча ичадиганлар хилидан эди.

– Бугун бирор иш чиқмайди, – деди устозим, мийиғида кулиб.

– Кайфиятингиз йўқми? – ҳамдардлик билан сўрадим мен.

Хаёлимдан ҳалиги воқеа кетмасди. Ўзимда эмасдим. Томоғим ғиппа бўғилгандек. Нима қилишни билмасдим: айтайми, айтмайми? Бу хавотир юзимдан ҳам билиниб турарди, ҳойнаҳой.

– Сенга нимадир бўлди? – Устозим холатимни сезиб қолди ва қўшиб қўйди: – Тўғриси айтсам, бугун мен ҳам ўзимда эмасман, биялпсанми?

Мен ҳеч нарса дея олмадим.

– Тўғриси айтсам, мен ҳозиргина хотиним билан тортишиб қолдим. Асабларим бузилди, – деди у яна.

– Нима учун...? – Мен “тортишдингиз” деган сўзни айтолмадим.

– Хотиним мени тушунмаяпти. Унга адашаётганини айтсам ҳам, тан олмади. Шунга жаҳлим чиқиб кетди.

– Нега у сизни тушунмади?

Устозим бу саволга жавоб бергиси келмади, чамамда.

– Мен хотиним ўйлагандек одам бўлганимда, бунчалик қайғурмасдим, – деди у.

Устозимни нима қийнаётгани менга мутлақо қоронғу эди.

Х

Қайтаётганимизда узоқ жим кетдик. Бирдан устозим гапириб қолди:

– Бекор қилдим. Жаҳлим чиқиб, кетиб қолганимдан хотиним хавотир олаётгандир. Бечора! Унинг мендан бошқа суянгани бўлмаса...

У бир дақиқа жим турди ва мендан жавоб кутмай давом этди:

– Айтишларича, эркакларнинг юраги бақувватроқ бўлар эмиш. Кулгили! Мана мен, сенингча қандай кўринаман, кучлими ёки кучсиз?

– Ўртача, – жавоб бердим мен. Устозим бундай жавобни кутмагандек туюлди. У яна жим бўлиб, йўлда давом этди.

Устоз билан деярли йўлимиз бир эди. Пансионга етиб боргач, муюлишда хайрлашишга тўғри келганидан, бироз хижолат бўлдим.

Уйигача кузатиб қўярман, балки? Шуни таклиф қилдим. Лекин у қўли билан мени аста

нари итариб, “Энди кеч бўлди, тезроқ уйга кира қол. Мен ҳам уйга бораман. Хотиним учун...”, деди. “Хотиним учун” деган сўз негадир юрагимга илиқлик берди. Мана шу сўзлар туфайли мен бу кеча хотиржам ухлай олдим. Яна узоқ вақт бу сўзларни унута олмадим: “Хотиним учун”. Бундан тушундимки, устозим ва хотини ўртасидаги тортишув унчалик жиддий эмас экан. Унинг бошқа такрорланмагани ҳам фикримни тасдиқлаб турарди. Устозимнинг ўзи ҳам бир марта қуйидагиларни айтган:

– Мен учун бу дунёда фақат биргина аёл бор. Хотинимдан бошқа ҳеч қайси аёлни аёл деб тан олмайман. Мен ҳам унинг учун шундайман. Бутун оламда фақат бир эркак – мен борман. Бундан келиб чиқадики, биз энг бахтли жуфтлик бўлишимиз керак.

Нима учун устозим менга бунчалик очиқ гапиргани сабабини билмайман. Лекин ўша вақтдаги унинг жиддий қиёфаси ва мунгли овози эсимда қолган. Фақат “биз энг бахтли жуфтлик бўлишимиз керак”, деган сўнгги сўзлари қулоғимга ғалати эшитилган. Нега у жўнгина қилиб, “биз энг бахтли жуфтликмиз” демади? Ёки у бахтли бўлиши керагу, лекин бахтли эмасми? Бу фикрлардан миям ачиб кетди. Аммо улар тезда тарқади.

Бир марта устозим йўқлигида унинг уйига кириб, хотини билан суҳбатлашганман. Устозим шу куни Ёкохамадан кемада чет элга кетаётган дўстини кузатиш учун вокзалга чиққанди. Ёкохамадаги кемага улгуриш учун Токиодан 8: 30 даги поезд билан жўнаш лозим эди. Мен устозим билан бир асар ҳақида гаплашишим учун, келишганимиздек, тўққизларга келдим. Кетаётиб, мен келсам, кутиб туришимни айтиб кетган экан. Шунинг учун хонага кирдим-да, устозни кутиш баҳонасида хотини билан суҳбатлашиб ўтирдим.

XI

У пайтда мен университет талабаси эдим. Устозим билан эндигина танишган пайтларимизга қараганда анча улғайиб қолгандек эдим. Хотини билан ҳам дўстлашиб қолгандик. Энди унинг олдида умуман ҳаяжонланмасдим. Ўтириб, турли мавзуларда

гаплашардик. Бу суҳбатларда айтишга арзигулик ҳеч гап йўқ эди. Барибир улар тезда эсимдан чиқиб кетарди. Хотирамда фақат бир нарсa қолганди. Аммо бу ҳақда гапиришдан аввал бир масалани тушунтириб ўтишим керак.

Устозим ҳам университетни битирган, буни мен бошиданоқ билган эдим. Лекин устозимнинг ишламай, фақат дам олиб юриши ҳақида мен Камакурадан Токиога қайтганимда билдим. Ўшанда, қандай қилиб бундай яшаш мумкин, деб ажаблангандим.

Устозимни ҳеч ким танимайдигандек эди. Шунинг учун у билан яқин муносабатда бўлган бир неча одамдан ташқари, ҳеч ким унинг маданияти ва ғояларини ҳурматга лойиқ деб билмасди. Мен бунга ачинардим. Устозим эса ҳеч гапимни эшитмас ва бу дунёга келиб нима қилдим, дер эди. Бу менга ортиқча камтарликдек туюларди. Мен унга ич-ичимдан ачинардим: наҳотки шундай одамни ҳеч ким тан олмаса? Бундай вақтда устозим маъюс оҳангда: “Нима ҳам қилардинг! Мен бу жамиятда яшаш учун яралмаганман”, – дерди. Устозимнинг қараши янада маънолироқ эди. Бу нима – ҳайратми, қониқмасликми, ғамми? Мен буни тушунолмасдим. Тушунишга мадорим қолмаганди.

Устозимнинг хотини билан суҳбатимиз, табиийки, унинг ўзи ҳақида бўлди.

– Нега энди устоз фақат уйда ўтиради, ўйлайди, илм билан шуғулланади, нега жамоат билан ишлашни хоҳламайди?

– Шундан бошқаси унинг қўлидан келмайди. Бундай ишларни у киши ёқтирмайди.

– Яъни, ўзига эп билмайдими?

– Аёл бўлганим учун буни тушунмайман, аммо ундай бўлмаса керак. Менимча, нимадир қилишни хоҳлайди, лекин қилолмайди. Унга ачинаман...

– Ахир устозимнинг тўрт мучаси соғ-ку?!

– Ҳа, у соппа-соғ, ҳеч нимадан шикояти йўқ.

– Унда нега ҳеч нарса қўлидан келмайди?

– Мен тушунмайман. Агар гап нимада эканлигини билганимда, бунчалик хавотир олмаган бўлардим. Мен ҳеч нарса билмайман – шунинг учун ҳам юрагим эзилади.

Аёлнинг гапларида эрига ачиниш ҳисси бор эди.

XII

Устозимнинг хотини токиолик эди. Мен буни унинг ўзидан ҳам, устоздан ҳам эшитганман. У ўзи ҳақида шундай дер эди: “Менинг асли-наслим йўқ – дурагайман”. Унинг отаси татар, онаси эса Эдо давридаги ичигаяликлардан, шунинг учун унинг ҳазилида жон бор эди. Устоз эса мутлақо қарама-қарши томон – Нигатадан эди.

Устозим билан танишганимдан то у вафот этгунга қадар унинг турли туйғулари ва қарашлари билан тўқнаш келганман, лекин уларнинг тўйи ҳақида эшитиш ҳеч насиб қилмаган эди. Мен баъзида буни яхшиликка йўярдим. Мендан ёши анча катта бўлган одам ёш болага ўз севги хотираларини қаердан ҳам ишонсин, деб ўйлардим. Баъзида эса бу жимликни бошқача тушунардим. Уларнинг иккиси ҳам мен яшаётган даврдан олдин вояга етишгани учун, анъаналар ва шарт-шароит туфайли ўзларининг нималарга қодирлигини намоён қила олмаётгандек кўринарди. Лекин булар тахминдан бўлак ҳеч нарса эмасди. Қайси бири тўғри бўлишидан қатъи назар, устозимнинг уйланиши ажойиб воқеа эканини тан олардим. Охир-оқибат билдимки, тахминларимда адашмаган эканман. Лекин мен ўзимча севгининг фақат бир тарафини тасаввур қилаётгандим. Устозимнинг бу гўзал муҳаббати ортида катта фожиа ётарди. Бу фожиа устозга қанчалик таъсир қилгани хотинига ҳам қоронғу эди. У буни ҳали ҳам билмайди. Устозим эса бу фожиани яшириб дунёдан ўтиб кетди. Хотинининг бахтини бузишдан аввалроқ, умри поёнига етганди. Ҳозир бу фожиа ҳақида ҳеч нарса дегим келмайди. Бир нарсани айтишим мумкинки, уларнинг муҳаббати айнан шу фожиа асосида пайдо бўлганди. Лекин улар бу ҳақда ҳеч нарса дейишмаган. Хотини бу сирдан беҳабарлигидан, устозим эса бошқа нозик сабаб туфайли чурқ этмаганди.

Хотирамда бир нарса қолган. Бир гал биз олча гуллаганини кўргани Уено боғига борганимизда, у ерда чиройли ёш жуфтликка кўзимиз тушди. Улар гуллаган дарахтлар остида, бир-бирининг қўлини қаттиқ ушлаганча юриб келишарди. Атроф нақадар фусункор бўлса ҳам ҳамма эътиборини гулларга эмас, уларга қаратганди.

– Янги келин-куёвга ўхшайди, – деди устоз.

– Бир-бири билан жуда аҳилга ўхшайдилар, – қўшиб қўйдим мен. Устоз мийиғида кулиб қўйди, холос. Уларни кўрмаслик учун атайин бошқа томонга бурилиб олди. Кейин менга юзланиб сўради:

– Сен ҳам бировни севганмисан?

Мен “йўқ”, деб жавоб бердим.

– Севишни хоҳлармидинг?

Индамадим.

– Қарши эмасга ўхшайсан-а?

– Шундай ҳам дейлик...

– Сен ҳозир бу жуфтликнинг устидан кулдинг. Лекин кулгинг остида севгига муштоқ, аммо унга мушарраф бўла олмаётган одамнинг кўнгил яримлиги ётибди.

– Наҳотки сизга шундай туюлган бўлса?

– Ҳа, шундай. Лекин... лекин... севги – балойи азим! Буни биласанми?

Мен ҳайрон қолиб, ҳеч нарса деб жавоб бермадим.

XIII

Биз кўпчилик орасида эдик. Одамлар ҳар доимгидек қувноқ эди. У ерни тарк этиб, гуллар ҳам, одамлар ҳам йўқ ўрмонга етгунимизча бу мавзуга қайтишга имкон бўлмади.

– Севги балойи азим эканми? – тўсатдан сўрадим мен.

– Ҳа, шунақа. Шубҳасиз, балойи азим! – жавоб берди устоз, худди биринчи галдагидек бу сўзларга алоҳида урғу бериб.

– Нега?

– Нега, дейсанми? Бир кун келиб тушунасан... Сен буни ҳозир ҳам тушунишинг керак.

Мен бир марта ўз ички дунёمنى ўрганмоқчи бўлганман. Лекин унда бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Арзигулик ҳеч нима йўқ эди.

– Менинг қалбимда интилишга ундайдиган ҳеч нарса йўқ. Мен сиздан буни яширмоқчи эмасман.

– Аниқ бир мақсадинг йўқ – шунинг учун ҳам хавотирдасан. Агар мақсад топилса, сен хотиржам бўласан.

– Умуман олганда, мен ҳозир хавотирда эмасман.

Дилимни қандайдир ғамгинлик чулғади.

– Сиз, кутишинг керак, деб ўйласангиз, нима ҳам қила олардим! Лекин менда фикр пайдо бўлгани йўқ.

Гапларимни устозим эшитса ҳам эшитмаганга олди.

– Аммо эҳтиёт бўл. Севги – бу айрилмас бало! – Устознинг “Севги – балойи азим”, деган гаплари тушунарсиз эди. Бунинг устига менда бир мунча ёқимсиз ҳислар пайдо бўлди.

– Устоз, нега сиз севгини ёмон дейсиз, аниқроқ тушунтириб беринг? Агар хоҳламасангиз, унда саволни шундай очиқ қолдирамиз.

– Мени кечир. Мен сенга ҳақиқатни айтишни хоҳлагандим, охир-оқибат сени ўйлантириб қўйдим. Мени кечир.

Биз устоз билан музей биноси бўйлаб Угайсудани томон секингина юриб бордик. Тўсиқ ортида зич ўсган барглар, катта боғнинг асосий қисми кўринар эди.

– Биласанми, нега мен ҳар ёз Зошигая қабристонида қўйилган дўстимнинг қабри бошига бораман?

Бу саволни кутмаган эдим. Бунга жавоб бера олмаслигимни яхши биларди. Бироз вақт мулзам қолдим. Шунда устоз буни сезганидек деди:

– Яна яхши иш қилмадим! Сенга жавоб бермоқчи бўлиб, гапни бошқа томонга буриб юбордим. Нима ҳам қилардим! Кел, ҳаммасини қўяйлик. Фақат шуни билгинки, севги – азоб-уқубат. Тушундингми? Уқубат бўлиш билан бирга – муқаддас нарса...

У нима демоқчи эканини тушунгандай бўлдим. Лекин устоз севги ҳақида бошқа гапирмади.

XIV

Ёшлигимдан жуда берилувчан бўлиб, бирор нарсага бутун вужудим билан киришиб кетар эдим. Ҳар ҳолда устозга шундай кўринардим. У билан ўтган суҳбатларим университет маърузаларидан кўра фойдалироқ эди. Устознинг фикрлари бошқа профессорларнинг ғояларидан ҳам қизиқ туюларди. Тўғриси айтганда, камгап устоз кўзимга кафедрадаги мутасаддилардан кўра улуғворроқ кўринарди.

– Сен чангга ботгансан. Чанг босилса, жуда жирканч кўринади. Мен ҳақимда бундай

ўйлашинг менга оғир ботади. Лекин сен ўзгарган тақдирингда ҳам, айрилиқни ҳис қилганингда ҳам, буни бошқача тушунасан.

– Наҳотки, мени шундай иккиюзламачи деб ўйласангиз? Наҳотки, менга ишониб бўлмайди?

– Мен сенга фақатгина ачинаман.

– Ачинаман... Демак ишонмайсиз... Шундайми?

Устоз хижолат бўлгандек боғ томонга бурилди. У ерда катта қизил гуллари барқ уриб камелия ўсарди, лекин ҳозир бир дона ҳам гул йўқ эди. Устоз меҳмонхонада шу камелияларга тикилиб ўтиришни одати қилганди.

– Мен ишонмайман, деганда, фақат сенга эмас, умуман одамларга ишонмайман, демоқчи эдим.

Тўсиқ ортидан олтин балиқ сотувчининг овози эшитилди. Бу ерда унинг овозидан бошқа бирор садо йўқ эди. Катта йўлдан икки мавзе узоқликдаги бу кўча жим-жит бўлиб, уй ичида ҳам сукунат ҳукм сурарди. Мен қўшни хонада устознинг хотини борлигини билардим. Биламан, у жимгина нимадир тикаяпти ва унга менинг овозим яхшигина эшитилиб турибди. Лекин мен буни мутлақо унутгандим.

– Унда сиз умр йўлдошингизга ҳам ишонмайсизми? – сўрадим устоздан. Унинг юзида ҳаяжон сезилди, лекин очиқ жавоб бермади.

– Мен ўзимга ишонмайман. Ҳолбуки, ўзимга ишонмас эканман, қандай қилиб бошқа бир инсондан ишонч қидиришим керак? Ўзимни айблашдан бошқа чорам йўқ.

– Сизнингча, наҳотки, бу дунёда биронта ишончли одам топилмаса?

– Мен буни аниқ биламан, бошимдан ўтказганман.

Мен шу йўлдан яна бироз юргим келганди. Сурма эшик ортидан хотинининг овози эшитилди, у устозимни икки марта чақирди.

– Нима бўлди?

– Бир дақиқа! – дея имлади аёл.

Нима бўлганига фаҳмим етмади. Бу ҳақда ўйлагунимча устоз қайтиб келди.

– Ҳар ҳолда менга ишониб бўлмайди. Кейин афсусланасан. Алданганингни англаб етганингда кимдандир аламли ўч олмоқчи бўласан.

– Бу нима деганингиз?

– Олдин киши олдида тиз чўкадилар, кейин унинг бошига чиқадилар. Кейин хорликка дуч келмаслик учун ҳозир ҳурмат-эҳтиромдан воз кечганим яхши. Биз мустақил, озод заминда яшаяпмиз, бунинг учун қурбонлик қилишимиз, бу зерикарли ҳаётга чидашимиз лозим.

Бунчалик ишонч билан айтилаётган гапларга жавобан жўяли сўз топа олмадим.

XV

Шундан кейин устозимнинг хотини билан ҳар гал учрашганда ўзимни бироз ноқулай ҳис қилардим. Наҳотки, устоз ўзини у билан доим шундай тутган бўлса? Агарда шундай бўлса, наҳотки, хотини бунга чидаган? Ташқаридан қараганда хотини бунга кўникканми-йўқми билиб бўлмасди. Биринчидан, у билан яқинроқ танишишга менда имконият бўлмаган, иккинчидан, у мен билан кўришганда ўзини сипо тутарди ва ниҳоят учинчидан, устоз бўлмаганида биз у билан учрашмасдик ҳам.

Менда яна шундай саволлар туғилган эди: устозда одамларга нисбатан бундай муносабат қандай юзага келган? Устоз хаёл суришни яхши кўрадиган кишилар тоифасидан эди. Лекин бундай ўйга чўмиш билан иш битмайди. У ўз қарашларини ҳаётдан оларди. Устоз менинг кўзимга ҳақиқий донишманддек кўринарди. Унинг

мардона хаёллари ҳаётини далилларга асосланарди. Бошқаларда эмас, ўзида ҳис қилган, унинг қонини қайнатган, юрагига бориб санчиладиган даражадаги далиллар! Бу фақат менинг тахминларим эмас, унинг ўзи бунга иқрор бўларди. Лекин унинг иқрори булутлар билан ўралган тоғ чўққисига ўхшарди. У худди бошимга мен билмайдиган ва тушунмайдиган нарсани ёпиб қўйганга ўхшарди. Нега бундан чўчишимга ҳам ақлим етмасди. Лекин у бунга иқрор бўларди, ҳаттоки асабларимга тегишини билса ҳам. Одамларга бўлган бундай муносабатига сабаб – албатта, у билан хотини ўртасидаги буюк муҳаббат деб тахмин қилиб кўрдим. Агар унинг “севги – уқубат” деган сўзларидан келиб чиқсак, бу таъриф тўғри эмасдек туюларди. Лекин хотинини севишини ҳозир ҳам тан оларди. Агар шундай бўлса, бундай дунёқараш – дунёни қабул қилмаслик – ўртадаги буюк сеvgи натижаси бўлиши мумкин эмасди.

“Олдин киши олдида тиз чўкадилар, кейин унинг бошига чиқадилар...” Унинг бу сўзлари ҳар қандай одамга таалуқли бўлиши мумкин. Фақат у ва хотини орасидаги муносабатларга эмас. Зошигаядаги қабр (кимникилиги номаълум) ҳам бир неча марта хаёлимдан ўтди. Мен бу қабр билан устоз ўртасида жиддий боғлиқлик борлигини тушундим. Устознинг ҳаётига қанчалик чуқур кириб бормайин, бу боғлиқлик тагига етмаган бўлсам-да, ҳартугул қабр билан боғлиқ хотиралар ҳаётининг бир қисми эканлигига имон келтирдим. Лекин мен учун бу қабр жонсиз бир нарса эди. У бизнинг ўртамизда турган эшикни очадиган калит бўла олмасди. Балки, аксинча, катта бир тўсиқдек эди гўё.

Ишлар мана шундай давом этаётган вақтда мен унинг хотини билан суҳбатлашиб қолдим. Бу кузнинг совуқ кунларидан бирида бўлганди. Устозимнинг уйи атрофида икки-уч кундан бери ўғриликлар содир бўлаётганди. Бу кеч ҳам хонадонлардан нимадир йўқолганди. Устозимнинг хотини жуда қўрқиб қолган. Бир гал устозим оқшом уйда йўқ экан. Ўшанда Токиога вилоятдаги бир касалхонада ишлайдиган ҳамюрт дўсти келган бўлиб, яна икки-уч танишлари уни тушликка чақиришган экан. Устозим, мен йўқлигимда хотиним билан уйда ўтириб тура оласанми, деб сўради ва вазиятни тушунтирди. Мен иккиланиб ўтирмай рози бўлдим.

Устознинг уйига келганимда қош қорайиб қолган, устозим аллақачон кетиб бўлган эди.

– Ҳозиргина кетди – кеч қолишни ёмон кўради, – деди хотини ва мени эрининг кабинетига бошлаб борди. Хонада европача стол-стулдан ташқари каттагина жавон бўлиб, унда китоблар муқоваси яраклар, ойнага чироқ ёруғи тушиб турарди. Уй бекаси мени юпқа ёстиққа ўтказди ва “шу ердаги китобларни ўқиб ўтиринг”, деб хонадан чиқиб кетди. Ноқулай аҳволда қолдим, мен худди хўжайин келишини кутаётган меҳмонга ўхшардим. Ўзимни чалғитиш учун тамаки чекдим. Орқа хонада бека хизматкор билан ниманидир гаплашаётган эди. Кабинет унинг энг чеккасида жойлашгани учун сокинлик ҳукм сурарди. Ичкаридан овоз эшитилмай қолди ва хонага сукунат чўкди. Менда ҳозир ўғрилар келади, деган хавотир пайдо бўлди ва диққатим ошиб, бутун вужудим қулоққа айланди.

Кўп ўтмай, бека кириб келди.

– Эҳ! – деди у менга бироз ҳайронлик, бироз истеҳзо билан қараб. – Сиз ўзингизни бу ерда ноқулай сезаяпсизми?

– Йўқ, ҳаммаси яхши.

– Зерикмаяпсизми?

– Йўқ, аксинча, мен бу ерни қўриқлаб, ўғриларни пойлаб ўтирибман.

Бека кулиб юборди. Унинг қўлида чой бор эди.

– Бу энг чекка хона экан, шунинг учун қўриқлаш бироз ноқулай, – дедим.

– Мени маъзур тутинг. Балки ичкарига ўтарсиз? Мен бу ерда зерикяпсиз, деб ўйлаб чой олиб келгандим. Қарши бўлмасангиз, ўша ерда ичарсиз, чойни?

Мен унинг кетидан хонадан чиқдим. Ичкари хонадаги узун ўчоқда металл чойнак ҳуштак чаларди. У мени чой ва ширинликлар билан меҳмон қилди. Ўзи эса, кейин

уйқум қочади деб, чой ичмади.

- Нима, устоз бундай йиғилишларга кўп бориб турадими?
- Йўқ, камдан-кам. Сўнгги пайтларда у янаям одамлардан узоқлашиб бормоқда.

Унинг бу сўзларида норозилик аломати йўқ эди.

- Демак, сиз истисносиз.
- Йўқ, у мени ҳам унутиб қўймоқда.
- Йўқ, бу гап ёлғон, - дедим мен, - сиз бунинг рост эмаслигини билиб туриб айтаяпсиз.
- Шундайми? Нега энди?
- Ростини айтганда, устоз одамларни ёмон кўриб қолган, лекин бу сизни севишига тўсқинлик қилмайди.
- Сиз олим одамсиз, сўзга ҳам устасиз. У одамларни ёмон кўради, шунинг учун мени ҳам ёмон кўради. Нима фарқи бор? Маъноси бир хил.
- Шундай деса ҳам бўлади, лекин менинг гапим ҳақиқатга яқинроқ.
- Эҳ, бу эркаклар!.. Улар тортишишни мунча яхши кўришмаса!?

Аёлнинг кейинги сўзлари бироз кескин янгради. Лекин оҳанги унчалик қўпол эмасди. У замонавий аёллардан фарқли ўлароқ, ўзини ақлли кўрсатишга ҳаракат қилмас, ундан кўра вужудининг туб-тубида ватан қурган қалбини авайлашни афзал биларди.

XVII

Менинг унга айтадиган гапларим кўп эди. Лекин унга бўлмағур тортишувларни яхши кўрадиган одам бўлиб кўринмаслик учун ўзимни босдим. Пиёламга жимгина термулиб ўтирганимни кўриб:

– Яна қуяйми? – деди.

Мен жимгина пиёлани узатдим.

– Нечта? Биттами ёки иккита?

Ғалати! Қандни қўлида ушлаб туриб, мендан қанча солишни сўраяпти. Бу унинг менга мулозамати эмас, балки бироз олдин айтган сўзларига узрхоҳлиги эди.

Мен чойимни жимгина ичдим. Пиёлани бўшатсам-да, жим ўтиравердим.

– Индамай қолдингиз! – деди у.

– Яна тортишув бошласам, урушадигандек туюлаяпсиз! – дедим мен.

– Шундайми? – деди бека. Яна суҳбатимиз уланиб кетди. Суҳбат мавзуси энди устозга кўчди.

– Бир гап айтсам майлими? Балки бу сизга қуруқ гапдек туюлиши мумкин, лекин бу жиддий масала.

– Гапираверинг.

– Айтинг-чи, агар сиз бирдан ғойиб бўлиб қолсангиз, устоз сизсиз яшай оладими?

– Билмадим... Буни мендан эмас, устозингизнинг ўзидан сўранг.

– Мен жиддий айтаяпман. Яширмасдан. Тўғриси айтилаверинг.

– Тўғриси?.. Мен сизга бор ҳақиқатни айтаяпман: билмадим.

– Майли, яна бир гап: сиз уни севасизми? Бу савол энди устозга эмас, айнан сизга

таалуқли. Бунга нима дейсиз?

– Албатта!

– Мана қаранг: сиздек вафодор хотин бирдан йўқ бўлиб қолса, устоз нима қиларди? Дунёга қизиқиши сўнган одам... Агар сиз бўлмасангиз устоз нима қилган бўларди? Буни айнан сиз яхшироқ тушунасиз. Сиз яхшироқ биласиз... Шунинг учун айтинг-чи, у бахтли бўлармиди, йўқми?

– Буни мен тушунаман (устоз бошқача ўйлаётган бўлиши ҳам мумкин). Агар мендан айирилиб қолса, у бахтли бўлмас эди. Айтайлик, у ҳатто яшолмасди ҳам. Бу ўзимнинг фикрим бўлса ҳам, фақатгина мен уни бахтли қила оламан. Аминманки, менинг ўрнимда бошқа бир кимса бўлганда ҳам, мен бераётган бахтни беролмаган бўлур эди. Шунинг учун мен хотиржам бўлсам ҳам бўлаверади.

– Сизнинг бу ишончингиз устознинг дардига малҳам бўлади, деб ўйламайман...

– Бу бутунлай бошқа масала.

– Нима, сиз энди ҳам устоз мени севмайди, дея оласизми?

– У мени севмайди, дея олмайман. Бундай маънода айтмадим. Устозингиз бу дунёни севмайди. Охирги вақтларда у киши дунёни ҳам эмас, одамларни севмай қўйди. Мен ўша одамлардан бириман. Шундай экан, у мени сева олармиди?

Охири “у мени севмайди”, деган фикри қандай маъно касб этганини тушундим.

XVIII

Мен шу йилнинг июнь ойида курсни тамомлашим, шу боис апрель ойидан кечиктирмай диплом ишимни ёқлашим керак эди. Бир неча ой қолганида бироз саросимага тушдим. Бошқа талабаларнинг аллақачон керакли маълумотлар ва билимларга эга эканликларини кўрдим. Бир нарсага қатъий аҳд қилган эдим, у ҳам бўлса, янги йил кириши билан диплом ишини тугатишга астойдил бел боғлайдиган бўлдим. Шу қарор билан ишимни бошладим, лекин ишимда ҳеч унум йўқ эди. Берилган вақт давомида мен фақат мавзунинг умумий ҳолатини ва режасини туза олдим, холос. Энди ушбу иш устида бош қотира бошладим. Диплом иши мавзусини қисқартиришга тўғри келди, китоблардан саралаб-саралаб, хулоса ясадим.

Мен танлаган мавзу устознинг мутахассислиги билан узвий боғлиқ эди. Бу борадаги фикрларим ва саволлар билан ўртоқлашганимда у фикрларимни маъқуллади. Бирор нимадан қийналиб қолсам, нимани ўқишни сўраш учун ўша заҳоти унинг олдига чопардим. Устозим ҳар доим ўз фикрларини менга баён этарди. Бундан ташқари, зарур бўлган икки-учта китобни менга тортиқ қилиб ҳам юборди. Лекин у мени бошқаришни ўз зиммасига олишини хаёлимга ҳам келтирмас эдим. Охирги вақтлар кам ўқиганим сабабли кўплаб янгиликлардан беҳабар қолгандим.

Бирданига устозимнинг турмуш ўртоғи авваллари уни кўп китоб мутолаа қилгани, кейин нима сабабдандир китобларга қизиқиши сўнгани ҳақида гапирганини эслаб, дабдурустдан сўрадим:

– Устоз, нега сиз китобларга қизиқмайсиз? Азалдан шунақамисиз?

– Нега ундай дейсан? Ҳа, тўғриси, бунини ўзим ҳам билмайман. Шунчаки, қанча... Шунчаки, қанча китоб ўқима, бундан ҳеч нарса чиқмайди.

– Бор-йўғи шуми?

– Менимча, бу сабаб эмас, биласанми, авваллари мен одамлар орасида ўзимни ноқулай сезардим. Агар менга саволлар билан мурожаат қилсалар-у, мен ўша саволларга жавоб беролмасам, ноқулай бўлар эди, энди эса билмаслик уятлигидан чўчимайман ва натижада китоб ўқишга қизиқишим йўқолди. Қисқа қилиб айтганда, қариб қолдим.

Устозимнинг мулоҳазаларига жавобан бир нима дейишим қийин эди. Дунё ишларидан

юз ўгириб, қайғуни енгганига ўзи ҳам ишонмаётганди. Мен унинг қарилик ҳақидаги фикрлари тагига етолмай хайрлашдим. Шу кундан бошлаб мен диплом иши устида зўр бериб ишлай бошладим, зўриқиб ишлаётганимни қизарган кўзларимдан билса бўларди. Ўтган йили битирган талабалар ҳақида сўраб-суриштирдим. Улардан бири қабул ҳайъатининг вақти тугашига озгина қолганида иншони топширишга улгурган экан. Бошқаси эса ўн беш дақиқа кечикиб, иншо топширишдан маҳрум бўлиши аниқ бир вақтда, профессорнинг ёрдами билан ишини топширган. Бу фикрлардан кейин қатъиятим янада кучайди. Худонинг берган куни зўр бериб кутубхонанинг қоронғи хонасидаги баланд расталардан китоб қидирдим. Овчи ўлжасини овлагандек, кўзларим китоб муқоваларидан зарҳал ҳарфларни изларди. Олхўрилар гуллаган, аста-аста эсаётган совуқ шамол тинмай йўналишини ўзгартирар, мен эса фақат иншо устида бош қотирар эдим. Ниҳоят, апрель, ойининг сўнгги кунлари мен ҳам иншони топширдим. То ишимни тугатмагунча устозимнинг оstonасини босиб ўтмадим.

XIX

Мен яна аввалгидек қушдай енгил тортдим. Ёзнинг бошланиши эди, олчалар гулини тўкиб шохлари яланғочланган, куртаклар энди-энди уч бера бошлаган эди. Қафасдан озод бўлган қушдек мен қанотимни кенг ёйиб олгандим. Ўша заҳотиёқ устоз ҳузурига ошиқдим. Йўл бўйи кўзларимни қуриган ўтлар орасидан барқ уриб турган ям-яшил бута девордан узмадим, баланд анор шохлари орасидан чарақлаб турган қуёш ғоят мафтункор эди. Бу гўзалликни гўё умримда биринчи бор кўраётгандекман.

Устозим юзимдаги қувончни кўриб:

- Демак, диплом ишини тугатгансан, жуда соз! – деди мамнун ҳолда.
- Ниҳоят, тугатдим, устоз, – деб жавоб бердим мен. – Раҳмат, энди озодман.

Ҳақиқатан ҳам ҳамма ишни қойил қилганимдан ғурурим жўш урди, энди бемалол сайр қилсам бўлади. Бажарган диплом ишимдан кўнглим тўқ эди. Ишимнинг моҳиятини

устозга тушунтирар эканман, у фақат босиқлик билан “ҳа, ҳа, шундайми?” деб қўяр, камчилигимни айтмасди. Мен эса бирон-бир камчилигимни сезиш у ёқда турсин, орзуларим билан андармон эдим. Бироқ ўша куни шунчалик эҳтиросга берилиб кетган эдимки, ҳатто устознинг кайфиятини кўтармоқчи, уни, табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиши учун, яшил олам сари чорламоқчи бўлдим.

– Устоз, юринг, сайр қилгани у ер-бу ерга борайлик!

– Қаерга ҳам борардик?

– Менга фарқи йўқ.

Устозимни фақат шаҳар ташқарисига олиб чиқиш ниятида эдим. Бир соатдан сўнг устоз билан шаҳар ташқарисидаги шундай жойга бордик-ки, у ернинг шаҳар ёки қишлоқ эканлигини тасвирлаш қийин. Кўм-кўк баланд бута шохидан синдириб, баргини шилиб ташладим-да, “сурнай” ясаб чала кетдим. Лекин устоз бунга парво қилмай, бошқа ёққа қараб кета бошлади.

Кўп ўтмай биз қалин печак қоплаган тор йўлакка дуч келдик. Дарвозага қоқилган тахтачадаги ёзув бу боғ-уйнинг хусусий эмаслигидан далолат берарди. Устоз, йўлакдан тепаликка кўтарилайлик, деди. Бунга мен жон деб рози бўлдим:

– Албатта, балки боғбон бордир.

Бориб қарасак, чап томондаги уйнинг деразалари очиқ экан, уй эса бўм-бўш, ҳеч зот йўқ. Фақатгина ташқарига қаратилган аквариумда олтин балиқчалар сузарди.

– Қандай сокинлик! Сўроқсиз кирганимиз тўғримикан?

Биз боғ ичкарисига кириб бордик. У ерда ҳам ҳеч ким кўринмади. Атроф гулларга бурканган эди. Устозим баланд оқиш гулни кўрсатиб, деди:

– Бу “киришима” деган гул.

Ўн квадрат метрдан ортиқроқ майдон пиёзгул кўчатларига тўла эди. Ҳали пиёзгул

очиладиган вақт бўлмагани сабабли бирорта ҳам гул кўринмасди. Уват четида бир эски ўриндиқ бор экан, устозим шу ўриндиққа ёнбошлаб олди. Ўриндиқнинг бир четига омонатгина ўтириб, томоғимни чайдим. Устоз мусаффо осмондан кўз узмасди. Мени эса ям-яшил кўчатлар сеҳрлаб қўйганди. Бориб қарасам, уларнинг барги ҳар хил экан. Бирорта ҳам кўчатнинг шохига бир хил рангдаги барглари учрамасди. Устозимнинг баланд гул шохига осилган шляпаси шамолда учиб тушди.

XX

Мен дарҳол шляпани ердан олдим. Бармоқларим билан чангини қоқиб, устозга дедим:

– Устоз, шляпангиз ерга тушиб кетибди.

– Раҳмат!

Қаддини ростлаганча устоз қўлимдан шляпасини олди ва мени саволга тутди:

– Айтинг-чи, сизларнинг моддий аҳволингиз қандай?

– Очиғини айтсам, яхши.

– Ҳар қалай даромадларингиз қанча? Кечирасиз, албатта.

– Қанақа даромад? Фақат ер, холос, пулимиз умуман йўқ.

Устозимнинг биринчи бор оиламиз моддий аҳволи ҳақида тўғридан-тўғри савол бериши эди. Мен эса бир марта ҳам у ниманинг ҳисобига яшашини сўрамаганман. Қандай қилиб ҳеч иш қилмай яшаш мумкин? Бу фикр мени ўйлантириб қўйган, лекин ҳеч нарса тушуна олмасдим. Фақат устозга бундай савол бериш одобдан эмас, деб шу вақтгача ўзимни тийиб келардим.

– Устоз, сизнинг моддий аҳволингиз-чи?

– Нима? Мен бой одамга ўхшайманми?

Устозим доим одми кийиниб юрарди. Унинг уйи ҳашаматли эмасди, моддий аҳволи ҳам мақтагулик эмас. Ҳаёти тўқис ва тинч бўлса-да, етишмовчиликлари ўзига етиб-ортарди.

– Ҳар ҳолда, мен шундай ўйлайман, – жавоб бердим мен.

– Унча-мунча қўр-қутим бор-у, лекин бой одам эмасман. Агар бой одам бўлганимда, бундан яхшироқ уй қурган бўлардим.

Устозим шундай дея туриб, ўриндиққа бориб ўтирди. У гапини тугатиб, чўп билан ерга доира чизди, доира ўртасига бамбул гулини санчиб қўйди.

– Қачонлардир бой эдим!

У ўзи билан ўзи сўзлашгандай паст овозда гапирар, мен эса сукут сақлардим. Бу сўзларни айтиб, устозим ғамгин кулимсираб менга қаради. Мен жавоб қайтармадим. Охири тажрибасизлигим ва ҳаёт сабоқларидан беҳабарлигим панд бериб, мум тишлаб қолдим. Шунда устоз мавзуни ўзгартирди:

– Отангнинг соғлиғи қандай?

Январь ойидан бери отамнинг ҳолидан беҳабар эдим. Отам ҳар ойда қисқагина мактуб ва озроқ пул жўнатарди. Унинг дастхати тиниқ бўлиб, касал одам ёзгани асло билинмасди.

– Бу ҳақда ёзмайди. Ҳаммаси яхши бўлса керак-да.

– Агар шундай бўлса, жуда яхши, лекин касаллик барибир касаллик-да.

– Барибир ёмон фикрга боряпсиз-а? Ҳозирча ҳеч қандай ўзгаришлар йўқ. Менга ҳеч қандай хабар ёзишмаяпти.

– Ҳа-а...

Устознинг моддий аҳволи, отамнинг касаллиги ҳақидаги барча гаплар оддийдек туюлар эди. Лекин унинг ўша берган икки саволи тубида жуда катта маъно бор эди. Устознинг бошидан ўтганларни билмаганим сабаб мен бу борада гап очмай қўя қолдим.

XXI

– Агар моддий маблағинг бўлса, ишларингни тугатиб унга эга бўлиш вақти келди. Менинг сенга ортиқча ғамхўрлик қилаётганимни тўғри тушун, отанг ҳаётлигида ўз меросингга эга бўлсанг, нима қилибди! Агар бирор нохуш ҳолат юзага келса, мол-мулк мусодараси юзасидан саволлар кўтарилади.

– Ҳа, бу гапингиз тўғри.

Устознинг гапларига унчалик аҳамият бермадим. Бизнинг оилада отам, онам ва мен бўлганим учун бу гаплар ортиқчадек эди. Мен бу ҳолатга бироз ҳайрон бўлдим. Катталарга ҳурматим юзасидан индамадим.

– Агар отангнинг бевақт вафоти ҳақида сўз очиб, кўнглингни оғритган бўлсам, мени кечир. Ахир инсоннинг умри абадий эмас-ку. Ҳар қанча соғлом бўлмасин, бир бошда бир ўлим бор. – Устознинг бу сўзларида қандайдир ғамгинлик зоҳир эди.

– Мен бу ҳақда ҳеч ҳам ўйламабман, – жавоб бердим мен. Сўнг устозим менинг қариндош-уруғларим ҳақида суриштира бошлади.

Охир-оқибат у деди:

– Уларнинг ҳаммаси яхши одамларми?

– Деярли ҳаммаси содда, қишлоқ одамлари.

Мен жуда қийин аҳволда қолдим. Устозим ўйлаб туриб жавоб беришимга қўймай, саволга тутарди.

– Оддий қишлоқ одамлари аҳмоқликда шаҳарликлардан ўтиб тушади. Бундан ташқари, сенингча, қариндошларинг ичида мана буниси аҳмоқроқ, дейдигани йўқми? Сенингча, умуман дунёда аҳмоқ одамлар камми? Бир қараганда ҳамма бип-бинойидек инсон, яхши одам. Агар борди-ю, бошларига нохуш иш тушгудек бўлса, ғирт аҳмоққа айланадилар. Мана шуниси ачинарли. Шунинг учун андиша-пандишани йиғиштириб қўй.

Устоз шу билан сўзини тугатмоқчи эмасди. Унинг гапларига жавоб бермоқчи ҳам эдимки, бирдан орқадан итнинг вовуллаши эшитилди. Биз қўрқиб ўгирилиб қарадик. Боғ ичкарасида чоғроқ ғаровзор бор экан, шу ғаровзор ичидан бир ит бошини чиқарганча бизга қараб қаттиқ-қаттиқ вовуллади. Бир вақт ўша ердан чамаси ўн ёшлардаги бир бола югуриб чиқиб, итга жаҳл қилиб бақира кетди. Бола бошига қоғоздан ясалган шапка қўндириб олган эди. Устозга яқинлашиб, ҳарбийларча саломлашди.

– Амаки, сизнинг бу ерга кирганингизни ҳеч ким кўрмадими? – деб сўради болакай.

– Ҳеч ким кўргани йўқ.

– Опам билан онам ошхонада эдилар.

– Ҳа, шунақами?

– Ҳа, амаки! Бориб, саломлашиб, рухсат сўрасангиз бўлармиди...

Устозим кулиб юборди. Чўнтагидан ҳамёнини олиб, беш центлик танга узатди.

– Бориб онангга айт, шу боғда бироз дам олишимизга изн берсин. Бола кулимсираб, бошини сарак-сарак қилиб жавоб берди:

– Мен энди патруль бошлиғиман.

Шундай дея ўтлар орасидаги йўлакдан югуриб кетди. Ит ҳам думини кўтарганча унинг ортидан эргашди. Бироз ўтгач, йўлда яна икки-уч нафар шу ёшдаги болалар “патруль бошлиғи”га қўшилиб югуриб кетишди.

XXII

Бола ва унинг кучуги ортидан қараб қолган устознинг нима демоқчи эканини тушунолмай ҳайрон эдим. Ўша вақтлар мени мерос ва шунга ўхшаган нарсалар қизиқтирмас эди, нега бу саволлар устознинг хаёлига келиб қолган экан-а? Мен жамиятдаги ўрнимнинг фойдаси ёки зарари ҳақида бош қотиришдан йироқ эдим. Ўйлашимча, бундай ҳолатларга дуч келмаганим сабаб бўлса керак, ёш ўсмирга пул ғами деган ташвишлар ҳали узоқ-узоқларда туюлар эди. Устоздан фақат биргина гапини, яъни нега ҳар қандай инсон оғир вазиятда аҳмоқлик қилиб қўйиши мумкинлигини изоҳлаб беришини кутар эдим.

Бола билан ити кетганидан сўнг ям-яшил боғни яна сукунат чулғади. Биз ҳам қимирламай, ушбу сукунатдан сархуш бўлдик. Бир пайт осмоннинг мовий ранги ўз тароватини аста-аста йўқота бошлади. Кўз олдимизда ҳайҳотдек чинор ва унинг оч-яшил япроқларга бурканган шохлари секин-аста қорая бошлади.

Узоқдан юк ортилган автобуснинг кучанган товуши эшитилди. Кўз ўнгимда аравасини сабзавотларга тўлдириб шаҳар бозорига олиб кетаётган деҳқон бобо гавдаланди. Устоз автобус товушидан ўзига келди.

– Хўш, кўпи кетиб ози қолдими? Ҳақиқатан ҳам кунлар узун, аммо бу гўзалликка бир маҳлиё бўлиб қолсанг, қарабсанки, кеч тушганини ҳам билмай қоласан.

Ўриндиққа чалқанча ётгани сабабли устозимнинг кийимига чанг юққан экан. Мен унинг кийимини қоқа бошладим.

– Раҳмат! Сақич ёпишмабдими?

– Йўқ, топ-тоза бўлди.

– Бу кийимни яқинда тиктирган эдим. Агар уни кирлатиб уйга борсам, хотиним кесатиб... “раҳмат!” дейди.

Биз яна тепаликда жойлашган чоғроқ уйнинг олдидан чиқдик. Биз кириб борган уйнинг атрофида ҳеч ким кўринмади, бироздан сўнггина уй бекаси ва ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги қиз ипни ғалтакка ўраб ўтирганига кўзимиз тушди. Уй бекасидан безовта қилганимиз учун узр сўраб, аквариумдаги тилла балиқчалар олдига келдик. Уй бекаси мулойимлик билан ўғлига совға қилинган танга учун раҳмат айтди. Дарвозадан ташқарига чиқиб икки-уч даҳа юргач, устозимга юзланиб, яна бояги масалага қайтдим:

Устозим кулиб, мавриди ўтиб кетгани ва бу вазиятни тушунтиришга ҳожат йўқлигини айтди.

– Пул, дўстим, пул! Пулни кўрган ҳар қандай бағрикенг инсон ҳам золимга айланади.

Устознинг гапи менга қаттиқ таъсир қилди. Унинг ҳолатидан ҳайратда қолганча йўлимда давом этдим. Устоз бироз орқада келар эди. Бирдан мени чақирди.

– Мана қара! Ҳой! Мана, кўрдингми?

– Нимани?

– Ўзингнинг кайфиятингни. Менинг биргина жавобимдан кайфиятинг ўзгармадими?

Мен тўхтаб, унинг етиб келишини кутиб турдим.

XXIII

Ўша дамда мен юрагимнинг туб-тубидан устозимдан хафа эдим. Шунинг учун устозимдан сўрамоқчи бўлганларимни ҳам сўрамадим. У менинг ҳолатимни сезган-сезмаганлигини билдирмади.

Устозимнинг секин, бир меъёردа қадам ташлаб юриши сал ғашимни келтирди. Мен нимадир қилиб унинг жиғига тегмоқчи бўлдим.

– Устоз!

– Нима?

– Биз боғбоннинг олдида бўлганимизда кечгача кўтаринки руҳда юрдингиз. Сизни бундай ҳолатда кам учратганман, шу боис бу менга қизиқ туюлди.

Устозим ўйланиб, жавоб беришга шошилмади. Гапим унга малол келганини сездим. Устозим йўл четига ўтди, чиройли, кўм-кўк бута девор ёнига келиб, кимонога ўранганча ҳолатини чиқарди. Мен уни кутиб турдим.

– Узр!

Устоз яна йўлида давом этди. Мен унга нима биландир таъсир этиш ниятидан қайтдим. Биз кетаётган йўл борган сари шовқин-сурондан жонланиб борарди. Теп-текис ва чексиз шолিপоялар ортда қолиб, икки томонда қурилиш ишлари бўлаётган жойлардан ўтиб борар эдик. Металл тўрлар билан ўралган товук инлари, ғаровзор атрофида саф тортган уйларнинг бари тинч, сокин, шаҳар томондан бир-бирининг изидан отаравалар келмоқда эди.

Бу ҳол менда катта таассурот қолдирганидан берган саволларим эсимдан ҳам чиқиб кетди. Устоз аввалги мавзуга қайтганида менинг фикрларим чувалашиб кетди.

– Мен кечгача ҳаяжонда юрдими?

– Унчаликмас, озгина.

– Майли, сезилган бўлса, яна яхши. Мен ҳақиқатан ҳам ҳаяжонда эдим. Гап пул ҳақида

кетса, ҳар доим ҳаяжонланаман. Сени билмадим-ку, лекин мен бу борада қатъий фикрга эгаман. Ўн, йигирма йил ўтса ҳам инсонлар томонидан камситилган пайтларимни эсимдан чиқармайман.

Устозимнинг гап оҳангидан унинг аввалгидан ҳам ҳаяжонда экани сезилиб турарди. Мени хижолатга солган унинг сўзлари эмасди. Унинг ҳар бир сўзи менга ўғитдай эшитиларди.

Устозимнинг бунчалик очиқ гапириши мен учун кутилмаган ҳолат эди. Унинг ҳеч кимга ўхшамайдиган бу феълида ўз фикрига ишонтириш қобилияти шунчалик кучли эканини шу дамгача билмаган эканман.

Уни иродаси кучсиз одам деб билардим. Унинг сахий, камтар инсонлиги мени ўзига тортар эди. Бир дақиқа аввал жаҳлимни чиқариб, кўнглига озор бермоқчи бўлган одамим бирданига кучли инсонга айланиб ўтирибди, ахир.

Устоз сўзида давом этди:

– Мен алданганман. Ўз жигарларим алдаган. Отам тириклигида улар жуда яхши одамлар эди. Отамнинг вафотига яқин улар шунақанги разил инсонларга айландиларки, таърифга сўз ожиз. Болалик давримдан то шу кунгача улар мени камситиб, хўрлаб келишди, буни ҳеч қачон унутмайман. Умрбод унутмасам керак. Лекин мен қасоскор эмасман. Ҳеч кимдан ўч олиб ўтирмадим, мен бошқача йўл тутдим. Мен нафақат улардан, балки барча одамлардан нафратланаман. Менимча, шунинг ўзи етарли бўлса керак.

Мен унга таскин бериш учун сўз топа олмадим.

XXIV

Бизнинг суҳбатимиз ўша куни ўз поёнига етганди, бу мавзуга бошқа ҳеч қайтмадик.

Мен устознинг бу хатти-ҳаракатидан норози эдим. Шаҳар четига етганимизда биз электропоездга чиқдик, вагонда деярли чурқ этмай кетдик. Поезддан тушгач (йўлларимиз қарама-қарши томонга йўналган эди), хайрлашув чоғида устозим сал ўзига келди. Мулойим овоз билан деди:

– Энди июнь ойигача энг яхши вақт, ҳаётингнинг энг яхши даври. Сайр қил, ўйна!

Мен кулиб, шляпамни ечдим. Шу лаҳзада устозга қараб, наҳотки, шу инсон одамлардан нафратланса, деб ўйладим. Унинг кўзида ҳам, сўзида ҳам бу нафрат сезилмас эди. Мени қийнаган саволларга устоз кўнгилдагидек жавоб берди, буни тан оламан. Лекин бу фикрлардан керакли хулосани чиқаролмасдим. Устозимнинг жумлалари баъзида шундай мавҳум тугар эдики, мен уларни тушуна олмасдим. Шаҳар ташқарисига қилган саёҳатимиз давомидаги суҳбат ҳам мен учун шу тариқа тушунарсиз бўлиб қолди.

Бир вақтлар мен устозимга дабдурустдан бу ҳақда гапирганимда, у кулиб қўйганди.

– Ахир, шунга ақлим етмаса, нима қилиб юрибман? Назаримда, сиз менга фикрингизни очик баён этмаяпсиз, ҳамма гап ана шунда.

– Мен ҳеч нарсани яширмаяпман.

– Йўқ, яшираяпсиз!

– Нега сен менинг фикрларимни, қарашларимни аввалги ҳаётим билан боғлаб кўрмадинг? Балки фикрларим теран эмасдир, лекин ўйлаганимни, фикрларни одамлардан яширмайман. Яширишимга асос йўқ. Агар гап менинг аввалги ҳаётим ҳақида кетаётган бўлса, уни сенга тўлиқ сўзлаб беришим керак – бу эса алоҳида ва жиддий масала.

– Йўқ. Сизнинг ўтмишда туғилган фикрларингиз мен учун жуда қадрли. Агар, хаёлан ўтмишни ўзимиздан айирсак, у қадрини йўқотади. Ички туйғулари бўлмаса, инсоннинг ташқи кўринишидан қониқиш ҳосил қилмайман.

Устоз ҳайрон бўлиб менга қаради. Унинг сигарет ушлаб турган қўли қалтирар эди.

– Жуда довюрак экансан!

– Мен бундай нарсаларга жиддий қарайман. Ўзим учун ўзгалар ҳаётидан керакли хулоса чиқаришни хоҳлайман.

– Демак, сенга ўтмишимни очиб солайми?

“Очиб солайми” деган ибора, назаримда, ғоят таҳдидли жаранглади. Шундай ҳолатга тушдимки, гўё қаршимдаги одам ҳурматли устозим эмас, балки қандайдир жинойтчидек. Устозим ялт этиб менга қаради.

– Жиддий сўраяпсанми буни? – деди яна устозим. – Ўтмишим туфайли инсонларга бўлган ишончим йўқолган, сенга ҳам ишонмайман. Лекин ишонишни хоҳлайман. Сен жуда самимийсан, сенга ишонмаслик учун... ўлишимдан аввал ҳеч бўлмаса бир одамга ишонишни хоҳлардим. Бу дунёдан инсонларга ишониб кетишни хоҳлардим. Сен мен ишонган инсон бўла оласанми? Ўша инсон бўлишни хоҳлайсанми? Чин юракдан айт! Агар астойдил ҳаётимни билишга жазм этган бўлсанг, чин ҳақиқатни гапирганим бўлсин.

– Яхши! – давом этди устозим. – Сенга айтиб берай. Бутун ўтмишимни ҳикоя қиламан. Унинг эвазига... эҳ, майли, энди аҳамияти йўқ. Лекин менинг ўтмишим сенга фойда бермаслиги мумкин. Буни тезда билиб оларсан, аммо сабабини айтишга ҳали эрта.

Уйга қайтиб борганимда ҳам тушкун кайфият мени тарк этмаганди.

XXV

Профессорнинг нигоҳи билан қараганда, ёзган диплом ишим тахмин қилганимчалик қойилмақом эмас эди. Устоз ундан қоникмаганди. Аммо шундай бўлса ҳам, мен ҳимояга киришдим ва ишни ўзим ўйлагандек ёқладим. Диплом топшириш маросими куни мен жомадонимдан пўпанак босган, эски русумдаги кийимимни олиб кийдим. Биз

маросимда қатор тизилиб турдик, кун жуда ҳам иссиқлиги учун, ҳамма битирувчилар диққинафас бўлиб туришарди. Шамол келмайдиган жойга туриб қолганимдан кўп ўтмай рўмолчам жиққа ҳўл бўлди.

Маросим тугаши биланоқ югуриб уйга қайтдим. Кийимларимни ечиб, қип-яланғоч бўлиб олдим. Иккинчи қаватнинг деразасини очиб, телескопга ўхшаб ўралган дипломимни қўлимга олганча атрофни кузатдим. Кейин дипломимни стол устига қўйиб, хонанинг қоқ ўртасида ерга ётиб олдим. Уйқу аралаш ўтмишим ҳақида ўйланиб қолдим ва келажагимни ўзимча тасаввур қилдим. Шунда, ҳозиргина олган дипломим ҳаётимда бирор маъно касб этармикин ёки йўқми, деган хаёллар миямда чарх урарди.

Мен ўша оқшом устозимнинг уйига кечки овқатга бордим. Аввалдан ваъдалашиб қўйгандик. Меҳмонхонада тузалган гулдор, чиройли, оҳорланган дастурхон чироқ нурида нафис ялтираб турарди. Ҳар сафар устозимнинг уйида овқатланганимда, албатта, дастурхонга Европа ресторанларидагидек оҳорланган сочиқлар, қулоқли пиёлалар, овқат ейдиган махсус чўплар қўйилар, буларнинг барчаси ҳозиргина ювилгандек топ-тоза турарди.

“Бу кўйлак янги. Кирчимол бўлиши учун сидирға рангда бўлиши керак. Агар оппоқ бўлса, унда гард юқтирмаслик лозим”, – устозим шундай дер эди.

Табиийки, бундан устозимнинг ўта озодалиги кўриниб турарди. Бундан ташқари, унинг кабинетига қачон кирмай, ҳамма нарса саранжом-саришта бўларди.

“Устозим жуда ҳам тозалик шайдоси-я”, деганимда, унинг хотини:

“Ҳар доим ҳам эмас, кийиниш борасида бунга қўшилмайман” – дер эди. Буни эшитиб турган устозим:

“Ростини айтганда, мен руҳан асабий одамман, шунинг учун доим қийналаман. Ўйлаб қарасам, аҳмоқларнинг аҳмоғиман,” – деб ўзи қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборарди. “Руҳан асабий одамман” деган иборани қай маънода, тўғридан-тўғри фан тилидаги руҳий касаллик маъносида айтдими ёки мажозий маънодами – тушуна олмадим.

Ўша оқшом мен устозимнинг шундоқ рўпарасидан жой олган эдим. Хотини эса тўрда

(биз столнинг ҳар икки томонида эдик) юзини боғ томонга қаратиб ўтирарди.

“Табриклайман!” – деб устозим мен учун қадаҳ кўтарди. Мен эса бу табрикдан ҳеч қувонмадим. Бунинг сабабларидан бири, ушбу хурсандчиликка нисбатан қалбимда ҳеч қандай туйғу бўлмаганидир. Бунинг устига, устозимнинг табриги менга самимий эмас, балки истеҳзолидай, киноялидай туюлди. Устозим кулиб, яна бир бор қадаҳ кўтарганида, тилакларини дилдан айтаётгандек бўлди-ю, аммо барибир мен устозимнинг бу кунги табриги маъносига тушуниб етмадим.

– Бундай пайтда “табриклайман”, деб қўйилади, – кулди у.

Устозимнинг хотини:

– Қандай яхши! Ота-онангиз ҳам жуда хурсанд бўлишса керак! – деди.

Шунда хаста отам ёдимга тушиб кетди. Тезроқ дипломимни олиб бориб отамга кўрсатишни ўйлаб қолдим.

– Сизга нима бўлди? – деб сўради бека.

– Ҳа, албатта, улар хурсанд бўлишлари аниқ.

Уларнинг иккиси ҳам дипломимнинг қаерда ётганидан беҳабар эди.

XXVI

Овқат вақтида устозимнинг хотини оқсоч аёлга юмуш буюрмасдан, унга рухсат бериб, бизга ўзи хизмат қилди. Норасмий меҳмонларга нисбатан бундай мулозамат устозим хонадонининг одатларидан бири эди. Авваллари, менга биринчи маротаба бундай эътибор кўрсатилганда, бундан хижолат бўлган эдим. Кейинчалик бу ҳолатга ўрганиб, ҳеч тортинмай пиёламни узатадиган бўлдим.

– Чойми? Гуручми? Иштаҳангиз яхши-я. – Устозимнинг хотини бундай гапларни дангал айтарди. Лекин бу оқшом кун жуда иссиқ бўлгани учунми, иштаҳам айтарли эмасди.

– Ҳа, бўлдимми? Охирги пайтларда иштаҳангиз яхши эмас, камовқат бўлиб қолдингиз...

– Йўқ, камовқат бўлиб қолганим йўқ. Иссиқ бўлгани учун кўнглим овқат тусамаяпти.

Устозимнинг хотини оқсоч аёлни чақириб, столни йиғиштиришни буюрди. Овқатдан кейин музқаймоқ ва ширинликлар тортилди.

– Буни уйда тайёрладик.

Уй бекаси пазанда бўлгани учун бундай ишлар унга ҳеч чўт эмасди. Мен икки кишилик овқатни паққос туширдим.

– Мана, институтни ҳам битирдинг, бундан кейин нима қилмоқчисан? – сўради устозим. У стулини суриб, тўр томонга қараб ўтирди.

Шу вақтгача фақат институтни битириш ҳақида ўйлаб, келажакка оид ҳеч қандай режа тузмагандим. Нима дейишимни билмай турганимни кўрган бека:

– Ўқитувчилик қиласизми? – деб сўради. Бунга ҳам ҳали жавоб беришга улгурмай, яна саволга тутди:

– Ё давлат ходимими?

Мен ҳам, устозим ҳам кулиб юбордик.

– Очиғини айтсам, ҳали ҳеч нима ҳақида ўйлаб кўрганим йўқ. Аслида, мен ишлаш, фаолият кўрсатиш деган нарсга ҳақида умуман ўйламаганман. Шунинг учун қай бири мен учун яхши, қай бири ёмон, билмайман. Ҳозир битта йўлни танлашга ожизлик қилиб турибман.

– Шундайликка шундайку-я, аммо сиз хоҳлаган йўлингизда кетишингиз мумкин. Қайси йўлдан боришни билмайдиганлар ҳам бор. Улар бу масалага сиздек хотиржам

қарашолмайди.

Курсдошларим орасида ҳали институтни тугатмасданоқ, ўрта мактабда ишлашни кўзлаб қўйганлар ҳам бор эди. Мен ичимда беканинг айтган гапларига тўла қўшилдим.

– Майли, майли, сен ундан аввал, отанг ҳаётлигида меросини тақсимлатиб ол. Агар шундай қилмасанг, кейин қийналасан, эслатди устозим.

Май ойининг азалия гуллаган палласида устозим билан шаҳар ташқарисидаги боғда қилган сайримиз ёдимга тушди. Ўшанда қайтаётганимизда, устозимнинг менга жаҳл билан шу ҳақда гапиргани яна қулоғим тагида жаранглади. Унинг гаплари нафақат қўпол, балки ўта таҳдидли ҳам эди.

– Сизларнинг моддий аҳволингиз қандай? – деб бекага юзландим.

– Нега буларни сўраб қолдингиз?

– Устоздан сўрасам, аниқ бир жавоб айтмади.

Бека кулимсираб устозимнинг юзига қаради.

– Тўғри, чунки айтишга арзигулик ҳеч нарса йўқ-да.

– Лекин мен билмоқчи бўлганим, устозимдек кун кечира олиш учун моддий аҳвол қай даражада бўлиши керак? Уйга бориб отам билан гаплашганимда, буни эътиборга олиб қўярдим-да.

Устозим ҳовли томонга қараганча, тамаки тортарди.

– Менинг моддий аҳволим турмуш ўртоғимнинг ёрдамига боғлиқ. айтарли ҳеч вақомиз йўқ. Лекин мана, шу пайтгача эру хотин қўш ҳўкиз бўлиб яшаб келмоқдамиз. Сиз, яхшиси, бу гапларни қўйиб, бундан кейин нима биландир жиддий шуғулланинг. Устозингизга ўхшаб бекорчи бўлиб қолманг.

– Мен бекорчи эмасман, – устозим хотинининг гапига эътироз билдириб, унга қараб

қўйди.

XXVII

Ўша оқшом кечки ўнлардан ошганда устозимнинг уйидан чиқдим. Икки-уч кундан кейин уйимга, қишлоғимга қайтадиган бўлдим ва хайрлашиш учун устозникига бордим.

– Анча вақт кўришмасак керак.

– Сентябрь ойида яна қайтасан, шундай эмасми?

Институтни битиргандим, сентябрь ойида қайтиб келишим шарт эмас эди. Мен учун иш топиш қанчалик муҳим бўлмасин, август ойининг иссиқ кунларида Токиогача келиб кетиш менга малол келарди энди.

– Ҳа, менимча, сентябрь ойларида кўришсак керак.

– Ундай бўлса, ўзингни эҳтиёт қил. Биз ҳам ёзда бирор ерга кетишимиз мумкин. Бу ёз жуда иссиқ келадиганга ўхшайди. Бирор жойга кетадиган бўлсак, сенга эсдалик учун суратли мактуб жўнатармиз.

– Агар борадиган бўлсангиз, қаерни мўлжаллаяпсиз?

Устозим кулиб қўйди.

– Бориш-бормаслигимиз ҳали аниқ эмас, бу шунчаки бир фикр.

Ўрнимдан турмоқчи бўлгандим, устозим менга юзланиб деди:

– Отангнинг аҳволи қалай?

Отамнинг касалини тузукроқ билмаганим боис, унинг аҳволи қандайлигидан ҳам беҳабар эдим. Ҳеч қандай хат-хабар келмагани учун аҳволи ёмон бўлмаса керак, деб ўзимча ўйлаб юрардим.

– Касалликка бунчалик бепарво қараб бўлмайди, агар пешоб ажралиши оғир бўлса, бу яхши оқибатларга олиб келмайди.

Мен “пешоб ажралиши оғир бўлса” деган иборанинг маъносини умуман тушунмадим. Қишки таътилда қишлоқда шифокор билан учрашганимда ҳам у сўзларимни эшитмаганга олганди.

– Отанга яхши қаранг, уни асранг, – деди бека. – Агар заҳар бош миягача етиб борса, ўлимга олиб келади. Бу ҳазилакам гап эмас.

Бу борада мутлақо тасаввурга эга бўлмаганим учун кулимсираб туравердим.

– Барибир бедаво дард экан, шунинг учун қанча ғамхўрлик қилинса ҳам, фойдаси йўқ. Шундай экан...

– Шундай дейсиз-у, лекин нима бўлганда ҳам...

Унинг онаси ҳам айнан шу касаллик туфайли вафот этгани учунми ё онаси бирдан ёдига тушиб кетдим, бека бироз маъюс тортиб, ерга термулиб қолди. Шунда мен ҳам отамнинг касалини ўйлаб, кўнглимга ғулғула тушди, отамга жуда ачиниб кетдим.

Бирдан устозим хотини томон юзланиб деди:

– Шидзу, сен мендан аввал ўласанми?

– Нега бундай деяпсиз?

– Шунчаки сўрадим-да. Ёки мен сендан аввал у дунёга равона бўлармикинман-а? Кўпинча эри хотинидан аввал бу дунёдан кўз юмади.

– Бу мутлақо асоссиз гап. Эркаклар хотинларидан озгина бўлса ҳам ёши катта бўлади,

балки шу сабабдандир.

– Бундан чиқди, мен ҳам сендан аввал у дунёга равона бўлишим керак экан-да?

– Сиз бундан мустасносиз.

– Нима учун?

– Чунки сиз – соғлом одамсиз. Ҳали шу вақтгача бирор жойингиз оғримаган. Шунинг учун аввал мен кетсам керак!

– Сен? Нега сен аввал кетаркансан?

– Ҳа, мени айтди, дерсиз.

Устозим менга қараб кулиб қўйди.

– Агар мен сендан аввал кетсам, кейин сен нима қиласан? – устозим хотинидан сўради.

– Нима ҳам қилардим?..

Хотини шундан бошқа ҳеч нима дея олмади. Устозимнинг ўлим ҳақидаги бу гапи хотинига оғир ботди, шекилли, кўзлари намлангандек бўлди. Аммо ердан кўзини олганида, анча ўзига келиб қолганди.

– Нима ҳам қилардим? Илож қанча... Биз хоҳлаймизми, йўқми, йиллар, ойлар, кунлар ва, албатта, бизнинг ёшимиз ҳам ўтиб бораверади.

У ҳазиломуз оҳангда шундай деб, мен томонга қараб қўйди.

XXVIII

Кетишга шайланиб турганимда яна қайтиб ўриндиққа ўтирдим ва эр-хотиннинг суҳбати тугабини кутдим.

– Сен-чи, нима деб ўйлайсан? – деб устозим мендан сўради.

Устозимми ёки унинг хотиними, қай бири аввал бу дунёни тарк этиши менга қоронғу эди. Мен фақат кулимсираб қараб турардим.

– Менга ҳам қоронғу, қанча умр кўришимиз, бу бизларга боғлиқ эмас, мана эримнинг ота-онаси деярли бир вақтда вафот этишган.

– Иккаласи ҳам бир кундами? – сўрадим мен.

– Бир кунда эмас-ку, лекин кетма-кет кетишди.

Бу ҳақида авваллари эшитмаган эканман, мен учун бу янгилик эди. Чунончи ҳайрон бўлдим.

– Нега айнан бир вақтда вафот этишган?

Бека саволимга жавоб беришга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, устозим уни тўхтатди.

– Бундай гапларни бас қилайлик!.. Энсани қотиришдан бошқага ярамайди.

Устозим қўлидаги елпиғич билан елпиниб, хотинига деди:

– Шидзу, менинг вафотимдан сўнг бу уй бутунлай сеники бўлади.

Хотини кулиб:

– Балки, ерни ҳам берарсиз? – деди ҳазиломуз.

– Ер бировники. Аммо менга қарашли ҳамма нарса сенга қолади!

– Жуда миннатдорман, лекин ён томонига зарҳал ҳарфлар босилган бу китобларни мен нима қиламан?

– Эски китоб дўконига сотасан.

– Улар бу нарсаларни қанчага олишарди?..

Устозим жавоб бермади. Аммо унинг ўлим ҳақидаги ўй-фикрлари ҳали ҳам тугамаганди. Унинг бу каби савол-жавобларидан албатта хотинидан олдин ўлишини истаётганини тахмин қилса бўларди. Аввалига бу ҳолатга ҳазил деб қараган хотинининг қалбига озор бериб қўйишидан беҳабар эди.

– “Мен ўлсам”, “мен ўлсам”, деб неча марта қайтардингиз-а! Нима бўлишини ҳали ҳеч ким биламайди. Буни келажак кўрсатади. Шунинг учун бу бемаъни гапларингизни бас қилинг! Бу хурсанд бўладиган нарса эмас! Яхши, сиз ўлсангиз, ҳаммасини сиз айтганингиздек қиламан. Шундай қилсам, кўнглингиз жойига тушдими?

Устозим ҳовли томонга қараб кулди. Лекин шундан сўнг ўлим ҳақида бошқа оғиз очмади. Мен ҳам анча ўтириб қолганим учун, кетишга отландим. Устозим хотини билан мени эшик олдиғача кузатиб чиқди.

– Отангиз соғайиб кетсинлар, – деди хотини.

– Хайр, сентябргача, – деди устозим.

Улар билан хайрлашиб ташқарига чиқдим. Йўлак ва дарвоза оралиғида кекса, улкан бир дарахт бор эди. Шунчалик катта эди-ки, тагида турсангиз, атроф қоронғудек туюларди. Икки-уч қадам ташлаб, барглар орасида нимсариқ тусга кирганларини кўрдим ва димоғимга куз нафаси урилгандек бўлди. Шунда мен бу баҳайбат дарахтнинг куз фаслидаги манзарасини кўз олдимга келтирдим. Устозим эсимга тушиши билан унинг уйи ва мана шу улкан дарахт кўз ўнгимда пайдо бўларди. Шундай хаёлларга ғарқ бўлиб турганимда, даҳлиз чироғи “лип” этиб ўчди. Устозим ва хотини ичкарига кириб кетганга ўхшади. Мен эса бир ўзим қоронғуда йўлга тушдим.

Тўғри уйимга қайтмадим. Қишлоққа кетгунимга қадар харид қилишим керак бўлган нарсалар бор, бундан ташқари, меҳмондорчиликдан кейин озгина сайр қилмасам бўлмасди. Шундан сўнг мен, шовқин шаҳар томон юрдим. Шаҳарда кечки ҳаёт бошланган, бекорчи қиз-йигитлар айланиб юришарди. Ўша куни мен билан бирга

институтни тамомлаганлардан бир нечасини учратдим. Улардан бири қўярда қўймай, мени майхонага олиб кирди. У ерда пиво ичиб, унинг сафсатасини тинглаб ўтиришимга тўғри келди.

Ётоғимга қайтганимда вақт ўн иккилардан ошганди.

XXIX

Эртасига кун иссиқ бўлишига қарамай, сўралган майда-чуйдани харид қилгани йўлга чиқдим. Олдинги сафар уйдан хат олганимда ҳеч нима сезмагандим, лекин харид қила туриб, хавотирлана бошладим. Электропоездда терлаб кетар эканман, ташвишлари бошларидан ошиб-тошиб ётган шаҳар аҳолиси ҳақида ўйлаб кетдим.

Бу ёзни бекорчиликда ўтказмоқчи эмасдим. Қишлоққа қайтганимдан кейин ўзимча қиладиган ишларим режасини тузиб чиқдим. Буни амалга ошириш учун керакли ўқув қуролларини сотиб олишим лозим эди. Ярим кунимни “Марузен” китоб дўконининг иккинчи қаватида ўтказдим. Ўзимнинг мутахассислигим бўйича мукаммал ёзилган китобларни бирма-бир кўздан кечириб чиқдим.

Харид пайтида мени қийнаб қўйган нарса – аёллар қўйлагига иладиган тайёр ёқа бўлди. Тикувчига буюртма берсангиз-ку, хоҳлаганингизни тикиб берарди. Дўконда эса қай бирини танлашни билмай бошим қотиб қолди. Бунинг устига нархлари ҳам ҳар хил экан. Мана бу арзонга ўхшайди деб сўраб кўрсам, қиммат бўлиб чиқар, қиммат бўлса керак, деб ўйлаганим, аксинча, арзон бўлиб чиқарди. Уларни қанча солиштирсам ҳам, нима учун нархи бунчалик фарқ қилишини тушунмасдим. Қандай совға олиш ҳақида устозимнинг хотинидан маслаҳат сўраб кўрмаганимга ачиндим.

Ўзимга бир жомадон сотиб олдим. Япониянинг асил териси эмасди-ку, лекин маъдандан қилинган безаклари ялт-юлт қиларди. Буни қишлоқдагилар кўрганида

ҳаваси келишига ишондим. Жомадон олишимни онам хоҳлаганди. У ўз хатида ўқишни тугатишим биланоқ жомадон сотиб олишим ва уни тўлдириб қишлоққа совға-салом олиб келишим кераклигини ёзган эди. Онамнинг ўша хатини ўқиганимда, роса кулгандим. Унинг нима учун бундай деганини билмадим-у, аммо бу менга ҳақиқатдан ҳам кулгили туюлган эди.

Устозимникидан хайрлашиб чиққанимдан кейин орадан уч кун ўтиб, поездда Токиодан қишлоғимга йўл олдим. Бутун қиш давомида устозим отамнинг касаллиги ҳақида гапиравериб, мени қаттиқ хавотирга солиб қўйган эди. Отам бу дунёдан кўз юмса, онамнинг аҳволини тасаввур қилиб, унга ичим ачиб кетар, бунинг қанчалик бахтсиз воқеа эканлигини кўз олдимга келтирар эдим. Қалбимнинг аллақасеридадир отам тузалиб кетмаса керак, деган оғриқ турарди. Бу ҳақда Кюсю оролида яшовчи акамга хат ҳам ёзгандим. “Бир иложини қилиб ишингиздан рухсат олинг-да, ёзда қишлоққа, отамни кўришга боринг”, деб айтгандим хатда. Унга ота-онамиз қишлоқда ёлғиз қолиб кетгани, биз фарзандлар эса ҳар қаёқда ўз ишимиз билан банд бўлиб, улардан хабар ололмаётганимизни ҳам ёзгандим. Бу гапларни юрагимнинг туб-тубидан уларнинг ҳолини ҳис қилган ҳолда ёзган эдим. Бироқ ушбу жумлаларни ёзаётганда қалбимда кечаётган безовта ҳислар аввалгиларга ўхшамасди.

Поездда кетаётиб шулар ҳақида ўйлаб борардим. Шунда ўзимнинг нақадар беқарор табиатли одам эканимни англадим. Шу он яна устозимнинг хотини айтган сўзлар ёдимга тушди. Икки-уч кун аввал кечки овқат устидаги суҳбатни эсладим.

“Қай биримиз олдин ўлар эканмиз-а?..”

Бу саволни ўзимга бериб кўрдим. Шунга амин бўлдимки, бунга ҳеч ким тўлиқ ишонч билан жавоб бера олмайди. Бироқ агар иккисидан қай бири олдин ўлишини аниқ билса, устозим нима қилган бўлар эди? Унинг хотини-чи? Нима ҳам қиларди, қўлидан ҳеч нарса келмайди-ку. (Отамнинг ўлими яқинлигини билсам-да, менинг ҳам қўлимдан ҳеч нима келмаётгани каби). Мен одамзодга ачиндим. Ахир инсонлар ўз ҳаёти қандай бўлишини билмай туғилади-да...

ИККИНЧИ БОБ

Ота-онам ва мен

I

Қишлоққа қайтиб келгач, отамнинг аҳволини кўриб, хафа бўлиб кетдим. Чунки охириги маротаба кўрганимга нисбатан соғлиғида деярли ўзгариш сезилмасди.

– Келдингми, болам? Ўқишингни битирдингми? Балли! Ўтира тур, мен бундоқ юз-қўлимни чайиб олай.

Отам боғда қандайдир юмушлар билан машғул эди. Бошида эски шляпасининг орқасига офтоб тегмаслиги учун юпқалашиб сузилиб кетган рўмолчасини танғиб олди-да, уй орқасидаги қудуқ томон йўл олди.

Олийгоҳни битириш – ҳар бир одам учун оддий ҳол деб ўйлардим мен, отамнинг ҳаммадан кўпроқ қувонганини кўриб, ўзим ҳам суюниб кетдим.

– Ўқишни битирганинг жуда яхши бўлибди-да.

Отам бу сўзларни бир неча бор такрорлади.

Ушбу ҳолатни мен ўзимча битирув маросимидан сўнг устозимнинг уйидаги манзара билан қиёсладим. Устозим қувончдан чехраси очилиб, менга “Табриклайман” деб айтган эди. Устозим менинг келажагимга катта умид билан боқарди. Отам эса бу воқеадан болалардек хурсанд бўларди, холос. Унинг бу соддалиги менга қолоқлик белгисидай туюлиб, ғашимни келтирарди.

– Ўқишни тугатганимнинг ҳеч ҳам таажжубланарли жойи йўқ. Ҳар йили минглаб одамлар битиради, – дедим мен. Шунда отамнинг нигоҳида ғалати ўзгариш рўй берди.

– Ҳа, албатта, ўқишни тугатганинг яхши иш бўлибди, аммо мен бошқа нарсага хурсанд эдим, кошки, сен шуни англай олсанг...

Мен отамни сўроққа тутдим, у гапиришни хоҳламасди, аммо кейин деди:

– Яхши деганимнинг маъноси шундаки, мазам йўқлигини биласан. Ўтган йил қишда учрашганимизда, уч-тўрт ойгина умрим қолган деб ўйлагандим. Лекин бир бахтли тасодиф туфайли бугунга қадар тирикман. Ҳали ўтиришга, ҳаракатланишга кучим етади, сен ҳам университетни тугатдинг, мен шунга хурсандман. Наҳотки, ота-онанинг севимли фарзанди у тириклигида ўқишни тугатса-ю, ота-она хурсанд бўлмаса, сенинг баланд дунёқарашингга кўра университетни тугатиш оддий ҳол, албатта. Сенга ҳадеб, “яхши, яхши” деяверганим ҳам ёқмаяпти, аммо бу нарсага менинг кўзим билан боқ. Биз билан сен бошқа-бошқа одамлармиз. Ўқишни битирганингдан сендан кўра мен кўпроқ суюндим. Тушунгандирсан?

Мен ҳеч нима деб жавоб бера олмадим. Қалбимнинг туб-тубигача виждон азобида қийналиб, бошимни қуйи солиб туравердим. Демак, отамнинг бефарқлиги тагида ўлим шарпаси сезилиб турган экан-да, у мен ўқишни тугатгунимга қадар ўлиб қолишига ишониб юрган экан-да...

Ўқишни битиришим отамнинг қалбига қандай таъсир қилишини англолмаганим учун, ўзимни ғирт оми ҳис этдим. Жомадонимдан аста дипломимни олиб, ота-онамга кўрсатдим.

Жомадоннинг ичида диплом озгина эзилиб қолибди, шекилли, отам уни авайлабгина силаб текислади.

– Бунақа нарсани найча қилиб ўраб, қўлда олиб юриш керак.

– Бирор қаттиқ жилдга жойлаб олсанг ҳам бўларди-ку, – деб онам ҳам қўшимча қилди.

Отам дипломимни бироз томоша қилди-да, сўнг токча ёнига келиб, уни ҳамманинг кўзи

тушадиган жойга қўйиб қўйди. Бошқа пайт бўлганида бундан қаттиқ жаҳлим чиққан бўларди. Аммо ҳозир мутлақо бошқа кайфиятда эдим. Ота-онамга қарши бирон-бир фикр айтишни хоҳламасдим. Мен жим бўлиб, отамни ўз ҳолига қўйиб қўйдим. Майли, хоҳлаганини қилсин. Дипломнинг қалин варағи эса отам қанча тўғриламасин, яна аввалги ҳолатига келиб қоларди.

II

Мен онамни бир четга чақириб, отамнинг касали ҳақида суриштира бошладим.

– Умуман олганда у ўзини ёмон ҳис этмаяпти, – деди онам.

Онам ўзини вазмин тутмоқда эди. У шаҳарлик аёллардан фарқли ўлароқ дала ва тоғлар этагида яшовчилар қаторида бунақа нарсалар олдида нўноқроқ эди. Ўтган сафар отам ҳушини йўқотганида унинг қўрққанини кўриб, капалагим учиб кетган эди.

– Ахир шифокорлар бу жуда хавфли нарса дейишмаганмиди?

– Одам организми ҳайратланарли даражада мураккаб нарса – доктор ўшанда бизларни огоҳлантирганди, аммо мана, отанг ҳозиргача ҳеч нима бўлмагандай юрибди. Бошида отанг жуда хавотир олиб, камроқ ҳаракат қилишга уринди. Аммо сен унинг феълени яхши биласан – у соғлиғини ҳам ўйлайди, ўзига етгунча ўжар ҳам. Агар у бирон ишни маъқул кўрдими, уни бажармагунча тинчимайди.

Ўтган сафар уйга келганимда отамнинг тезда тўшакни йиғиштириб, соқол олгани ёдимга тушди.

– Энди мен соғман! Онанг эса мени сенга боплаб гапиргандир.

Шу сўзларни эслаганимда, “Ҳеч бўлмаганда орқаворотдан уни кузатиш керак”, дегим келарди, аммо мен уялиб жим турардим. Устозим ва унинг хотинидан ушбу касал

ҳақида эшитганларимни онамга айтиб берарканман, улар ўз ҳавотирларини билдирмасликка ҳаракат қилаётганларини сезиб қолдим.

– Демак, худди шунақа касал экан-да, эсиз, у неча ёшда вафот этибди? – сўради ота-онам.

Маъюс ҳолда отамга қарадим, сўзларим онамдан кўра отамга кўпроқ таъсир қилган эди.

– Сен ҳақсан, ахир менинг организмим бу фақат меники ва уни қандай парвариш қилишни ҳаммадан кўра ўзим яхшироқ биламан. – Буни эшитган онам кинояомуз тиржайиб қўйди.

– Ўзингиз биласиз! – деди у ночор.

– Демак, отам ўлимига тайёрланиб юрган эканлар-да, шунинг учун ўқишни битириб келганимдан хурсанд бўлган эканлар. Буни унинг ўзи айтди.

– Бу қуруқ гап. Ўзининг соғлиғини ўзи яхши билади.

– Она, сиз ўйлаяпсизки...

– У яна ўн беш-йигирма йил яшайман деб тахмин қилмоқда, гоҳо ичидаги дардини ёриб, бундай дейди: “Умрим охирлаб бораяпти, вафотимдан кейин нима қиласан, бу уйда бир ўзинг яшайверасанми?”

Мен дарҳол хаёлан бу катта қишлоқ уйида онамнинг якка ўзи яшашини, отамнинг йўқлигини тасаввур қилдим.

Акам нима қилган бўлар эди? Онам нима қилади? Мен-чи? Бу ерларни ташлаб кетиб, Токиода эмин-эркин яшай оламанми? Шу он устозимнинг “отанг тириклигида ўз улушингни ол”, деган ўғитлари ёдимга тушди.

– Ўламан, ўламан деганлар аслида ўлмайди, бошқалардан кўпроқ яшайди! Кимки индамай юриб ўзини соғломдай тутса, ўшанинг иши оғирроқ.

Бу омади гапларга жим қулоқ солиб турдим. Аммо, бу омади гапми ёки улар қайсидир ҳисоб-китоблардан келиб чиқаётибдими, деб ўйлаб қолдим.

III...

Онам ва отам гап орасида “қизил гуруч” тайёрлаб, меҳмон чақириш ҳақида оғиз очишди. Келганимдан буён шу кун бўлишини билиб ва бундан жуда қўрқиб юргандим. Шунда мен бундай дедим:

– Дабдабанинг кераги йўқ! Мен бу қишлоқ одамларини ёқтирмайман. Чунки улар бўлар-бўлмасга хурсанд бўлаверишади, сабаби: уларнинг мақсади фақат еб-ичиш, холос.

Мен ёшлигимданоқ бундай йиғилишларда қатнашишни ёқтирмас эдим. Уларнинг мен туфайли йиғилиб келиши менга қанчалик оғир бўлишини тасаввур қилаётгандим. Аммо ота-онамга, уларни чақирманглар деб айтишга ўзимда куч топа олмадим. Шунинг учун “Дабдабанинг кераги йўқ” дея олдим, холос.

– Қанақа дабдабани айтаяпсан, бу ерда деярли ҳеч нарса йўқ, бундай воқеа ҳаётда бир марта бўлади. Меҳмон чақириш – бу азалдан қолган удум-ку. Зиқналик қилма.

Онам ўқишни битирганимга худди уйланиш масаласига қарагандек қарамоқда эди.

– Чақирмасак ҳам бўларди, аммо кейин хафа бўлишади-да. Кўздай қўшнилар.

Бу отамнинг сўзлари эди. У одамларнинг гап-сўз қилишидан хавотирда эди.

Ҳақиқатан ҳам бу одамлар ҳеч нарсадан тап тортмасди, бирон нарса кўнгилларидагидек бўлмаса, дарров гап-сўз қилиб юборишади.

– Бу сенга Токио эмас! Қишлоқ халқи инжиқ бўлади, – деди отам.

– Ноқулай бўлади-да, – отамнинг тарафини олди онам. Мен ҳам ортиқ оёқ тиролмадим, чунки улар барибир ўз билганидан қолмасдилар.

– Мен учун бўлса, кераги йўқ, демокчи эдим, холос, агар одамларнинг гап-сўзлари учун бўлса – бу, албатта, бошқа масала. Мен ҳам оиламизга зарар келтирадиган нарсаларга қаршиман, – итоаткорона дедим мен.

– Сен ўзингнинг мулоҳазаларинг билан бизни ноқулай аҳволга соляпсан. – Отамнинг қарашидан норозилиги билиниб турарди.

– Отанг сен учун қилаяпман деганлари йўқ, аммо ўзинг яхши биласан, бизнинг бошқалар олдида мажбуриятларимиз бор.

– Маълумотли одам билан тортишиб бўлармиди? – деб қўйди.

Отам бошқа ҳеч нарсга демади. Аммо шу сўзларининг ўзидаёқ унинг мендан норозилигини сездим. Ўша дақиқаларда сўзларим отамга қаттиқ ботади деб ўйламабман ҳам, хаёлимни фақат отамнинг уринишлари беҳуда деган ўй қамраб олган эди.

Ушбу кеча отамнинг кайфияти ўзгарди. Меҳмонларни ҳам менинг вақтимга қараб чақирадиган бўлишди. Бу отамнинг менга ён босаётганидан дарак эди. Чунки мен бу эски уйда бекорчиликдан зерикиб ётган бир бефарқ одам бўлиб, улар менинг вақтим борасида маслаҳатлашаётган эдилар. Охири меҳмонларни таклиф қилиш кунини белгиладик. Ушбу кунлар арафасида император Мейжи бетоб бўлиб қолгани ҳақида хабар келди. Газеталар ушбу хабарни бутун Япония бўйлаб тарқатиб юборишди. Бу хабар бизнинг қишлоқдаги кулбамизга ҳам кириб келиб, менинг ўқишни битиришимга бағишланган кечага ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Газетани ўқиб турган отам ҳам кўзойнаги устидан қараб:

– Энди бу ёғи қандоқ бўлди, ҳар ҳолда ноқулай-ку, – деб қолдилар. Отамнинг сукут сақлаганидан ўз касаллиги ҳақида ўйлаб қолгани яққол сезилиб турарди. Шунда императорнинг Университет битирув кечасига келгани бир-бир кўз олдимдан ўтди.

XVII

Бугун отамнинг аҳволи оғир эди. Ўрнимдан туриб ўз хонамга чиқар эканман, даҳлизда акамга дуч келдим. Шунда у менга жиддий оҳангда:

– Қаерга кетаяпсан? Унинг аҳволи ҳар доимгидан оғир. Шунинг учун унинг ёнидан кетмай турганинг маъқул, – деди.

Мен отам ётган хонага қайтдим. Отам кўзини очиб, онамдан атрофдагиларнинг исмини сўрар эди. Онам ҳамманинг исмини айтар, отам эса бошини қимирлатиб қўяр эди. Агар у бундай қилмаса, онам баланд овозда исмини яна такрорлар эди.

– Ҳаммангизга раҳмат, барчаси учун! – отам шундай дея ҳушидан кетдилар.

Ҳамма уни жим кузатиб турар эди. Шу топ ўтирганлардан бири ўрнимдан туриб, ташқарига чиқди, кейин иккинчиси. Сўнг мен ҳам чиқиб, ўз хонамга бордим. Мен беморнинг олдидалигимда хатни очиб ўқимоқчи эдим. Аммо у шундай қалин эдики, бирданига унинг ҳаммасини ўқиб тугатиб бўлмас эди. Бунинг учун мен алоҳида вақт топишим керак эди. Хатжилд устидаги қоғозни йиртиб ташладим. Ичида яна бир қоғоз бор эди. У қўлёзма учун мўлжалланган эди. Бундай жойлаштириш учун у тўрт буклаб солинганди. Орқа тарафидан оппоқ қоғоз қўйиб, ўқиш учун ўзимга қулайлик яратдим. Қоғозлар шунчалик кўп эдики, хатнинг ўзини ўқишданоқ кўп нарсадан воқиф бўлиш фикри кўнглимдан ўтди. Шунда мен юрагимга ёлғула тушиб, касалнинг хонасида содир бўладиган нарсаларни ҳис қила бошладим. Хатни ўқиб тугатмасимдан отамга бир нима бўлишига ишончим комил эди. Мени дарҳол чақириб олишларига шубҳа йўқ эди. Шунинг учун мен шошилиш тарзда хатнинг биринчи устунини ўқиб чиқдим. Унда бундай дейилган эди. “Сиз мендан ўтмишим ҳақида сўраганингизда, мен бунга жавоб беришга ўзимда журъат топа олмадим. Энди эса сизга бу ҳақида очиқ-ойдин айта олишимга ишонаман. Сизнинг Токиога келишингизни кутсам, мен ўз эркимдан мосуво бўламан. Мен хат ёзиш имкониятидан фойдаланиб, сизни ўтмишимдан воқиф қилишим мумкин. Сизга ўшанда қатъий ваъда берганим ёлғон. Сизга истамай ёзаётган бу

гапларни ўзингизга юзма-юз туриб айтишим керак эди”. Шу ергача ўқиб бўлгач, мен шундай ҳолатда эдимки, бу узун хатдан унинг нима демоқчи бўлаётганини англаш мумкин эди. Бинобарин, хат аввал-бошданоқ менга иш жойи топиш ҳақида эмаслигини билган эдим. “Нима учун у қўлига қалам олиб, ўзининг ўтмиши ҳақида менга узундан-узоқ хат ёзди? Нима учун у мени Токиога келишимни кутмади? “Мен эркинликка, озодликка эришдим, шунинг учун ҳам сўзлаб бераман. Бу озодлик мен учун асрларга йўқотилади...” Мен дилимда бу сўзларни қайтарар эканман, унинг маъносини тушунишни истар эдим. Бирдан юрагим ҳаприқиб кетди. Мен хатнинг давомини ўқишга киришдим. Шу дам отамнинг хонасидан акамнинг баланд овозда мени чақираётгани эшитилди. Қўрққанимдан ўрнимдан сакраб турдим. Югуриб хонага кирдим, у ерда ҳамма жамул-жам эди. Ушбу дақиқалар отам ҳаётининг охириги дамлари эди.

XVIII

Шу асно хонага доктор ҳам кириб келди. Беморга енгил бўлиши учун муолажа қилди, оқшом отамга навбатчиликда қолган одам ҳордиқ олгани қўшни хонага ўтди. Акам эсанкираганидан мени кўриб деди:

– Қарашиб юбор, илтимос.

Шундай деди-да, у ўтириб қолди. Мен эса у билан навбат алмашиб, отамга қарай бошладим. Отам бироз енгиллашди. Доктор чамаси ярим соатлар отамнинг ёнида турди ва яна келишга ваъда бериб, кетди. Кета туриб, агар бирон кор-ҳол бўлса, хоҳлаган вақтда уни чақиримиз мумкинлигини айтди. Мен эса яна хонамга, устозим хатининг давомини ўқишга қайтмоқчи эдим. Лекин юрагим бундай қилишимга йўл бермаётган эди. Столимга ўтирмасимдан, акам яна баланд овозда мени чақириб қолса-я, деган ҳадикда эдим.

Отам сал тинчлангандек эди. Энгашиб ундан сўрадим:

– Қандайсиз? Муолажадан сўнг сал енгил тортдингизми?

Отам бошини қимирлатиб қўйди. Унинг аҳволи маълум эди. Мен яна ўз хонамга қайтдим. У ерда поездлар жадвали ва соатга қарадим. Ўрнимдан туриб, устозимнинг хатини чўнтагимга солдим. Сўнг орқа эшикдан ташқарига чиқдим. Ўзим билмаган ҳолда доктор олдига югурдим. Мен ундан отам яна икки-уч кун яшай олармикин, деб сўрамоқчи эдим. Мен отамни қандай бўлмасин дори-дармон билан яна озроқ ушлаб туришни хоҳлардим. Бахтга қарши доктор уйда йўқ эди. Уни кутишга эса вақтим йўқ эди. Юрагим ҳовлиққандан-ҳовлиқарди. Бекат томон учдим. Бекат деворига суянганча бир парча қоғозга акам ва онамга мактуб ёздим. Мактуб қисқагина эди, аммо огоҳлантирмасдан кетиш бундан ҳам ёмон эди. Мен бир танишимдан уни уйимга элтиб беришини илтимос қилдим. Сўнг Токио поезди томон отилдим. Учинчи тоифа вагонидан жой олдим ва устозимнинг хатини қўлимга олиб, бошидан охиргача ўқиб чиқдим...

УЧИНЧИ БОБ

Устозимнинг мактуби

I

Шу ёзда мен сиздан икки ёки учта хат олдим. Мен жуда яхши эслайман, улардан иккинчиси ёки учинчисида, Токиода ўзингизга мос жой топишни истаётган ва шу боис сизга ёрдам беришимни илтимос қилгансиз. Хатингизни ўқиб жим туролмадим. Ҳеч бўлмаганда сизга жавоб ёзишим керак деб ўйладим. Лекин очиғини айтаман: сизнинг

топшириғингизни бажо келтириш учун ҳеч нарса қилмадим. Ўзингизга маълумки, танишларим доираси жуда чекланган, бундан ташқари, дунёда ёлғиз яшаганим учун сизга ёрдам беришимнинг ҳечам имкони йўқ. Лекин гап бунда эмас. Тўғриси, бу вақтда ўзимни нима қилсам экан, деб ўйлаб роса изтироб чекдим. Одамлар орасига тушиб қолган афсонавий махлуқ каби яшайверсаммикан ёки... Дилимда “ёки-ёки”ларнинг кўплигидан шундай дамларда, бор кучи билан югуриб келаётганда жарликка дуч келган ва унинг кўз илғамас тубига қараган одам каби юрагим ҳаприқиб кетарди. Мен кўнгилчан одамман. Шу боис бошим ташвишлардан чиқмасди. Муболағасиз айтиш мумкинки, сиз мен учун деярли йўқ эдингиз. Бундан ташқари, сизнинг ўрнингиз, яшашингиз учун восита манбалари мен учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди. Мен учун буларнинг барчаси бефарқ эди. Мен бу борада ҳам чекмаганман. Хатингизни тортмага солиб, мен илгаригидек ўз хаёлларим билан бўлиб, қўл қовуштириб ўтиравердим. Уйда озми-кўпми қўр-қути бўлган одам нимадан ташвиш қиларди? Бундай ҳиссиёт билан мен сизни бир лаҳзагина эсга олдим. Буларнинг барчасини сизга узр сифатида айтмоқдаман, чунки сизга жавоб ёзишим керак эди. Мен мутлақо жаҳлингизни чиқариш учун сўз ўйини қилаётганим йўқ. Ишонаманки, кейинги сатрларни ўқиганингизда фикрим сизга аён бўлади. Нима бўлганда ҳам, бирор нарса деб жавоб қайтариш керак бўлган чоғда, мендан садо чиқмади, шунинг учун мен энди сиздан кечирим сўрайман. Шундан сўнг кўп ўтмай сизга телеграмма йўлладим. Очиғини айтсам, ўшанда сизни кўргим келди. Ўзингиз истаганингиздек сизга ўз ўтмишимни сўзлаб бергим келди. Сиз шу онда Токиога келолмаслигингизни телеграммада баён этдингиз ва мен умидларим пучга чиқиб телеграммага узоқ тикилиб қолдим. Чамаси телеграммага қаноат қилмай, сиз менга узундан-узон хат йўлладингиз. Бу хатдан сизнинг Токиога келишингизга ҳалал бераётган вазиятни англадим. Мен сизни эътиборсизликда айблай олмасдим. Уйингизни, бетоб отангизни қандай қилиб ташлаб кета олардингиз? Йўқ, менинг ҳаракатларим, – гап отангизнинг ҳаёт-мамоти устида кетаётганини унутган менинг хатти-ҳаракатларим ноўрин эди. Лекин мен сизга телеграммани йўллаётган дақиқаларда мен ҳақиқатдан ҳам отангизни унутган эдим. Токиода “касаллик оғир, унга яхшилаб қаранг!” деб ўзингиз менга тайинлаган эдингиз-ку. Ҳа, мен шундай икки феъл одамман. Балки бу менинг миям эмас, ўтмишимдир – мени шундай икки феъл одамга айлантирган ўтмишимдир.

Сизнинг сўнгги хатингизни ўқиганимда, яхши иш тутмаганимни англадим. Шу маънода сизга жавоб йўллаш мақсадида қўлимга қалам олдим, аммо бир сатр ҳам ёзмай,

шундайлигича қолдирдим. Ёзиш керак бўлса мана шу хатни ёзишим керак эди, лекин буни ёзишга ҳали фурсат келмаганди, шу боис ҳеч нарса ёзмадим, айнан шунинг учун сизга иккинчи қисқа телеграммамни йўладим.

II

Шундан сўнг мазкур хатни ёза бошладим. Ёзишга кўникмаганим учун жуда қийналдим, чунки на далиллар, на фикрларим қовушарди. Сал бўлмаса олдингиздаги бурчимдан воз кечардим. Бироқ ёзишни бас қиламан деб ҳарчанд уринмай, бу қўлимдан келмади. Орадан бирор соат ўтмай яна ёзишга киришар эдим. Эҳтимол, сизга мен ўз бурчини бажарадиган одам бўлиб кўринарман. Мен буни инкор этмайман. Сизга маълумки, мен ташқи оламдан узилган ҳолда, ўз ҳолимча яшайдиган одамман; шу боис қаерга қарамай, бурч деб аташга арзигулик ҳеч нарса кўрмайман. Нотўғри эътиқод бўйича ёки тақдир тақозоси биланми, ҳар ҳолда мен ўзгалардан ажралган ҳолда яшашга ҳаракат қилдим.

Мен бурчимга бефарқ бўлганимдан бундай бўлмади. Кўпроқ унинг зарбаларига дош беролмаганимдан шундай бўлди – ўзингиз кўрганингиздек, кунларимни бемаъни ўтказардим. Шу боис ваъда берилган экан, уни бажармаслигим ноқулай бўларди. Сизга нисбатан бундай ноқулай ҳиссиётларга берилмаслик мақсадида мен яна қўлимга қалам олдим.

Бундан ташқари ўзи ёзгим келди. Бурч ўз йўлига – лекин мен ўз ўтмишимни таърифлагим келди. Чунки сизнинг қалбингиз жиддий. Сиз менга инсон ҳаётидан жонли сабоқ олишни истаганингизни айтдингиз.

Мен ҳеч иккиланмай сизнинг гарданингизга инсон мавжудлигининг зулматли соясини юклайман. Аммо чўчиманг. Бу зулматга диққат билан назар ташланг ва сизга наф келтирадиган нарсаларни олинг. Мен зулмат деб атаган нарса албатта одоб-ахлоқ маъносидаги зулмат. Мен дунёга одоб-ахлоқ тимсолида келган инсонман. Мен ахлоқан тарбияланган инсонман. Менинг одоб-ахлоқ борасидаги эътиқодларим ҳозирги

ёшларнинг шундай эътиқодларидан кескин фарқ қилиши мумкин. Бироқ улар қандай бўлмасин, бу менинг ўзим. Бу бирор нуқсонни яшириш учун ижарага олинадиган кийим-кечак эмас. Шу боис ўйлайманки, олдинга қадам ташлашни истаганингиз учун сизга бирмунча нафи тегади.

Эсингизда бўлса керак, мен билан замонавийликнинг турли мафкуравий масалалари борасида баҳслашгандингиз. Мен сизнинг қарашларингизга ҳеч қачон нафрат билан қарамаганман, лекин уларни ҳурмат ҳам қилмаганман. Фикрларингиз ортида ҳаёт нишонаси йўқ эди; унга – ўз ўтмишингизга эга бўлиш учун сиз ҳали жуда ёшлиқ қилар эдингиз. Баъзан мен кулардим. Шунда сиз менга норози қиёфада қарар эдингиз. Боз устига, сиз ўтмишимни “дастурхон қилиб” ёзишимни талаб қила бошладингиз. Шунда мен биринчи бор сизга нисбатан ҳурматни хис этдим. Чунки сиз тортинмасдан қалбимдан қандайдир бир жонли нарсани олиш истагини намоёиш этдингиз. Қалбимни чил-парчин қилишни ва иссиқ қонимдан бир қултум ичишни истадингиз. Унда мен ҳали тирик эдим. Унда мен ҳали ўлишни истамасдим. Шунинг учун сизнинг талабингизни бошқа вақт бажаришга ваъда бериб, уни рад этдим. Энди эса мен ўзим қалбимни тилка-пора қилиб, қонимни юзингизга сачратиш истагидаман. Қалбим уришдан тўхтаган ҳамон, сизнинг қалбингизда янги ҳаёт ниш ура бошлаганининг ўзи мени мамнун этади.

III

Ота-онамдан етим қолганимда ёшим ҳали йигирмага ҳам тўлмаган эди. Хотиним сизга айтганидек, улар бир хасталиқдан иккиси ҳам бирин-кетин бир вақтнинг ўзида оламдан ўтиб, барчани таажжубга солган. Қисқача қилиб айтганда, отам ичтерламадан ўлган. Бу касаллик отамни парвариш қилаётган онамга ҳам юққан.

Мен уларнинг яккаю ягона фарзанди эдим. Бизнинг маблағимиз етарли бўлиб, мен амалий йўналишда тарбия олдим. Ўз ўтмишимга назар солар эканман, ўша вақтда ота-онамдан ҳеч бўлмаса биттаси тирик қолганида эди, эҳтимол, амалий тарбиям шу

вақтгача давом этармиди.

Улардан кейин мен тамомила саросимага тушиб қолдим; менинг на билимим, на тажрибам бор эди, хаётни ҳам ҳали унчалик яхши тушунмас эдим. Отам ўлаётганида онам олдида бўлолмас эди. Онам ўлаётганида унга ҳатто отамнинг ўлгани ҳақида ҳеч нарса дейишмади. Унинг бунга ақли етганми ёки атрофдагиларнинг отам тузалаётгани тўғрисидаги сўзларига ишонганми, номаълум. У фақат амакимдан ҳаммасига бош-қош бўлишни илтимос қилди. Шунда мени кўрсатиб шундай деди:

– Илтимос, шу болага қараб тулинг, уни ташлаб қўйманг.

Ҳали ота-онам тириклигидаёқ мен Токиога жўнашим ҳал қилинган эди ва чамаси онам шу ҳақда ҳам айтмоқчи эди. Лекин у “Токиога...” дейиши биланоқ амаким:

– Яхши, яхши! Ҳечам ташвишланманг, – деди.

Онамнинг танаси оташ бўлиб ёнарди ва амаким менга юзланиб уни мақтади:

– Жуда чидамли экан!

Бироқ бу онамнинг сўнгги тилаги бўлганми, йўқми, менга қоронғу. Онам турган гапки, отамнинг касали оғир эканидан хабардор эди. Шунингдек, ўзи ҳам шу касалга чалинганини биларди. Лекин айнан шу касаллик унинг ҳаётига зомин бўлишини билганига шубҳам бор. Қолаверса, бу бутунлай бошқа гап. Фақат шундан кейин менда барча нарсани англаш, атрофдаги нарсаларга назар ташлаш одати пайдо бўлди. Сизни бу ҳақда олдиндан огоҳлантиришим керак, масалан, бу ишларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва сизга умуман керак бўлмаган менинг хотираларим. Лекин сиз бунга парво қилмай, ўқишда давом этинг. Алоҳида инсонларнинг ахлоқи ва хатти-ҳаракатларида одоб-ахлоқ жиҳатдан тўхташ одатим, ўйлайманки, кейинчалик бошқаларнинг ҳимматларига тобора кўпроқ шубҳа билан қарашимга олиб келди. Шуни билинки, айнан шу нарса ҳасрат ва изтироб ҳиссиётини оширди.

Мавзудан четлашиб кетдим ва гапим тушунарсиз бўлиб қолди, шунинг учун яна ортга қайтаман.

Ҳар ҳолда шу узун мактубни ёзаётганимда мен нисбатан хотиржамроқман.

Атрофда борлиқ уйқуга кетганидан далолат бергандек, травмай шовқини тинди. Дераза ортидан чигирткаларнинг чириллаши эштилади, улар ўз товушлари билан гўё шудрингли кузни эслатиб тургандек. Ҳеч нарсадан хабари йўқ хотиним қўшни хонада ухламоқда.

Қўлимга мўйқалам олганимда, у ҳар бир белги, ҳар бир чизиқчада титрар эди. Лекин мен хотиржамлик билан қоғоз узра бош эгаман. Фикр – ларим айқаш-уйқаш бўлгани сабабли мўйқалам тартибсиз ҳаракатланади, деб ўйламайман.

IV

Шундайми, йўқми, ёлғиз қолган мен учун онамнинг васияти бўйича амакимдан таянч излашдан ўзга чора қолмаганди. Амаким ўз навбатида барча ишларни қабул қилиб, менинг ғамимни еди. Мен шунчалар интилган Токиога кетишим учун ҳамма нарсани қилди. Токиога келгач, мен Олий Меъёрий мактабга кирдим. У вақтдаги ўқувчилар ҳозиргиларига нисбатан қўпроқ ва шўхроқ эди. Танишларим орасида кечқурунлари мастеровойлар билан уруш чиқарадиган ва ўз гэталари билан бошларини уриб ёрадиганлари ҳам бор эди. Бу ичкиликбозлик ҳолатида содир бўлар ва бунинг оқибатида уларнинг пўрим фуражкаларини олиб қўйишар эди. Фуражканинг ички тарафида оқ матодан фуражка эгасининг исми ёзиб қўйилар эди. Иш чигаллашиб, айбдор тўғрисида полициядан мактабга сўровнома юборилар эди. Бироқ ўртоқлари ҳар доим ишни ташқарига чиқармасликка ҳаракат қилар эдилар. Ҳозирги шароитда тарбия қўрганларга бундай ҳолат ғайритабиий, бемаъни бўлиб кўринса, эҳтимол. Тўғриси айтсам, менга ҳам бу бемаъни иш бўлиб туюлади. Лекин барча ўртоқлар ҳозирги ўқувчиларда бўлмаган ўзига хос самимий хислатларга эга эдилар. Ўша вақтда мен амакимдан ҳар ой олиб турадиган пул ҳозир сизлар оталарингиздан оладиган пулдан анча кам бўлган. Лекин нарх-наволар ҳам ўзгача бўлган. Шунинг учун мен етишмовчиликни ҳис қилмаганман. Бундан ташқари маблағ борасида тенгқурларим

орасида мен кимгадир ҳавас қилишим керак бўлган даражада ёмон эмасдим. Ҳозир ортга назар ташласам, кўпчиликнинг менга ҳаваси келган деб ўйлайман. Чунки ҳар ойдаги маълум суммадан ташқари мен кўпинча амакимдан китоб харид қилишга (мен ўша вақтдан бери китоб йиғишни ёқтириб қолган эдим) ёки зарур харажатларга пул талаб қилар эдим ва уларни ўз хоҳишимча сарфлашим мумкин эди.

Ҳали ҳеч нарсани тушунмасдан мен амакимга ишонар эдим; бундан ташқари, менда унга нисбатан миннатдорчилик ҳисси бўлиб, уни жуда ҳурмат қилардим. Амаким ишнинг кўзини билар эди. У ҳатто префектуал йиғин аъзоси этиб сайланган. Назаримда, шу муносабат билан унинг ҳатто сиёсий партияларга ҳам алоқаси бўлган. Отамнинг туғишган укаси бўлишига қарамай, феъл-атворлари ҳар хил эди. Отам содда одам бўлиб, ота-бобосидан қолган мол-мулкни кўз қорачиғидек асрар эди; у гуллар ва чойни, бундан ташқари шеърӣ асарларни ўқишни яхши кўрарди. Унинг китоблар, расмлар, қадимий буюмлар бобида диди баланд эди. Уйимиз қишлоқда жойлашган бўлиб, бу ердан шаҳар икки миль нарида эди; бу шаҳарда амаким яшарди, шу ердан кўпинча сотувчилар гоҳ расмлар, гоҳ исириқдонларни кўрсатиш учун отамга олиб келишар эди. Қисқача қилиб айтганда, отамни “ман оф мэанс” – “ўткир дидли қишлоқлик азамат” деб таърифлаш мумкин эди. Шунинг учун у ўз феъли билан ишнинг кўзини биладиган амакимдан кескин фарқ қиларди. Шунга қарамай, уларнинг муносабатлари жуда яхши бўлган. Отам кўпинча амаким ҳақида гапирганда, ўзидан ҳам меҳнаткашроқ киши деб айтарди. Ота-онасидан қолган бойликка эга бўлган кишининг қобилияти, албатта, заифлашади; қисқача қилиб айтганда, ташқи олам билан курашиш зарурати бўлмаса яхши эмас. Бу каби сўзларни онам ҳам отамдан эшитган. Мен ҳам. Отам менга ўғит бўлсин деб айтган. “Сен буни яхшилаб қулоғингга қуйиб ол!” – дер эдилар отам менга қараб. Шунинг учун ҳам мен бу гапларни яхшилаб эслаб қолганман. Отам шунчалар мақтаган, шунчалар ишонган амакимдан мен шубҳаланишим мумкинмиди? У оддий шароитда ҳам мен фахрланишим керак бўлган амаким бўлиши мумкин. Лекин отамнинг вафотидан сўнг у нафақат фахрланишим сабабига айланди: у менинг яшашим учун зарур бўлган инсон бўлиб қолди.

Ёзда ота-онамнинг вафотидан сўнг тарк этган уйимизга келганимда, бу ерда энди янги уй эгалари сифатида амаким хотини билан яшарди. Мен ҳали Токиога кетмасимдан олдин шунга келишиб олгандик. Мен бутунлай ёлғиз қолганим учун ўзга чорам йўқ эди.

Амаким ўша вақтда шаҳардаги турли ҳиссадорлик жамиятлари билан иш олиб борарди. Кулиб туриб у, ишлаш нуқтаи назаридан, унга шаҳардан икки миль нарида жойлашган қишлоқдаги уйимизга кўчиб ўтгандан кўра ўзининг шаҳардаги уйида қолиш анча қулайроқ бўлишини айтди. Буни мен ҳали Токиога кетиш тараддудини кўраётган вақтимда айтган эди.

Уйимиз қадим замонларга бориб тақаладиган ўз тарихига эга бўлиб, маълум доираларда машҳур эди. Эҳтимол, сизнинг юртингизда ҳам худди шундайдир; қишлоқда ўз ворисига, тарихига эга бўлган уйни бузиш ёки сотиш озмунча катта иш бўлмайди. Ҳозир менга бундай туюлмайди, аммо ўша кезларда мен ҳали бола эдим ва уйимизни асил ҳолида қандай қилиб сақлаб қолиш мени ташвишлантирарди.

Амаким вазият туфайли бўшаб қолган уйимизга кўчиб ўтишга рози бўлди. Лекин шаҳардаги уйини ҳам қолдиришини, у ерда ҳам, бу ерда ҳам бўлиб туришини, акс ҳолда ишлашга қийналиб қолишини айтди. Албатта, бунга қарши эътироз билдира олмасдим. Мен ҳар қандай шартга ҳам кўнишга тайёр эдим, фақат Токиога жўнаб кетсам бўлгани. Болалигимдаёқ юртимдан йироқда унга қалбимнинг соғинч кўзлари билан тикилардим. Мен унга вақти келиб қайтиб келадиган йўловчи ҳиссиёти билан термулардим. Токио қанчалик яхши бўлмасин, таътил бошланиши биланоқ, уйга қайтиш иштиёқи уйғонарди ва бу ҳиссиёт жуда кучли бўларди. Кўпинча қаттиқ машқ қилишлардан ва кўнгилхушликлардан кейин, мен таътил вақтида қайтиб бора оладиган юртимни тушларимда кўрардим.

Менинг йўқлигимда амаким бу икки уйни қандай эплаганини билмайман. Қайтганимда бутун оила шу уйга тўпланди. Мактабга борадиган болалари, одатда шаҳарда яшаса керак, аммо ҳозир ёзги таътил сабабли, уларнинг барчаси меҳмон сифатида шу ерга келтирилганди.

Мени кўриб, барча хурсанд бўлди. Менга ҳам уйимни ота-онам вақтидагига нисбатан қувончлироқ ҳолда кўриш ёқимли эди. Амаким менинг илгариги хонамдан ўзининг катта ўғлини кўчириб чиқарди ва хонани ўзимга қайтариб берди. Уйимизда хоналар кўп эди, менга қаерда жойлашишимнинг фарқи йўқ эди, бироқ амаким эътироз билдириб, шундай деди:

– Бу сенинг уйинг.

У бошқа гапга қулоқ солишни истамасди. Ота-онам тўғрисидаги баъзан менда уйғонадиган хотиралардан ташқари ҳеч қандай қайғум йўқ эди ва ёзни амакимнинг оиласи билан ўтказиб, яна Токиога қайтдим. Бутун ёз мобайнида дилимда ёқимли ҳис қолдирган нарсa – бу амаким ва хотинининг мени уйланишга даъват этишлари бўлди – эндигина мактабга кирган менинг уйланишим-а! Улар буни уч-тўрт марта такрорладилар. Аввалига мен бу кутилмаган суҳбатдан ҳайрон бўлдим. Иккинчи марта гап очилганда мен қатъиян рад этдим. Учинчи марта мен улардан нима учун бу ҳақда оғиз очганликларини сўрадим. Уларнинг фикри оддий эди: мени уйлантириб, отамнинг уйига меросхўр бўлиб қолишимни ишташган экан. Фикримча, таътилда келиб-кетиб туришим кифоя этарди. Ота меросини эгаллаш учун уйланиш зарур экан – бунинг барчаси ўз маъносига эга эди. Айниқса қишлоқдаги аҳволни тушунган мен учун бу тушунарли эди. Менинг ўзим ҳам бунга унчалик қарши эмасдим. Лекин Токиода эндигина ўқишга кирганим учун бу қандайдир кўз илғамас узоқликда туюлар эди. Шу боис мен пировард-натижада амакимга розилик бермасдан уйдан кетдим.

VI

Шу билан мен никоҳ тўғрисидаги суҳбатни эсимдан чиқардим. Атрофимдаги барча ёшлар орасида бирорта ҳам оилалиги йўқ эди. Ҳамма эркин ва бўйдоқ эди. Беташвиш бу одамлар орасида, агар уларнинг ташқи ҳаётининг ортига назар ташланса, оилавий шароити туфайли уйланганлари ҳам бордир, аммо мен ҳали бола бўлганлигим учун буни фаҳмамасдим. Бундан ташқари, бундайлар атрофидагилардан уялиб, ўқувчи ёшлар учун шу қадар йироқ бўлган бу мавзу ҳақида гапирмасликка ҳаракат қилишарди. Энди кўриб турибман, мен ҳам улардан бири эдим, лекин ўша дамда буни

тушунмасдим ва болаларча қувониб, ўз машғулотларим бўйича илгарилаб борардим. Ўқув йили тугагач, мен саватларимни йиғиб, яна ота-онамнинг қабри жойлашган қишлоққа равона бўлдим. Бу сафар ҳам илгариги каби, ота-она яшаган уйда амаким, хотини ва болаларини кўрдим. Мен яна юртим ҳавосидан нафас ола бошладим. Бу ҳаво илгаригидек дилимга хуш ёқарди. Бу сўзсиз ўқув йилининг бир хилда кечувчи шароитида фойдали ўзгариш эди.

Мени тарбиялаб ўстирган шу муҳитда яшар эканман, амаким яна менинг уйланишимдан оғиз очди. У бултурги сўзларни такрорларди. Вазлар ҳам худди ўшандай. Лекин олдинги сафар у ҳали ҳеч кимни кўз остига олмаганди, бу гал келинликка номзод ҳам топиб қўйибди. Бу амакимнинг қизи эди. Амаким бу иккала томон учун ҳам яхши бўлишини, буни отам ҳам тириклигида тайинлаганини айтди. Бунинг яхши бўлишини ўзим ҳам билардим. Эҳтимол, отам ҳам бу ҳақда амаким билан гаплашгандир. Лекин бунга амакимнинг сўзларидан кейин эътибор бердим, унга қадар буни сезмагандим. Шунинг учун ҳайрон қолгандим. Ҳайрон қолсам ҳам, амакимнинг истаклари адолатли эканлигини яхши тушунардим. Мен беташвиш эдимми? Эҳтимол, шундайдир, лекин асосий сабаб менинг амакиваччамга бефарқлигим эди. Болалигимда шаҳарда яшовчи амакимникига тез-тез бориб турардим. Кўпинча у ерда қолиб кетардим. Ўша вақтлардаёқ мен амакиваччам билан яхши ўртоқ эдим. Биласизки, ака-сингиллар ўртасида оташин муҳаббат бўлмайди. Барчага маълум нарсани айтаман, бир-бири билан доим яқин бўлган кишилар ўртасида севги учун зарур бўлган рағбатларни яратувчи янгилик ҳисси йўқолади. Бамисоли хушбўй ҳидни фақат исириқдонда ҳид энди кўтарила бошлагандагина сезганингдек; бамисоли шарбатнинг мазасини фақат эндигина ича бошлаганда сезганингдек, муҳаббат бобида ҳам худди шундай; кучли ҳиссиёт бир лаҳзалик бўлади. Қанчалик кўпроқ кўниксанг, боғланиш ҳам шунчалик кучли бўлиб, муҳаббат риштаси аста-секин заифлашиб боради. Мен қанчалик фикр юритмай, яқин қариндошимни хотинликка олишга кўнмадим. Амаким, агар мен истасам, тўйни ўқишим тугагунига қадар қолдириш мумкинлигини айтди: лекин шу билан бирга бугунги ишни эртага қўйма, деган нақлда айтилишича, эзгу ишни ортга сурмаслик керак, деди. Мен учун униси ҳам, буниси ҳам маъқул эмасди. Мен яна бир бор рад этдим. Амакимнинг юзи ўзгарди. Қиз йиғлаб юборди. У менга турмушга чиқмаётгани учун эмас, уни рад этганим учун нафсонияти оғриганидан йиғларди. Мен уни севмаганим каби, у ҳам мени севмаслигини билардим. Мен яна Токиога қайтдим.

Учинчи марта юртимга яна бир йилдан сўнг ёзда келдим. Имтиҳонлар тугаши билан Токиодан жўнаб қолардим. Юртимни шунчалар яхши кўрардим. Ўзингиз ҳам биласиз, она юрт ҳавоси, ерининг иси ўзгача бўлади. Қаерга қарамай, отам ва онамни эслатувчи хотиралар. Йилда икки ой – июль ва августда – шу ҳавода бўлиш, илон инига яширингани каби у ерга яшириниб олиш мен учун ҳамма нарсадан афзалроқ эди.

Соддалигим туфайли амакимнинг қизи билан никоҳим борасида ташвиш қилишга ҳеч қандай сабаб йўқ, деб ўйлардим. Ёқмаса рад этасан, рад этдингми, масала ҳал бўлди, деб ишонгандим. Шу боис амакимнинг раъйига қарши чиққанымга қарамай, мен бутунлай хотиржам эдим. Йил давомида бу ҳақда бирор марта ҳам ўйламадим ва энди уйга илгаригидек хуш кайфиятда кетмоқда эдим. Бироқ бу сафар келганимда амакимнинг муносабати ўзгача бўлди. У энди илгаригидек мени ўз қучоғига олмади. Шунга қарамай, мен эркинликда тарбияланганлигим учун уч-тўрт кун бунга эътибор бермадим. Фақат кейинчалик нима бўлди-ю, бунинг жиддийлиги маълум бўлди. Амакиваччам ва хотини ҳам ғалати бўлиб қолдилар. Хатто Олий тижорат мактабига кириш ниятида менга хат ёзган ўғли ҳам мени кўрганда ғалати бўлиб кетарди.

Феъл-атворим шунақа бўлгани учун мен бошқача ўйлай олмасдим. Ҳиссиётларим нима сабабдан бунчалар ўзгарди? Ҳа-да, нима сабабдан улар бунчалик ўзгариб қолдилар? Назаримда, раҳматлик ота-онам бирдан кўзимни очгандек бўлишди. Ота-онамнинг вафотидан кейин ҳам мен дилимда улар тириклигида мени қандай яхши кўрган бўлсалар, ҳозир ҳам шундай яхши кўрадилар, деб ишонар эдим. Хатто ўша вақтда ҳам мен табиат қонунларидан беҳабар эмасдим. Лекин ота-боболаримдан қолган хурофот излари қон-қонимга сингиб кетган эди.

Тоққа ёлғиз чиқиб кетиб, мен ота-онам қабри олдида тиз чўкдим. Ҳам қайғу, ҳам миннатдорлик ҳисси жўш урарди дилимда. Гўё тақдирим шу ерда ётганларнинг қўлида эканлигини ҳис этиб, тақдиримни ҳал қилишларини илтижо қилиб дуо ўқидим. Сизга балки бу кулгили туюлар. Ўзим ҳам устимдан кулиш керак деб ўйлайман. Ахир ўзим шунга лойиқ эдим-да.

Назаримда бутун дунё оёғи осмондан бўлиб ўзгарди. Бу аҳволга тушган бир мен эмасдим. Дунёда гўзаллик мавжудлигини кашф этиб, ҳайратга тушганимда ёшим ўн олти-ўн еттиларда эди. Аввалига кўзларимга ишонмадим. Сўнг, “Э-воҳ, мана гўзаллик!”

деб хайқирдим. Ўн олти-ўн етти ёшларда эркак ва аёлда жинсларнинг уйғониш даври бошланади. Шунда мен дунёда гўзаллик тимсоли бўлган аёлни биринчи бор кўрдим. Мен шу пайтгача борлигини пайқамай юрган қарама-қарши жинс кўзларимни бирдан очди.

Буни амакимнинг ҳаракатларига эътибор қилганимда ёздим. Кейин ўзимга эътибор қилдим. Бу беҳосдан, ҳеч қандай тайёргарликсиз рўй берди. Унинг ўзи, оила аъзолари ҳам кўз ўнгимда буткул бошқача намоён бўлишди. Мен қўрқиб кетдим, бу шундайлигича қолса, келажагим нима бўлади, деб ўйладим.

VII

Менда шу вақтгача амакимга ишониб топширилган бойлигимизнинг аҳволи ҳақида батафсил билиб олмасам, ота-онам олдида ўзимни қандайдир гуноҳкордек сезар эдим. Амаким доим ўзича банд бўлар, ҳеч бир жойда тунамасди. Бу ерда икки кун турса, учинчи кунни шаҳарда ўтказар, уйдан-уйга кўчиб юрарди, доим кўриниши ташвишли бўлар эди. “Бандман” сўзи унга одат бўлиб қолганди. Фикрларим тиниқ вақтида мен ҳақиқатан ҳам уни банд деб ўйлардим. Бундан ташқари, бизнинг замонамизда бу табиий бир ҳол дердим. Лекин мен ўз мулким тўғрисида у билан узоқ гаплашишга ҳаракат қилганимда, амакимнинг бундай бандлиги мендан қутилиш учун бир баҳона эканини билдим. Мен амакимни учратишга ҳеч фурсат топа олмадим.

Амакимнинг шаҳарда жазмани борлиги қулоғимга чалинганди. Мен буни ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларимдаёқ синфдошларимдан эшитгандим. Амаким каби кишининг жазмани борлиги ажабланарли эмасди, лекин отам ҳаётлигида бу ҳақда ҳеч нарса билмагани мени таажжубга солди. Ўртоқларим менга яна кўп нарсаларни айтиб беришди. Масалан, гўё унинг ишда омади келмай қолган деб ўйлашган, лекин у икки-уч йилдан кейин эса ҳамма нарсани қайтариб берган. Бу улар менга сўзлаб берган нарсаларнинг асосийси эди, аммо шунинг ўзи шубҳаларимнинг ортишига сабаб бўлди.

Ниҳоят, мен амаким билан суҳбатлаша бошладим. Буни “суҳбат” деб ҳам атаб бўлмайди, лекин ўртамизда бўлиб ўтаётган гапларга қараганда шу сўз ўз-ўзидан ҳаёлга келади. Мен аввал-бошданоқ унга ишончсизлик билан қарардим ва ишни осонликча охирига етказа олмадим.

Афсуски, ўртада бўлиб ўтган суҳбатни ҳозир муфасссал баён этолмайман – шошилиб турибман. Аслини олганда айтадиган муҳим нарсалар бор эди. Мен шахсий суҳбатда сизга ҳамма нарсани хотиржамлик билан сўзлаб бериш имкониятидан маҳрумман. Ёзишни истаган нарсамни қўлимда қалам ушлашга одатланмаганим учун билганимча ёзиб ташлаяпман. Қимматли вақтнинг уввол бўлаётганига ачинаман.

Эсингизда бордир: бир вақтлар дунёда тайёр жинойтчилар бўлмайди, вақти келиб кутилмаганда олийжаноб киши ҳам жинойтчига айланади, деган эдим. Шунда сиз менинг жуда ҳаяжонланганимга эътибор берган эдингиз. Олийжаноб киши қандай ҳолларда жинойтчига айланади, деб сўраган эдингиз. Мен сизга “пул туфайли” деб жавоб берганимда, афтидан, жавобимдан қониқмаган эдингиз. Мен сизнинг ўшандаги ҳолатингизни жуда яхши эслайман. Ўшанда мен ўз амакимни назарда тутган эдим. Мен пулни кўриб, жинойтчига айланган амакимни, дунёда ишонса бўладиган одамлар йўқлигини назарда тутган эдим. Эҳтимол, олдинга, ғоялар оламига интилувчи бўлган сизга бу эскиргандай бўлиб туюлгандир. Аммо мен учун бу ҳаёт-мамот масаласи эди.

Ҳозир мен хотиржамман. Ўйлайманки, ақл билан фаҳмланган нарсаларни сўзлашдан кўра, бошқа бир нарсаларни сўз билан ифода этиш ҳаётийроқдир. Танани қон ҳаракатга келтирганидек, сўзлар нафақат ҳавони, балки инсон вужудини ҳам жунбушга келтира олади.

VIII

Сирасини айтганда, амаким мулк борасида мени лақиллатди. Токиодаги уч йиллик ўқишим вақтида бу ишни ҳамирдан қил суғиргандек битирди. Барчасини амакимга ишониб қўйиб катта аҳмоқлик қилдим. Буни аслида олийжаноблик деб атаса ҳам

бўлар. Ўша даврдаги ўзимга ҳозир назар ташлар эканман, нега бу қадар думбул бўлиб туғилганман, нега тўғрисўз ва софдил бўлиб яралганман, деб надомат чекаман. Шу билан бир вақтда менда дунёга яна худди шундай бўлиб келиш истаги пайдо бўларди. Бир эслаб кўринг! Сиз билган ўшандаги “мен”га гард юқиб бўлганди. Агарда гард юқиши ёш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда, шубҳасиз мен сиздан анча каттаман.

Агар амакимнинг истаги билан унинг қизига уйланганимда, бу мен учун моддий жиҳатдан фойдали бўлармиди? Ўйлайманки, албатта, фойдали бўларди. Амаким менга бир нимани кўзлаб ўз қизини таклиф қилган. Унинг менга аслида яхши муносабатда бўлгани, иккала оиланинг манфаатини ўйлаб эмас, балки бошқа ғаразли ният билан иш тутгани сабабли эди.

Мен унинг қизини яхши кўрмаганман. Унга нисбатан ҳеч қандай хусуматим ҳам йўқ. Аммо энди ўтмишга назар ташласам, мен ундан воз кечганим кўнглимга қандайдир таскин беради. Иккала ҳолда ҳам бирдек алданган бўлардим, аммо ҳар ҳолда амакимнинг айтгани бўлмай, унинг қизига уйланмаганим мен истагандек бўлди. Зеро, бунинг ишга алоқаси йўқ. Айниқса, бу ишга алоқаси бўлмаган сиз учун бунинг барчаси аҳмоқона туюлса керак.

Амаким билан менинг ўртадаги муносабатларга бошқа қариндошлар ҳам аралашди. Мен бу қариндошларга ҳам мутлақо ишонмасдим. Нафақат уларга ишонмасдим, балки уларни душман деб билардим. Амаким мени алдаганини билгач, қолганлар ҳам, албатта, мени алдайдилар деб ҳисоблардим. Отам шунчалар мақтаган амаким мени шу аҳволга солган экан, бошқалари нима қиларди, деб ўйлар эдим. Ҳар ҳолда шу қариндошларим ҳали менга тегишли бўлган барча нарсани тўплашга ҳаракат қилдилар. Пулга чаққанда, менинг чамамдан анча кам эди. Олдимда икки йўл турарди: ёки индамай борини олиш, ёки амаким билан судлашиш. Мен ғазабда эдим. Нима қилишни билмас эдим. Суд бўлган тақдирда ҳам қарорнинг чиқишини узоқ кутишга тўғри келишидан қўрқар эдим. Мен ҳали талаба эдим. Талаба учун шунчалик қимматли бўлган вақтни йўқотиш яхши эмасди.

Шуларни ўйлаб, қўшни шаҳарлик ўзимдан катта бўлган мактабдош ўртоғимдан менга тегишли бўлган барча нарсани пулга айлантириб беришни илтимос қилдим. Ўртоғим ундай қилмасликни айтди, лекин мен унамадим. Ўша кунлари юртимни узоқ вақтга

ташлаб кетишга қатъий қарор қилдим. Мен ичимда амаким билан ҳеч қачон учрашмасликка онт ичдим.

Она юртимни ташлаб кетишдан олдин яна бир бор ота-онам қабрини зиёрат қилдим. Бу сўнгги зиёрат эди. Энди уларни ҳеч қачон кўролмайман.

Ўртоғим айтганимдек қилди. Бу Токиога қайтиб келгач бўлди. Қишлоқда ерни сотиш осон эмас. Мен олган пул ўша вақтдаги нархлар бўйича анча оз эди. Очиғини айтганда, мен кетаётганимда чўнтагимда фақат бир нечта фоизли қоғозлар ва кейинчалик ўртоғимдан олган ўша пуллар бор эди. Бу, албатта, отамдан қолганидан анча кам эди. Менга алам қилгани шу эдики, мулким бориб-келиб шундай нозик пайтда камайган эди. Бироқ талабанинг кун кўриши учун шу ҳам етиб ортади. Аслини олганда пулларим келтирадиган фоизларнинг ярмини ҳам сарфлайдиган жойим йўқ эди. Маблағларим ортиқча бўлгани туфайли талабалик ҳаётим мутлақо кутилмаган ўзанга кириб кетди.

IX

Пулга муҳтожлик нималигини билмаган менда сершовқин меҳмонхонани тарк этиб, ўзимга уй сотиб олиш истаги пайдо бўлди. Аммо бу уйни жиҳозлаш зарурати биланми ёки рўзғорга қараб турадиган бирорта кампир олиш кераклигиданми, бу истагим амалга ошмади.

Бир кун айланиб келиш ва шу билан бирга ўзимга уйча қараш мақсадида, Хонго тепалигидан тушиб, тўппа-тўғри Дэндзуин томонга, Коисикава тепалигига кўтарилдим. У ерда трамвай ўтказилгандан бери жойнинг ташқи кўриниши бутунлай ўзгариб кетганди, ўша кезлари чап томонда тўпхона тўсиғи қад кўтариб турарди, ўнг томонда эса очиқ майдон бўлиб, уни ўт босиб ётарди. Шу яланглик ўртасида туриб, мен ҳеч бир нарсани ўйламай қаршимдаги тепаликни томоша қилардим. Ҳозир ҳам у ернинг кўриниши ёмон эмас, ўша пайтда эса бутун манзара кўп жиҳатдан ўзгача эди.

Кўз илғайдиган жой ҳақиқатан ҳам асабларни тинчлантирувчи кўм-кўк ўсимликлар

билан қопланган эди. Бирдан хаёлимга, шу ерларда менбоп уй йўқмикан, деган фикр келди. Мен сўқмоқдан юриб, шимол томондаги ялангликни кесиб ўтдим. Ўша пайтларда бу ерларда чиройли кўчалар йўқ бўлиб, уйлар жуда хунук эди. Мен гоҳ оғзи берк кўчалар ёнидан ўтиб, гоҳ тор кўчалардан айланиб, атрофни кезар эдим.

Ниҳоят қандолатфуруш хотиндан бу ерда ижарага бериладиган кичикроқ уй йўқми, деб сўрадим. У бир зум ўйланиб туриб деди:

– Ижарага уй?... Ҳа...

У гўё ҳеч нарса ўйлаб топа олмагандек эди. Мен кетмоқчи бўлган эдим, аёл сўз қотди:

– Сизга хусусий пансион тўғри келмайдими?

Мен ўйланиб қолдим. Уй-рўзғор ва ижара билан боғлиқ бўлган ташвишлардан кўра тинч оилада бирорта хонани ижарага олган маъқул эмасмикан? Шу боис қандолат дўкони ёнидаги супачага ўтириб, қандолатфуруш хотиндан ҳаммасини суриштирдим. Бу бир ҳарбийнинг оиласи, тўғрироғи, оиласидан қолган уйнинг бир қисми экан. Бека менга оила бошлиғи япон-хитой уруши вақтида ҳалок бўлганини тушунтирди. Бир йил муқаддам улар Итигайдаги ҳарбий мактаб ёнида яшашар экан, уларнинг уйлари катта бўлган, ҳатто отхоналари ҳам бор экан; энди эса барчасини сотиб, шу ерга кўчиб келишган экан; ёлғиз яшаш улар учун зерикарли бўлиб, шу сабабдан муносиб одам топилса, уларнинг уйларини тавсия қилишини шу хотиндан сўрашган экан. Аёлнинг сўзларидан бутун оила бева аёл, унинг ёлғиз қизи ва хизматкор аёлдан иборатлигини билиб олдим. Мен у ерда тинч ва қулай бўлишини тасаввур этдим. Мени фақат бир нарса ташвишлантирарди: оилада кутилмаганда аллақандай талаба пайдо бўлганидан айланиб, бирдан менга рад жавобини беришмасмикан? Ҳатто бундан умид узиб қўя қолай дедим. Бироқ, талаба бўлишимга қарамай уст-бошим ёмон эмасди. Боз устига бошимда талабаларнинг пўрим фуражкаси ҳам бор эди. Сиз, албатта, кулаётисиз, пўрим фуражка, деб. Аммо ўша даврларда талабаларнинг обрўйи баланд бўларди. Айнан мана шу пўрим фуражка унинг жонига оро кирарди. Шартта қандолатфуруш хотин кўрсатган шу уйга қараб йўл олдим.

Бева аёлга келишим мақсадини тушунтирдим. У менга қатор саволлар берди: ўзим

ҳақимда, қаерда ўқишим, мутахассислигим нималиги хусусида. Пировардида истаган вақтимда кўчиб келишим мумкинлигини айтди. Бева очикқина, тўғриси аёл экан. Чамаси барча ҳарбийларнинг хотинлари шундай бўлса керак, деб ўйладим ва унга нисбатан менда ҳурмат пайдо бўлди.

Х

Мен дарҳол шу уйга кўчиб ўтдим. Биринчи ташрифимдаёқ бева аёл билан суҳбатлашган хонани эгалладим. Бу уйдаги энг яхши хона шу эди. Ўша даврда Хонгода бирин-кетин талабалик ётоқхоналари қурилаётганди ва мен талаба яшаши мумкин бўлган энг яхши хоналарни эгаллаяпман, деб ҳисоблардим. Лекин энди кўчиб ўтганим бу хона илгаригиларидан аълороқ эди. У ерга кўчиб ўтгач, бу талаба учун ўта ҳашаматли, деган хаёлга бордим.

Уй катта эди. Бош жовоннинг ён томонида чиройли токчалар ва шкафчалар қурилган: ташқи айвон қаршисидаги деворга ички шкаф ясалган эди. Деразалар умуман йўқ. Аммо жанубга қараган айвон томондан ёруғлик тушиб турарди. Мен кўчиб кирадиган куни бош жовонда шинам қилиб кесилган гулларни кўрдим, улар ёнига эса кото^[4] суяб қўйилганди. Униси ҳам, буниси ҳам менга ёқди. Мен хитой шеърляти, китоблар, хушчақчақ маросимларни яхши кўрувчи инсон эдим.

Отам тириклигида тўплаган барча жиҳозларни бошқа нарсалар каби амаким талон-торож қилган бўлса ҳам ҳар ҳолда нимадир сақланиб қолганди. Уларни сақлаб туриш учун ўртоғимникида қолдирдим. Бошқа нарсалар орасида тўрт-бешта яхшироқ расмни саватим тубида ўзим билан олиб келдим. Кўчиб келишим билан уларни кўринадиган жойга осиб қўйиб, томоша қиламан деб ўйлагандим. Аммо мана бу кото ва гулларни кўрганимда бу фикримдан қайтдим. Кейинроқ сўраб, улар мен учун қўйилганини билдим ва жилмайиб қўйдим. Албатта, кото бу ерда илгари ҳам турган, қўядиган бошқа жой бўлмагани учун уни ноилож қолдиришган.

Сизга буларни сўзлаб бераётганимда, эҳтимол, кўз ўнгингизда ёш қизнинг сиймоси гавдаланар. Мен ўзим ҳам у ерга кўчиб ўтмасимдан илгарироқ шунга қизиқиб қолган эдим. Турфа фикрлар таъсириданми ёки одамови бўлиб қолганимданми, ҳар ҳолда қизни биринчи бор учратганимда базўр саломлашдим. Бунга жавобан қизнинг чехраси қизарди.

Шу вақтгача бева аёлнинг ҳолатига қараб ўзимча қизни аниқ тасаввур қилган эдим. Бу тасаввуримда уни бу қадар жозибали деб ўйламагандим. Модомики у ҳарбийнинг хотини экан – демак, у шундай, агар қиз унинг қизи бўлса – бинобарин, у ҳам онасига ўхшаган бўлиши керак. Аммо қизни кўрган заҳоти фикрим бутунлай ўзгарди. Менга шу вақтгача нотаниш бўлган аёл иси димоғимга урилди. Шу вақтдан бошлаб жовонимда турган гуллар мен учун ёқимсиз бўлмай қолди. У ерда турган кото ҳам халал бермай қўйди. Вақти келиб гуллар сўлиб қолганда, улар ўрнига янгилари келтирилди. Кото ҳам ён томондаги хонага тез-тез олиб чиқиларди. Хонамда иягимга тиралиб ўтириб бу асбобнинг чалинишини тинглардим. У яхши чаляптими, йўқми, мен унчалик фарқига бормасдим. Аммо усули унча кучли бўлмаганидан қиз моҳир созанда эмас деб ўйлардим. Мен гулларни яхши ажратардим, қизни бу соҳада ҳам билимдон деб бўлмасди.

Шунга қарамай, у менинг жовонимни доим гуллар билан безар эди. Гулларнинг жойлаштирилиши ҳар доим бир хил бўларди. Гулдон ва гуллар ўрни алмаштирилган ҳоллар бўлмасди.

Қиз турли куйларни аста чаларди. Ашула айтарди, фақат жуда секин, гўё фақат ўзи учун айтаётгандек. Бироқ бунинг учун танбеҳ эшитганидан сўнг овози умуман чиқмай қолди. Мен дидсиз қўйилган гулларни бажону дил томоша қилар, кото товушини жоним билан тинглар эдим.

XI

Юртимдан кетаётган чоғимда одамларга нисбатан хусуматда эдим. Уларга ишониш

қийин деган фикр қон-қонимга сингиб кетгандек эди. Мен душман деб ҳисоблаган амаким, хотини ва бошқа қариндошлар ўша одамларнинг вакиллари бўлиб ҳисобланарди. Поездда ўтирганимда ҳам қўшнилариимга худди шу тарзда қарардим. Мобода мен билан баъзан бирор кимса сўзлашб қолгудек бўлса, мен дарҳол сергак тортардим. Юрагим баъзан қўрғошин қуйилгандек оғирлашиб кетар ва асабларим қаттиқ таранг тортар эди. Токиодаги меҳмонхонадан кетгим келиб қолганига мендаги шундай ҳол сабаб бўлди. Агар илгаригидек аҳволда бўлганимда, пулим ошиб-тошиб кетганда ҳам бундай ишларга қўл урмасдим.

Коисикавага кўчиб ўтганимдан кейин ҳам бир мунча вақт давомида тинчий олмадим. Атрофга шунчалик олазарак бўлиб қарардимки, бундан ўзим уялиб кетардим. Қизиқ, фақат бошим, кўзларимгина тўғри ишларди, тилим эса базўр айланарди. Мен столим ёнида жим ўтириб уйда яшовчиларни мушук каби кузатардим. Баъзан бу қадар диққат билан кузатганимда уларга ачиниб кетардим: ўзимча уларга қандайдир кисавур бўлиб туюлардим ва бундан ўзимни-ўзим ёмон кўриб кетардим. Сизга ғалати туюлса керак: ана шу ҳолатимда қиз менга қандай қилиб ёқиши мумкин? Унинг дидсиз қўйилган гуллари қандай қилиб ёқиши мумкин? Унинг котони тўпори чалишидан қандай қилиб лаззатланишим мумкин? Бунга жавобан шу икки ҳолатни келтиришдан бошқа чорам йўқ, чунки бу иккиси ҳам бор гап. Буни қандай тушунишни ўзингизга ҳавола қиламан, фақат бир нарсани таъкидламоқчиман: мен одамлардан фақат пул масаласи борасида шубҳаланганман, севги бобида эса иш бу даражага етганича йўқ. Шу боис бошқаларга ғалати, менинг ўзимга – зиддиятли туюлса ҳам, барибир булар қалбимдан жой олишга улгурган эди.

Мен бевани бекач деб атаб келганман, бундан буён ҳам шундай бўлади. Бекач эса мени камтарин, оғир-босиқ одам деб билган. Мени меҳнаткаш деб мақтаган. Лекин у ҳеч қачон менинг безовта кўзларим, ташвишланишим тўғрисида сўз очмаган. Буни сезмасмиди ёки гапиришга уялармиди – билмадим, лекин менга бутунлай эътибор бермаётганга ўхшарди. Боз устига, бир куни у мени “ташвишсиз киши” деб атади ва бу қандайдир ҳурмат аломати сифатида янгради. Ўша вақтда ҳали содда бўлганим учун қизариб кетдим ва сўзларини инкор этишга ҳаракат қилдим. Шунда у жиддий оҳангда тушунтирди:

– Сиз шундай деяпсиз, чунки буни ўзингиз сезмаяпсиз.

Бекачнинг аввалига мендек талабани уйига жойлаштириш нияти бўлмаган, шекилли, у уйни бирор хизматчига бермоқчи бўлган ва шу тўғрида қўшниларида илтимос қилган. Унинг фикрича, хусусий пансионларда даромади кам бўлганлар яшашга мажбур, бу фикр унинг миясида анчадан бери айланиб юрган. Шунинг учун ўз тасаввуридаги ижарачи билан солиштириб, мени беташвиш киши деб атаган.

XII

Бекачнинг бундай муносабати менинг руҳий аҳволимга катта таъсир кўрсатди. Маълум вақт ўтгач, кўзларим илгаригидек олазарак бўлмай қолди. Юрагим эса хонамда ўтирганимдаёқ тинчланадиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, бекачдан тортиб уйда яшовчиларнинг барчаси менинг бу феълимга ўрганиб қолишгани мен учун бахт бўлди. Асабларим аста-секин тинчлана бошлади. Бекач зийрак аёл бўлгани учун менга атайин шундай муомала қилганми ёки ҳақиқатан ҳам мени беташвиш киши деб ҳисоблаганми, билмайман. Балки менинг ташвишланишим ва эсанкирашим фақат онгимдагина бўлиб, кўринишимдан унча сезилмагандир ва шу уни чалғитган бўлиши мумкин. Тинчланиб, мен аста-секин бу оила билан яқинлаша бошладим. Мен гоҳ бекач билан, гоҳ қизи билан ҳазиллашардим. Баъзан улар мени чой ичгани хоналарига таклиф қилишарди. Баъзан эса ширинлик сотиб олиб, мен уларни ўз хонамга чақирар эдим. Назаримда, танишларим доираси кенгайгандек эди. Шу сабабли бир неча бор ўқув дарсларим режаси бузилган ҳоллар бўлди. Таажжубки, бундай ҳоллар мен учун тўсиқ бўлмасди. Бекач эркин одам эди. Қизи мактабга қатнар ва бундан ташқари кото чалиш ва ўсимликларни қандай кесиш бўйича сабоқ оларди; шунинг учун унинг бўш вақти бўлмаслиги керак эди; лекин мен ўйлаганим тўғри эмас, унинг бўш вақти гўё кўпдай эди. Шу тариқа биз уччаламиз йиғилиб суҳбат қулардик. Мени чақиргани кўпинча қиз келарди. У отимни айтиб чақириб:

– Сиз бандмисиз? – деб сўрарди.

Кўпинча мен бирор китобни очиб қўйиб, унга термулиб ўтирардим ва ташқаридан

қараганда жуда банд одамга ўхшардим. Аслида эса ундай эмасди. Китоб саҳифаларига термулиб ўтириб, қизнинг келиб чақиришини кутар эдим. Қиз келавермагач, ўзим туришга мажбур бўлардим. Шунда унинг хонаси ёнига келиб сўрардим:

– Сиз бандмисиз?

Қизнинг хонаси ички хонадан кейингиси бўлиб, унча катта эмасди. Бекач одатда шу ички хонада ёки қизининг хонасида бўларди. Гарчи бу икки хона бир-биридан тўсиқ билан ажратилган бўлса-да, улар ҳар ҳолда бир хонани ташкил этгандек эди ва она-бола гоҳ у хонада, гоҳ бу хонада бўлар эдилар. Ичкарига киришга рухсат сўраганимда, “киринг” деб, албатта, она жавоб берарди, қизи камдан-кам ҳолларда жавоб қайтарарди. Шу орада қиз бирор юмуш билан хонамга кирадиган ва мен билан суҳбатлашадиган бўлди. Шундай онларда қалбимда ғалати ҳислар пайдо бўларди. Менинг қаршимда ёш қиз ўтирганидан шундай бўлади, деб ўйламайман. Мен ўзимни йўқотиб қўярдим. Ҳаракатларим ғайритабиий, ўзимга хос бўлмай қолиши мени ташвишга соларди. У ўзини шу қадар хотиржам тутар эдики, мен наҳотки котода овоз чиқаришга ботина олмайдиган қиз шу бўлса, деган шубҳага борардим. Ҳатто олдимда узоқроқ қолиб кетиб онаси уни қўшни хонадан чақирганида у “ҳозир” дея, кетишга шошилмасди. Қиз энди ёш бола эмасди. У мени тушунсин деб ўзини шундай тутаётгани аён эди.

XIII

Қиз хонамдан чиқиб кетганида мен чуқур хўрсинар эдим. Шу билан бирга менда қоникмаганлик ҳиссими, айбдорлик ҳиссими пайдо бўларди. Лекин ўша вақтларда бизларнинг аксарият кўпчилигимиз шундай бўлганмиз.

Бекач уйдан кам чиқарди. Уйдан кетган вақтларида бизни – мени ва қизини ёлғиз қолдирарди. Бу тасодифмиди ёки атайин қилинармиди – буни билмайман. Буни гапириш сал ғалатиروқ бўлса-да, лекин бекачни кузатар эканман, назаримда, у мени ва қизини яқинлаштиришни истаётгандек эди. Баъзан у гина қиладиган ҳоллар ҳам

бўларди, бу эса менга ёқмасди.

Унинг менга бўлган ҳақиқий муносабатини билишни истардим. Мантикий нуқтаи назаридан у менга қаршидек туюларди. Лекин амакимнинг мени алдагани ҳали ёдимдан чиқмагани учун, дилимда яна шубҳалар пайдо бўлди. Мен бекачнинг хатти-ҳаракатларида нима самимий ва нима айёрлик эканлигини аниқлашга ҳаракат қилардим. Бир тўхтамга келишга иккиланардим. Иккиланганим ҳам майли, нимага у ўзини бундай тутаётганлигига ҳеч ақлим етмасди. Сабабини аниқлашга ҳарчанд уринмай, буни билолмасдим; аниқлай олмагач, бутун айбни аёл бўлгани учун унинг зиммасига юклаб тинчланардим. У аёл бўлгани учун шунақа, аёл киши эса ҳар ҳолда оқил бўлмайди. Фикрларим ривожланиб, муқаррар тарзда шу хулосага келардим. Аёлларга нисбатан бундай менсимай муносабатда бўлсам-да, қизга бундай қилолмасдим. Менинг барча фикрларим унинг олдида ўз мантиғини йўқотар эди.

Мен қизга нисбатан эътиқодга яқин бўлган муҳаббатни хис қилардим. Қизга нисбатан фақат динда қўлланадиган сўзларни ишлатганим балки сизга ғалати бўлиб туюлар, аммо мен ҳозир ҳам шунга қатъий ишонаман. Қизнинг юзига қараганимда гўё ўзим ҳам чиройли бўлиб бораётгандек эдим. Шу қиз ҳақида ўйлаганимда кайфиятим ҳам кўтариларди. Агар муҳаббат деб аталувчи ўша эришиб бўлмайдиган нарсанинг икки учи бўлса, унинг юқоридаги учида муқаддас туйғу, пасткисида эса – жинсий майл жойлашган бўлади. Менинг муҳаббатим сўзсиз юқориги учида эди. Албатта, мен ҳар қандай инсон каби вужуддан ажрала олмасдим. Аммо бу қизга қараб турувчи кўзларим, бу қиз ҳақида ўйлаётган қалбим, вужуднинг майлларида юқори турарди.

Онасига нисбатан қарама-қарши ҳиссиётларим билан бир қаторда, қизига бўлган муҳаббатим тобора ортиб бормоқда эди, учаламиз орамиздаги муносабат дастлаб келган вақтдагига нисбатан анча чигаллашди. Бу ўзгариш ташдан қараганда билинмасди. Шу вақт ичида онасининг муносабатини мен нотўғри тушуниб юрмаганмиканман, деган шубҳа туғилди. Онасининг менга муносабати барибир самимий, деган тўхтамга келдим. Бошқача айтганда, мени қизи билан яқинлаштиришга ҳаракат қилишни исташ билан бир вақтда, мени огоҳлантирар ҳам эди, аммо шундай пайтларда у нафақат ўз ниятини унутар, балки бизни яқинлаштиришдаги ҳаракатларини давом эттирарди. Мен унинг ҳаракатларини бизнинг хуфёна учрашувларимизда чегарадан чиқмаслигимизни истайди, деб

тушунтирардим. Менинг фикримча, унинг хавфсирашлари бекор, қизи борасида ёмон ўйларга бормаган эдим. Шундан сўнг онасига нисбатан мендаги нохуш ҳиссиётлар йўқолди.

XIV

Бекачнинг хатти-ҳаракатларини ҳар томонлама солиштириб, бу уйда ишончга сазовор эканлигимга амин бўлдим. Аввал-бошданоқ шундай бўлганимнинг исботини кўрдим. Бу кашфиётим одамларга қандайдир ишончсизлик билан қарайдиган қалбимда ғалати бир ҳис уйғотди. Мен эркакка нисбатан аёл ҳиссиётларга бойроқ бўлади деб ўйлардим. Айнан шунинг оқибатида аёл эркак томонидан алданиши мумкин. Онаси ҳақида шундай фикрда бўлсам-да, қизига самимий эдим. Ҳозир бу менга кулгили бўлиб туюлади. Чунки мен одамларга ишонмасликка онт ичган эдим, ўзим эса шу қизга мутлақо ишонардим, чунки онаси менга ишонганини ғайриоддий ҳол деб ҳисоблар эдим.

Мен уларга ўз юртим ҳақида унча кўп сўзлаб бермаганман. Хусусан яқинда бўлиб ўтган воқеа ҳақида ҳеч нарса демадим. Ҳатто хаёлимга бу тўғрида тасодифий бир фикр келса ҳам нохуш бир ҳис пайдо бўларди. Мен имкон қадар бекачнинг ҳикояларини тинглашга ҳаракат қилардим. У эса пайтдан фойдаланиб, менинг юртимда аҳвол қандайлигини билишга интиларди. Охир-оқибат мен уларга барчасини сўзлаб бердим. Мен энди уйимга бормаслигимни, борсам ҳам у ерда ота-онамнинг қабридан бошқа ҳеч нарсам йўқлигини айтганимда, онаси ҳаяжонланиб кетди, қизи эса ҳатто кўзига ёш олди. Уларга айтиб бериб яхши қилдим, деган фикрга бордим. Мен хурсанд эдим.

Мен ҳақимда ҳамма нарсани билиб олгач, унинг тахминлари тўғри чиққанига ишонган бўлсам-да, буни очиқ айтмади. Шундан кейин у мен билан ёш қариндошидек муомала қила бошлади. Бундан жаҳлим чиқмади. Бу ҳатто менга ёқарди. Лекин шу вақт ичида менда яна шубҳа пайдо бўлди. Бу арзимасдек туюлса ҳам, далиллар тўплангани сари ваҳима ҳам орта бошлади. Онаси, амакимнинг мақсади каби, ўз қизи билан мени

яқинлаштирмоқчи эмасмикан, деган фикр урилди миямга. Шу вақтга қадар меҳрибон ва хушмуомала бўлиб келган кишилар энди айёр ва найрангбоз бўлиб туюла бошлади. Мен аламимдан лабларимни тишлар эдим.

Аввал-бошданоқ бекач қизи иккаласига зерикарли бўлгани учун уйига ижарачи қўяётганини айтганди, мен ҳам шундай экан деб ўйлагандим. Биз яқинроқ танишиб, аёл ўзи ҳақида кўп нарсаларни сўзлаб берганидан кейин ҳам ҳеч нарса ўзгармаган эди. Бироқ унинг маблағлари унча кўп эмасди, фойда кўриш нуқтаи назаридан мен билан яқинлашиш улар учун фойдадан холи эмасди.

Мен яна сергак тортдим. Аммо қизини яхши кўриб туриб, онасидан ҳадиксирашим нимаси? Ўз устимдан ўзим кулганим эмасми? “Аҳмоқ” деб ўзимни койир эдим. Аммо бу ягона зиддият менга унча азоб бермасди. Қизи ҳам онасига ўхшаш найрангбоз эмасмикан, деган шубҳа пайдо бўлди менда. Иккаласи орқаваротдан тил бириктириб, зимдан иш битиришмаяптмикан? Шунда кайфиятим жуда тушиб кетарди. Шунга қарамай, қизга қаттиқ ишонардим. Натижада икки ўт орасига тушиб қолиб, бир нарса қилишдан ожиз эдим. Униси ҳам, буниси ҳам мен учун тахмин ва айни пайтда тўлиқ ҳақиқат эди.

XV

Мен аввалгидек университетга маърузаларга қатнар эдим, лекин кафедрадаги одамларнинг маърузалари қандайдир олисдан эшитиларди. Машғулотларда ҳам шундай эди. Яққол кўриниб турган босма ҳарфлар юрагимга етиб келмасдан, тутун каби тарқалиб кетарди. Боз устига, камгап бўлиб қолдим. Ўртоқларимдан икки-учтаси буни, мени ёмон фикрлар оғушига чўмиб юради деб тушуниб, бу ҳақда бошқаларга ҳам айтибдилар. Мен буни рад этишга ҳаракат ҳам қилмадим. Одамлар шундай ўйлаётганларидан мен қайтага хурсанд эдим. Лекин баъзан бу менга ёқмасди ва ёмон кайфиятим бирдан яхшилангани уларни ҳайратга соларди.

Уйимизда бегоналар камдан-кам бўларди. Бекачнинг қариндошлари йўқ эди. Қизининг

олдига баъзан мактабдош дугоналари келиб турарди, аммо улар шунчалик секин гаплашар эдиларки, у ерда бирор кимса бор-йўқлиги билинмасди. Мендан уялишганидан шундай қилишларини сезмасдим. Менинг олдимга келадиган ошна-оғайниларим ҳам шовқин-сурон қилишмас, лекин улардан бирортаси ҳам уй эгаларидан тортинмасди. Бундай ҳолларда мен ижарачи сифатида кўпроқ уйнинг эгасига, қизи эса хизматкорга ўхшар эди. Буни мен шунчаки эсладим ва бунинг суҳбатимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бир нарсани эслатиб ўтишим керак: бир марта ё ўрта хонада, ё қизнинг хонасида эркак товуши эшитилди. Эркак менинг меҳмонларимдан фарқли ўлароқ секин гапирарди, шунинг учун гап нима ҳақида кетаётганини тушуна олмасдим. Бу нарса менга тушунарсиз бўла бошлаган сари, асабимни қўзғатарди. Мен бир жойда ўтира олмасдим. Ким у – қариндошими ёки шунчаки танишими? Ёшми, қарими? Ўтирган жойимда, албатта, буни била олмасдим, туриб тўсиқни суришим ва мўралашим ҳам ноқулай эди. Асабларим таранглашди. Меҳмон кетганидан сўнг унинг кимлигини сўрадим. Она ва қизнинг жавоби қисқа бўлди. Мен қониқмасдим, лекин қониқиш учун яна суриштиришга журъат қилмасдим. Бунга менинг ҳақим йўқ эди. Менинг юзимда тарбиямнинг натижаси бўлмиш обрўни сақлаб турувчи босиқлик ҳисси ва шу босиқлик ҳиссига қарши курашувчи қизиққонлик ҳисси барқ уриб турарди. Уларнинг иккиси ҳам кулиб юборди. Улар устимдан мазах қилиб эмас, балки дўстона кулишдими, ёки фақат менга хайрихоҳликларини намойиш этиб кулишдими, тушуна олмасдим. Ҳаммаси тугагач, мен барибир ичимда: “Сени аҳмоқ қилишди”, дедим.

Мен бутунлай эркин эдим. Шундай ҳолатда эдимки, ўқишни тугатиш ёки ўртасида ташлаб кетиш, қаерда яшаш, кимга уйланиш кераклиги тўғрисида ҳеч кимдан рухсат сўрашим шарт эмасди. Бир неча бор бекач билан қизига уйланиш тўғрисида гап очмоқчи бўлдим. Лекин ҳар сафар иккиланиб, журъат этмасдим.

Менга рад жавобини беришларидан қўрққанамдан эмас. Гарчи менга рад жавобини беришса, тақдирим қандай бўлишини билмасам-да, ҳар ҳолда шундай қилишга журъатим етарди, у ҳолда бошқача ҳолатга ўтиш ва янгича шароитда яшаш имкони туғиларди. Мени гўё алдаб қўлга туширишгандек эди, менга шуниси ёқмасди. Мен учун бировларнинг қўлига тушиб қолишдан ёмони йўқ эди. Амаким мени алдагач, келгусида нима бўлган тақдирда ҳам ёлғонга учмайман, деб қарор қилдим.

XVI

Фақат китоб сотиб олаётганимни кўриб, бекач менга костюм тиктиришни маслаҳат берди. Ҳақиқатан ҳам қишлоқда қоғоз матодан тикилган кийимдан бошқа ҳеч вақом йўқ эди. Ўша даврларда талабалар ҳали бўз матодан кийимлар кийишмасди. Ўртоқларим орасида иокогамалик савдогалардан бўлган бир ошнам бор эди ва унинг оиласи анча бой яшарди. Бир куни уйдан унга шойи кўйлак юборишди. Бу кўйлакни кўриб ҳамма унинг устидан кулди. У уялганидан нима қиларини билмай, кўйлакни саватга улоқтирди ва бошқа киймади. Аммо уникига одамлар тўпланиб кўйлакни мажбурлаб кийдиришарди. Бахтга қарши, кўйлақда бит пайдо бўлди, бундан хурсанд бўлиб кетган ошнам, кўйлакни ўраб, анҳорга ташлаб юборди. Мен у билан сайр қилиб юрган эдим, кўприқда туриб ошнамнинг қилиғидан мириқиб кулдим, – бундай қилиш керакмаслигини айтиш хаёлимга ҳам келмаганди. Бу вақтга келиб анча улғайиб қолган бўлсам-да, ўзимга кўчалик кўйлак тиктиришни билмасдим. Мен бир нарсадан ажабланардим – ўқишни тугатиб, соқол-мўйлов ўстирмагунимча, кийим-кечак ҳақида ўйлаш керакмас дердим. Шунинг учун бекачга менга кўйлак эмас, китоблар керак, деб жавоб бердим. У қанча китоб сотиб олаётганимни кузатар ва шуларнинг ҳаммасини ўқийсанми, деб сўрарди. Сотиб оладиган китобларим орасида луғатлар ҳам бўларди, мен уларга бирровгина қарар эдим ва кўпинча саҳифалари очилмасдан турарди. Шунинг учун унга нима деб жавоб беришни билмасдим. Миямга, керакмас китобларни сотиб олганимдан кейин, керакмас кўйлак ҳам сотиб олишим мумкин, деган фикр келди. Бундан ташқари ўзимга харид қилиш баҳонасида қизига ҳам белбоғлик ёки кўйлақлик мато сотиб олишим мумкин, деган фикрда эдим. Шунинг учун ҳаммасини бекачга қўйиб бердим.

Бекач бир ўзи бормай, қизи ва мен билан бирга боришини айтди. Биз ҳозирги талабаларга нисбатан бошқачароқ тарбияланганмиз, кўчада ёш қизлар билан бирга юришга одатланмаганмиз. У пайтларда удумларга риоя қилганимдан бир оз иккиланиб турдим-да, охири боришга жазм этдим.

Қиз ясаниб олди. Қизнинг ўзи оппоқ бўлишига қарамай, юзига упа суртиб олди ва янада кўпроқ кўзга ташланадиган бўлди. Йўлимизда учраганлар аввал қизга қарашар, кейин нигоҳларини мен томонга буришарди. Биз учаламиз Нихонбашида бўлдик ва керакли нарсаларни сотиб олдик. Харид вақтида ҳали уни танлаб, ҳали буни танлаб, вақтни чўзиб юбордик. Бекач мени атайин ёнига чақириб маслаҳатлашарди. Баъзан матони қизининг кўкрагига тутиб менга бир неча қадам наридан қарашимни буюрарди. Ҳар сафар мен ўз фикримни айтишим, “Бу тўғри келмайди!” ёки “Бу яхши”, – дейишим керак эди. Қайтаётганимизда кечки овқат маҳали бўлиб қолганди. Бекач миннатдорчилик сифатида мени кечки овқат билан меҳмон қилмоқчи эканини айтиб, бизни Каҳарадон театри ёнидаги тор кўчага олиб борди. Кўчанинг ўзи тор, овқатланадиган уйча ҳам тиқилинч эди. Мен бу жойларни мутлақо билмас эдим ва бекачнинг бу жойларни билиши мени таажжубга солди. Биз уйга тунда қайтдик. Эртасига якшанба бўлгани учун мен тонг отгунча хонамда ўтириб чиқдим. Душанба куни университетга келишим билан ўртоқларимдан бири устимдан кула бошлади. У мен қачон уйланиб улгурганимни гўё шунчаки сўрагандек бўлди. Кейин хотинимни гўзал экан деб мақтади. Чамаси, Нихонбаши бўйлаб юрганимизда бирор ерда бизга кўзи тушган, шекилли.

XVII

Уйга қайтгач, бу гапларни бекач ва қизига сўзлаб бердим. Бекач кулиб юборди. Менга қараб туриб:

– Сизга бу ёқмагандир? – деб сўради.

Шунда мен ўзимча ўйладим: наҳотки хотинлар ҳар доим эркакларни шундай тергасалар? Бекачнинг юзидан мени шунга ишонтиришга уриниши кўриниб турарди. Фикримни унга айтсаммикан, деган хаёл ўтди кўнглимдан. Аммо шубҳаларим ҳали юрагимни тошдай босиб ётарди. Энди айтаман деб турганимда бирдан фикримдан қайтиб, гапни бошқа ёққа бурдим.

Мен буларни хаёлимдан чиқариб ташладим-да, қизининг турмуш қуриши борасидаги онанинг фикрини билмоқчи бўлдим. У бир-икки марта айнан шу тўғрида гап очганди. Аммо мен ҳали ёшман, ўқийман ва уйланишга ошиқмаяпман деб жавоб бергандим. Бекач очиқ айтмаса-да, қизининг ҳуснини дилдан қадрлар эди. Бир гал ҳатто истаса қизини эрга бериши қийин эмаслиги оғзидан чиқиб кетди. Лекин бошқа фарзандлари бўлмагани сабаб қизини эрга бериши осон эмасди. У чамаси қизини бошқа уйга эрга беришини ҳам ёки ичкуёв қилишини ҳам билмасди. Бекач билан суҳбатлашиб, ундан кўп нарсани билиб олганимни ҳис этдим, лекин натижаси шу бўлдики, мен қулай фурсатни бой бердим. Мен пировард-натижада ўзим ҳақимда бир оғиз ҳам сўз айтолмадим ва суҳбатни бир амаллаб бўлиб, ўз хонамга қайтмоқчи бўлдим. Шу пайтгача ёнимда ўтирган қиз бирдан хонанинг бошқа бурчагига сурилди ва бизга орқа қилиб олди. Хонамга кириб кетиш учун ўрнимдан турганимда унинг ўгирилиб олган жуссасини кўрдим. Бунақада киши фикрини билиб бўлмайди, шу боис ҳозир у нима ҳақда ўйлаётганини билмасдим. Хоним деворга қилинган шкаф ёнида ўтирарди. Очилиб турган эшигидан ниманидир олиб, тиззасига ёйиб томоша қиларди. Кўзим жавон четида биз сотиб олган матонинг бир четига тушди. Менинг кийимларим ва қизнинг кўйлаклари шу жовонда турарди. Мен ўрнимдан турганимда бекач бутунлай бошқача оҳангда менинг фикрим қандайлигини сўраб қолди. Унинг сўз оҳанги шу қадар кутилмаган эдики, мен қайта сўрашга мажбур бўлдим:

– Фикрим қандай? Нима ҳақида?

Қизини тезроқ эрга бериш керакми ёки йўқми, деган саволга мен шошилмаган маъқул, деб жавоб бердим. Шунда ўзи ҳам шундай фикрда эканини айтди.

Шундай бўлиб қолдики, она ва қизи билан бўлган муносабатимга яна бир эркак аралашиши керак эди. Бу киши оила аъзоси бўлгани туфайли, менинг тақдирим кескин ўзгарди. Агар бу одам ҳаёт йўлимда кўндаланг бўлиб турмаганида эди, эҳтимол сизга шу узун хатни ёзишимга эҳтиёж бўлмасмиди. Тан олишим керакки, бу уйга уни мен ўзим олиб кирдим. Албатта, олдин бекачдан рухсат олишим, барчасини ундан яширмай сўзлаб беришим ва ундан буни илтимос қилишим керак эди. Шунда у менга бундай қилмаслигимни айтар эди. Бу кишини уйимга олиб келишимга барча асослар бор эди ва менга “қолдиринг” деган бекачнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Шунинг учун мен унинг истагига қарши қилган бу ишимни тўғри деб ҳисобларди.

XVIII

Мен бу ерда мазкур ошнамни К. деб атайман. Биз К. билан болалигимиздан дўст эдик. Мен “болаликдан” деган бўлсам ўз-ўзидан аёнки, биз ҳамюртлармиз. К. Синсю сектаси руҳонийсининг иккинчи ўғли эди. Шунинг учун уни бир докторга тутинган ўғил қилиб беришди.

Менинг юртимда Синсю сектаси катта обрўга эга бўлган, шунинг учун бу секта руҳонийларининг моддий аҳволи бошқаларга нисбатан бирмунча яхшироқ эди. Мисол тариқасида шуни келтиришим мумкин, агар бундай руҳонийнинг балоғат ёшига етган қизи бўлса, диний жамоа аъзолари мажлис қилиб, уни бирор муносиб оилага узатар эдилар. Албатта, барча харажатлар руҳоний ҳисобидан бўлар эди. Шу боис Синсю бутхоналарида хизмат қилиш яхши эди. К. туғилган оила ҳам ўзига тўқ яшарди. Бироқ иккинчи ўғилларини Токиога ўқишга юборишга қурблари етмаганиданми ёки бировга ўғил қилиб беришса таълим олиш осонроқ бўлганиданми, ҳар ҳолда К. ни бир докторнинг оиласи асраб олди. Бу биз ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларимизда содир бўлган эди. Синфда ўқитувчи барчанинг исми шарифини ўқиб йўқлама қилаётганда К. нинг исми шарифи бирдан бошқача бўлиб қолганини эшитиб, ўшанда жуда ҳайрон бўлгандим.

К. нинг янги оиласи ҳам ўзига тўқ оила эди. Бу оиладан маблағ олиб, у Токиога кетди ва мен жойлашган меҳмонхонага қўнди. Биз бир вақтда кетмаган бўлсак ҳам, у Токиога келгач, мен яшаётган меҳмонхонада тўхтади. Ўша вақтларда кўпинча хонада иш столларимизни ёнма-ён қўйиб, икки-уч кишидан яшар эдик. Биз ҳам К. билан бир хонага жойлашдик. Биз тоғдан тутиб келиб қафасга солиб қўйилган ва ҳаммага ўқрайиб қараб турадиган жониворларга ўхшардик. Биз иккимиз ҳам Токиодан ҳам, токиоликлардан ҳам қўрқардик. Чоққина хонамиздан бутун оламга ўқрайиб қарардик.

Аммо иккимизнинг ниятимиз жиддий эди. Иккимиз ҳам буюк одамлар бўлиб етишишга ҳаракат қилардик. Айниқса К. жуда матонатли эди. У Будда ибодатхонасида туғилган

бўлиб, доим “ўзини тийиш” деган сўзни такрорларди. Назаримда, бу сўзга у жон-жаҳди билан амал қиларди. Хаёлан мен унинг олдида бош эгардим.

Ўрта мактаб даврлариданоқ К. турли диний ва фалсафий саволлари билан мени гаранг қилиб қўярди. Бу отасининг ёки унинг уйи, яъни ибодатхонадаги муҳитнинг таъсири остида содир бўлар эдими, буни билмайман. Лекин у руҳонийларга уларнинг ўзидан кўпроқ ўхшар эди. Уни боқиб олган оила доктор бўлиб етишиш учун уни Токиога ўқишга юборди. Аммо у қайсарлиги туфайли доктор бўлмаслик ниятида уйдан чиқиб кетди. Мен ундан бу тутинган ота-онангни алдаш эмасми, деб сўрадим. У менга: “Ҳа, шундай, аммо бу “ўз йўлинг” учун зарур бўлса, ҳеч фарқи йўқ”, – деб жавоб берганди.

У ўша вақтда айтган “ўз йўлинг” сўзини ўзи ҳам тушунмаган бўлса керак. Мен ҳам, албатта, буни тушунмас эдим. Лекин бизнинг ёшимизда бу сўз баландпарвоз бир нарсасдек янграр эди. Биз уни тушунмасак ҳам, аммо кўтаринки руҳда эдик ва шу “йўл” бўйлаб кетишга тайёр эдик, бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ эди.

Мен К. нинг фикрига қўшилдим. Унинг учун менинг ҳамфикрлигимнинг аҳамияти бормиди-йўқмиди, билмадим. Ўйлайманки, мен қанчалик фикрига қарши чиқмай, у барибир ўз билганича иш тутарди. Лекин бола бўлсам ҳам шуни тушунардимки, уни қанчалик қўллаб-қувватласам, зиммамда шунчалик масъулият бўларди. Ўша вақтда буни англамаган бўлсам ҳам майли, аммо энди катта ёшли кишининг нигоҳи билан ортга назар ташлар эканман, менинг зиммамда ҳам алоҳида масъулият ётганлигини тўлиқ тан оламан.

XIX

К. мен билан бир факультетга ўқишга кирди. Тутинган оиласи юборган пулни хўмрайиб қабул қиларди ва ўзига ёққан йўлдан борарди. У ердагилар ҳеч нарсани билмасликларидан хотиржам эдими, ёки унга у ердагиларнинг билиб қолишлари барибир эдими – чамаси К. нинг қалбида у ҳиссиёт ҳам, бу ҳиссиёт ҳам бор эди. У бу масала борасида менга нисбатан бефарқроқ эди.

Биринчи ёзги таътилда К. уйига бормади. У Комагомэдаги будда ибодатхонасида бир хонани ижарага олаётгани ва у ерда дарс қилишини айтди. Сентябрь ўрталарида мен Токиога қайтдим, у эса ҳамон Каннон ибодатхонаси ёнидаги ўз ибодатхонасига қамалиб ўтирарди. Унинг хонаси бош меҳроб ёнида бўлиб, К. нинг кўриниши ўзи истаганича ишлай олганлигидан мамнун эди. Менинг назаримда унинг ҳаёти тобора кўпроқ руҳонийлар ҳаётига ўхшаб кетмоқда эди. Билагида тасбеҳ осилиб турарди. Ундан бунини нима қиласан, деб сўраганимда у бармоқлари билан ишора қилиб: бир, икки... деб санай бошлади. Чамаси, у кун давомида тасбеҳидаги ҳалқачаларни бир неча марта санар эди. Бунинг маъноси менга тушунарсиз эди. Бу ҳалқачаларни ҳар қанча санаса ҳам бўлади, бунинг охири йўқ. К. қайси жойда қандай фикрлар остида тасбеҳни санашдан тўхтар эди? Бу унчалик муҳим бўлмаса ҳам, мен бу тўғрида кўп ўйлардим.

Бундан ташқари К. нинг хонасида Библияга кўзим тушди. Бу ҳол мени бир оз таажжубга солди, чунки илгари ундан кўпинча турли буддавийча оятларни эшитиб турардим, аммо насронийлик тўғрисида ҳеч қачон сўзлашмаганмиз. Мен ундан Библияни унинг хонасида қандай пайдо бўлганини сўрамасдан туролмасдим.

– Ҳеч қандай сабаби йўқ, – деб жавоб берди у, – одамларга шунча янгилик келтирадиган китоб билан танишиб чиқиш оддий ҳол-ку.

Бундан ташқари, имкони бўлса Қуръон билан ҳам танишиб чиқмоқчи эканлигини айтди. Чамаси, Муҳаммад ва ҳадислари унинг учун алоҳида мазмунга эга эди.

Кейинги ёзда уйидагиларининг талабига кўра у юртига кетди. У ерга келгач, ўзининг мутахассислиги тўғрисида уларга ҳеч нарса демади. Олий мактабни тугатган сизга бу тушунарлидир: жамиятда талабалар ҳаёти, университетдаги тартиблар тўғрисида жуда кам билишади. Сиз билан бизга тушунарли бўлган нарса университет девори ортидагилар учун мутлақо тушунарсиз бўлиши мумкин. Биз эса, университет ҳавосидан нафас олувчилар, ҳамма университет ҳаётидаги аҳамиятлю аҳамиятсиз нарсани битта қолмай билиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бу борада К. жамиятимизни мендан кўра яхшироқ билар эди. Қовоғини солганча К. яна Токиога қайтди. Мен у билан бирга кетаётгандим, поездга ўтириб улгурмасимиздан мен ундан сўрадим:

– Хўш нима гаплар?

– Ҳеч гап йўқ, – жавоб берди К.

Учинчи ёз мен ота-онам қабри билан бир умрга видолашмоқчи бўлган ёз эди. Ўшанда К. ни мен билан бирга кетишга кўндиришга ҳаракат қилдим, аммо у рози бўлмади.

– У ерда ҳар йили нима қиламан? – деди у. У, чамаси, яна ўз ишлари билан машғул бўлгиси келди.

Ноилож, Токиога бир ўзим кетдим. Юртимда кечган икки ойлик хаётим давомида тақдиримда катта ўзгаришлар содир бўлди; мен бу ҳақда ёзган эдим, яна такрорлаб ўтирмайман. Ҳаяжон, қалбимда мунг билан мен сентябрда яна К. билан учрашдим. Унинг тақдирида ҳам шу каби ўзгаришлар содир бўлибди. У охир-оқибат отасига уни алдаганига иқрор бўлиб хат ёзганидан беҳабар эдим. “Бўлар иш бўлибди, энди истаган йўлингдан боришдан ўзга чора йўқ”, дейишларига умид боғлаганмиди. Ҳар ҳолда университетга киргунига қадар ўзининг тутинган ота-онасини алдаш нияти бўлмаган. Алдашга қарор қилиб, у, чамаси, бу ҳол унча узоқ давом этмаслигига ишонган.

XX

Хатни ўқиб, К. нинг тутинган отаси қаттиқ ғазабланди. У дарҳол ўғлига ота-онасини алдайдиган бундай виждонсиз ўғилга ўқиш учун пул юбора олмаслигини ёзиб юборган. К. бу хатни менга кўрсатди. Яна ўзининг уйдан келган хатни ҳам кўрсатди. Унда ҳам олдингисидан баттарроқ айбловчи сўзлар битилган эди. Чамаси, тутинган оила олдида ўзини айбдор деб ҳис қилгани учун ўз оиласи ҳам уни пулсиз қолдиришини билдирган. К. энди ўз оиласига қайтиш ёки тутинган оилада қолиш масаласини ҳал қилиши керак, ҳозир эса бирор чора топиш керак эди, чунки ўқиш катта харажатлар талаб этарди.

Мен К. дан бу борада бирор режанг борми, деб сўрадим, у менга кечки курсларда дарс

бериш нияти борлигини айтди.

У даврларда яшаш осонроқ эди ва ҳозиргига нисбатан қўшимча ишлар сиз ўйлагандан кўпроқ бўларди. Шу боис К. ҳар қачон жойини топа олишини билардим. Лекин, ўша вақтда оиласининг раъйига қарши чиқиб, ўз билганича иш тутишга қарор қилган К. ни қўллаб-қувватлаганим учун мен ҳам жавобгар эдим. Мен энди қўл қовуштириб ўтира олмасдим. Унга дарҳол моддий ёрдам таклиф қилдим. К. уни рад этди. Унинг феъли шундай эдики, оғайнисининг ёрдамини қабул қилишдан кўра ўз меҳнати билан яшаш осонроқ эди. У менга университетда ўқиётган ҳар бир эркак ўз кунини ўзи кўриши керак, дерди. Мен зиммамдаги масъулиятимни адо этаман деб унинг нафсониятига тегиб қўйганимдан хижолатда эдим. Шу боис уни ўз ҳолига қўйиб, бошқа аралашмадим.

Кўп ўтмай К. ўзига иш топди. Вақтининг қадрига етадиган К. га бу иш қанчалик ёқмаслигини айтмаса ҳам бўлади.

Мен унинг саломатлигидан ташвишлана бошладим. У эса қайсар бўлгани учун фақат кулиб қўяр ва менинг огоҳлантиришларимга эътибор бермасди.

Шу орада унинг тутинган оиласи билан бўлган муносабатлари буткул бузилди, ўта банд бўлгани сабабли у менга илгаригидек ҳаммасини батафсил айтиб беролмади, пировард-натижада нима содир бўлганлигини билолмадим; фақат шунисини билдимки, масалани ҳал этиш тобора қийинлашиб борди. Уларни яраштириш учун кимдир воситачи бўлганидан ҳам хабарим бор. Бу одам К. га ёзган хатида юртига келишини ёзган, аммо К. бунинг барчаси бефойда деб жавоб қайтариб, келмаган. Бу қайсарлик эди: ўқиши тугамагунича қайтмаслигини таъкидлаган; оиласининг нуқтаи назаридан бу ғирт қайсарлик эди. Тутинган оиласини ўзига қарши қўйиб, у ўз оиласининг ҳам қаҳрига дучор бўлди. Мен унинг учун ташвишландим ва иккала тарафни муроасага келтиришга уриндим, уларга хат ёздим, лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. Хатларим жавобсиз қолди. Менинг қаттиқ жаҳлим чиқди. Шу вақтгача К. га хайрихоҳлик билдириб келдим, энди эса тўғрими-нотўғрими бутунлай унинг тарафига ўтдим. Охир-оқибат К. ўз оиласига қайтишга қарор қилди. Бу ҳолда тутинган оиласининг унинг ўқишига қилган сарф-харажатларини К. нинг оиласи қоплаши керак эди. Бунинг ўрнига унинг оиласидагилар, билганини қилсин, бизга барибир, дейишди.

Очиғини айтганда, бу уйдан қувилиш демак эди. У ўз аҳволини шундай тушунди.

К. нинг туққан онаси аллақачон ўлиб кетган эди. Эҳтимол, феъл-атворининг айрим хусусиятлари айнан ўгай она тарбиясининг оқибатидир, – деб ўйлардим мен, – ўзининг оиласи билан муносабатлари бутунлай узилиб кетмади. Отаси руҳоний эди – бу тўғри. Аммо ўз бурчи борасидаги матонати кўпроқ самурайларга ўхшарди.

XXI

К. билан содир бўлган воқеалардан кейин мен поччасидан узун хат олдим. К. бу одам тутинган оиласига қариндош бўлишини, уни ўғил қилиб олишаётганларида ва ундан кейин ўз оиласига келиб турган чоғларида унинг фикри ҳамиша муҳим бўлганини айтган эди.

Хатда ҳозир К. нинг аҳволи қандайлигини хабар қилишим сўралганди. Имкон қадар тезроқ жавоб беришим, опаси ташвишланаётгани ҳам қўшиб қўйилганди. К. бошқа оилага узатиб юборилган опасини руҳоний акасига қараганда кўпроқ яхши кўрарди. Улар ҳаммаси бир онанинг фарзандлари бўлиб, К. билан опасининг ўртасидаги фарқ унча катта эмасди. Шунинг учун болалигида уни ўгай она эмас, балки мана шу опаси тарбиялаган эди. Мен хатни К. га кўрсатдим. У ҳеч нарса демади, фақат ўзи ҳам опасидан икки-уч марта шу каби хатлар олганини айтди. Бундай ҳолларда мен ҳақимда ташвишланманглар, деб жавоб берарди. Бахтга қарши, опасининг ўзида етарлича маблағ йўқ эди ва шу боис укасига қанчалик ачинмасин, моддий ёрдам беролмасди. Мен К. нинг поччасига шу аснода хат ёзиб юбордим. Бирор кор-ҳол содир бўлса, ташвиш қилмасликларини, мен қўлимдан келган барча нарсани қилишимни ёздим. Буни қисман К. нинг опасини бироз тинчлантириш учун, қисман мени ҳам менсимайдиган тутинган ва туғишган оилаларининг нафсониятларига тегиш учун қилгандим.

К. ўзининг исми шарифини қайтариб олганида университетнинг биринчи босқичида ўқирди. Шундан сўнг у деярли бир ярим йилча фақат ўз кучига ишониб юрди. Бироқ

ўта оғир меҳнат унинг саломатлиги ва руҳиятига ёмон таъсир кўрсатарди. Бунга исми шарифини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ҳолат ҳам сабабчи эди. У аста-секин таъсирчан бўла бошлади. Баъзан унга дунёдаги барча бахтсизлик ёлғиз унинг елкасига тушгандек туюларди. Унинг йўлини ёритиб турган ёғду ундан узоқлашиб бораётгандек эди. Ўқий бошлаганингда зиммангда бирор улкан нарса турганини, қандайдир янги йўлга қадам қўяётганингни ҳис этасан, киши. Шундан сўнг бир ёки икки йил ўтгач, ўқиш якунига етаётган бир пайтда, бу йўлдан жуда секин силжиётганини билиб руҳи тушиши – бу одатдаги ҳол. К. ҳам бошқалар каби худди шундай аҳволга тушди, аммо унинг интилиши бошқаларникидан анча кучли эди. Ниҳоят, унинг руҳий оламига фақат бир нарса оро кириши мумкин, деб ўйладим.

Ётиб олиб машқ қилишни ташла, дедим унга. Бир оз дам олиш унинг келажаги учун ҳам фойдали бўлишини уқтирдим. Қайсарлиги тутиб, гапимга қулоқ солмаслигига кўзим етиб турарди, аммо у билан гаплаша бошлаганимда кутганимдан ҳам кўпроқ ҳаракат қилишим кераклигини англадим. У менга илм унинг бош мақсади эмаслигини айтди. У иродасини чиниқтирмоқчи ва кучли инсон бўлмоқчи эканини зўр бериб таъкидларди. Шунинг учун имкон қадар риёзат чекишим керак, деган хулосага келди К. Бундоқ олиб қараганда, у ғалати одам эди. Бундан ташқари, асаблари ҳам анча бўшашганди. Унга самимий ҳамдардлигимни билдиришдан ўзга чорам йўқ эди. Охири мен ҳам шу йўлдан бормоқчи эканимни айтдим (буни мен бекорга айтмагандим. Гапларини тинглаган сари унинг қарашларини чуқурроқ ҳис қила бошладим: унинг сўзларида аллақандай сеҳр бор эди). Менда у билан яшаш ва битта йўлдан бирга қадам ташлаш истаги пайдо бўлди. Хуллас, уни ўз уйимга кўчириб олиб келдим.

XXIII

Хонамнинг ёнида қабулхонага ўхшаш тўрт бўйра келадиган яна бир хона бор эди. У жуда ноқулай эди, чунки даҳлиздан менинг хонамга кириш учун шу хонадан ўтиш керак эди. К. ни шу ерга жойлаштирдим. Аввалига уни ўзим билан ўша саккиз бўйрали хонага жойлаштирмоқчи бўлгандим, лекин унинг ўзи шу хонани танлади, тор бўлса

ҳам ёлғиз туришимга қулай, деди. Сизга айтганимдек, бекач аввалига унга жой беришимга қарши эди. Унинг наздича, бу ер пансион ёки меҳмонхона бўлиб, мақсадим тижорат қилиш бўлганида эди, албатта, биттадан кўра иккита, иккитадан кўра учта мижоз яхшироқ бўларди. Лекин ундай мақсадим бўлмагани сабаб ўзимни тийганим маъқул. Ўртоғимга кўп нарса керакмаслигини важ қилиб кўрсатсам ҳам, у оиласига феъл-атвори номаълум кишини киритишга қарши эди. Мен унга, менга жой берганингизда бундай қилмагандингиз-ку, – дедим хафа бўлиб. Лекин у, сени бир кўришдаёқ қандай одамлигингни тушунганман, деб туриб олди. Мен кинояли кулиб қўйдим. Бу ерга янги одамни олиш сенинг ўзинг учун яхши эмас, деб важ келтира бошлади у. Бунинг сабабини сўраганимда, у жилмайиб қўйди. Сирасини айтганда, К. ни ўз хонамга жойлаштириш менга ҳам зарур эмасди. Мен унга ҳар ой тўғридан-тўғри пул берсам, у олмайди, деб ўйлагандим. Бу борада у жуда мағрур. Шунинг учун уни ўз хонамга жойлаштириб, ундан яширинча ижара пулини иккаламиз учун тўлаб юраман, деган фикрда эдим. Аммо К. нинг моддий аҳволи тўғрисида бекачга бирор нарса дейишни истамасдим. Мен бекач билан К. нинг саломатлиги тўғрисида сўзлашдим. Уни ёлғиз қолдирсам аҳволи ёмонлашади, дедим. Бунга қўшимча қилиб унинг тутинган оиласи билан муносабати ёмонлигини, ўз оиласи билан муносабати бутунлай узилганини, уни ёқтирганим учун ўз хонамдан жой бераётганимни айтдим. Шу мақсадда мен бекач ва унинг қизидан ҳам унга илиқ муносабатда бўлишларини илтимос қилдим. Ниҳоят, мен бекачни кўндирдим. К. нинг ўзи буларнинг барчасидан беҳабар эди. Шундай қилсам яхши бўлади деб ҳисобладим ва кўчиб келганида уни ҳеч нарса бўлмагандек қарши олдим.

Бекач ва қизи унинг нарсаларини саришталаб жойлаштиришди. Менинг ҳурматим учун шундай қилишаётганини билардим ва К. илгаригидек қовоғи солиқ бўлганига қарамай, ичимда хурсанд эдим. К. дан, янги жойда аҳволинг қалай деб сўраганимда, у “бўлади” деб жавоб қайтарди. Шу кунгача яшаб келган уйининг деразаси шимолга қараган бўлиб, ундан моғор ҳиди келарди. Ейдиган овқати ҳам хонасига монанд эди. Менинг уйимга кўчиб келиши – қоронғу ўрадан баланд дарахтга чиқиб олишдек гап эди. Буни ҳеч кимга айтмагани қисман ўжарлигидан, қисман – тарбиясидан. У Будда дини эътиқодида тарбияланган, овқат, кийим-кечак ва яшаш шароитидаги ҳар қандай ҳашаматни салкам гуноҳ деб ҳисобларди. Қадимги Будда издошлари ёки насроний авлиёларининг ҳаёти тўғрисида кўплаб китоблар ўқиган, энди жисмни руҳдан ажратиш илмини амалда синай бошлаган эди. Мен имкон қадар унга қарши

чиқмасликка қарор қилдим. Бу муз эриб, илиқ сувга айланиши билан К. нинг ўзи нима қилаётганини англайди, деб ўйлар эдим.

XXIV

Мен бекачнинг бундай муносабатини сезгандим ва оқибатда руҳий ҳолатим яхшиланганди. Худди шу усулни ўртоғимда ҳам қўлламоқчи бўлдим. К. нинг феъли меникидан кескин фарқ қилишини илгарироқ билиб олгандим, лекин бу ерга кўчиб келганимдан сўнг менинг асабларим тинчлангани каби, уни ҳам кўчириб келсам, кўнгли озми-кўпми таскин топармикан, деб умид қилгандим.

К. менга қараганда саботлироқ эди. Мендан икки баробар кўпроқ машқ қиларди ҳам. Бундан ташқари, у мендан кўра қобилиятлироқ ҳам чиқди. Ўрта мактабда ҳам, Олий мактабда ҳам К. мендан олдинда эди ва у билан ҳеч нимада тенглаша олмайман, деган фикрга келгандим. Аммо уни деярли мажбурлаб уйимга олиб келгач, нарсаларнинг моҳиятини ундан кўра дурустроқ тушунишимга амин бўлдим. Назаримда, у сабр-тоқат ва матонат ўртасидаги фарқни тушунмайдигандек эди. Буни сиз ҳам эсда тутинг. Инсон танаси каби, руҳи ва барча қобилиятлари ташқи кучлар таъсирида ривожланади ва емирилади. Бундан ташқари, кучлар тобора кўпайиб бориши зарур; аммо ўйламай қадам босилса, нотўғри йўлга кириб кетиш хавфи туғилади, буни нафақат одамнинг ўзи, балки бошқалар ҳам сезмай қолади. Шифокорлар, инсон меъдасидан ҳам ўликроқ нарса йўқ, дейдилар. Унга муттасил бўтқа бериб борилса, кейинчалик қаттиқроқ овқатни ҳазм қилиш қобилиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам унга турли овқатлар бериб, машқ қилдириб туришни тавсия қиладилар. Аммо бу – меъда ҳар нарсага кўникади дегани эмас: ташқи таъсир кучи ортиб бориши билан озуқа таъсирига қаршилиги ҳам ортиб боради. Меъда кучи сусайиб қолса, нима бўлишини бир тасаввур қилинг-а. К. мендан анча баланд эди, аммо бунга сира эътибор бермасди. Агар киши ўзини кулфатларга кўниктирса, бора-бора уларни назар-писанд қилмай қолади, деб ишонарди. Ҳар доим изтироблар ичида юриверсанг охири улар безовта қилмай қўяди.

К. билан ҳар суҳбатлашганимда унга шуни тушунтиргим келарди. Лекин у ҳар доим қарши чиқардим. Билардим, у яна тарихий шахслар ҳаётидан мисоллар келтира бошлайди ва унга улар билан орамизда катта фарқ борлигини исботлаб беришим керак бўлади. Бундай ҳолларда у қўрқинчли бўлиб кетарди. У жон-жаҳди билан илгари одимларди. Унинг феълени билганим учун сукут сақлашдан бошқа иложим қолмасди. Бундан ташқари, менинг ўйлашимча, боя айтганимдек, унинг асаблари жойида эмасди. Уни ишонтирган тақдиримда ҳам, у барибир ҳаяжонланган бўларди. У билан баҳслашишдан қўрқмасдим, аммо ёлғизлик нималигини билганим учун, ўз дўстимни бундай аҳволга солгим келмасди. Шу боис у меникига кўчиб ўтганидан кейин бир қанча вақтгача уни безовта қилмадим. Фақат унга атрофдаги олам ва осуда муҳит қандай таъсир кўрсатаётганини кузатиб бордим.

XXV

Аста-секин мен К. дан яширинча бекач ва қизидан иложи борича у билан кўпроқ суҳбатлашишларини сўрадим. Гап шундаки, ичимдагини топлиги унга теккан қарғиш эканига ишончим комил эди. Назаримда, ишлатилмай қўйган темирни занг босгани каби, унинг қалби ҳам хира тортиб қолгандай эди.

Бекач кулиб, у билан қандай муомала қилишни билмаётганини айтди. Қизи эса буни тасдиқлаб, мисол келтирди. Қиз бир куни ундан сўрабди:

- Хибати^[5] да кўмирингиз борми?
- Йўқ, – жавоб берибди К.
- Олиб келайми? – давом этибди қиз.
- Керакмас, – рад этибди К.
- Наҳотки совқотмаётган бўлсангиз?

– Совуқ, лекин кўмир керакмас.

Шу билан гап тугабди. Мен буни эшитиб, маъносил жайиб қўйдим.

Бу ҳол баҳорда содир бўлган, ҳибатида исинишга ҳақиқатдан ҳам зарурат йўқ эди, лекин уларнинг К. билан муомала қилиши қийинлиги тўғрисидаги сўзларида жон бор эди.

Кейинчалик мен имкон қадар иккала аёл ва К. ни ўз атрофимда бирлаштиришга ҳаракат қила бошладим. Гоҳ у билан суҳбат қуриб ўтирганимизда она-болани хонамга таклиф қилардим, гоҳ К. ни бекалар билан йиғиладиган хонага судраб борардим: барча ҳолларда уларни нима қилиб бўлса ҳам яқинлаштиришга ҳаракат қилардим. Албатта К. буларни ёқтирмасди. У бирдан туриб хонадан чиқиб кетган, қанча чақирмай, келмасди.

– Бу беаъни сафсатанинг нимаси қизиқ? – деб сўради у мендан бир кун. Мен кулиб юбордим, аммо дилимда К. мени ёмон кўраётганини англадим. Маълум маънода у мени ёмон кўришга ҳақли ҳам. Унинг нигоҳи олийроқ нарсаларга қаратилган эди. Буни инкор этмайман. Бу нигоҳлар қанчалик олий нарсаларга қаратилган бўлмасин, қолган нарсалар бу билан мувофиқлашмаса, бамисоли қўл-оёқсиз одам бўлади-қолади. Муҳими уни комил инсон даражасига кўтариш керак, деб ҳисоблар эдим. Унинг мияси буюк инсонлар қиёфалари билан қанчалик тўлиб-тошиб кетган бўлмасин, ўзи уларга яқин бориш у ёқда турсин, бит ўлдириш ҳам қўлидан келмас эди. Уни комил инсон даражасига кўтариш учун унинг айниган қонини аёл кишидан тараладиган тароват таъсирида тозалашга уриндим.

Аста-секин бу уринишларим наф келтира бошлади. Дастлаб қўшилиши мураккабдек туюлган унсурлар аста-секин қовушишга киритди. У ўзидан ташқарида ҳам олам мавжудлигини тушуна бошлади. Бир марта ҳатто менга мурожаат қилиб, аёллар унчалик нафратга сазовор эмас экан, деди. Илгари К., аёллар ҳам биз эркаклар билан тенг даражада маълумотли бўлсалар экан деб, талаб қилар, бу хислатларни топа олмагач, уларга нафрати кела бошларди. Шу вақтга қадар у барча аёл ва эркакларга бир хил нигоҳ билан қарар ва жинсга қараб ҳолат ҳам ўзгаришини билмасди. Мен унга, агар биз бир умр фақат бир-биримиз билан алоқа қилганимизда эди, фақат бир тўғри

чизиқ бўйлаб ҳаракатланган бўлардик, дер эдим. У буни маъқулларди. Бу мен маълум даражада бекачнинг қизига қизиқиб қолган кезларимда содир бўлганди, шунинг учун бу сўзлар оғзимдан ўз-ўзидан чиқиб кетганди. Аммо бунинг туб мазмуни ҳақида чурқ этмадим.

К. нинг қалби аста-секин “эриётганини” кузатиш мен учун ҳаммасидан ҳам қувончли эди. Мен аввал-бошданоқ шу мақсадда ишга киришган эдим ва муваффақиятимдан қувонмай туролмасдим. Унинг ўзига бу ҳақда ҳеч нарса демай, фикрларимни бекач ва қизига баён қилдим. Улар ҳам мамнун бўлгандек эдилар.

XXVI

Биз К. билан бир факультетда ўқир эдик, лекин мутахассислигимиз бошқа-бошқа эди. Шунинг учун уйдан ҳар хил вақтда кетиб, ҳар хил вақтда қайтар эдик. Мен ундан илгарироқ қайтган вақтимда ўз хонамга унинг бўш хонаси орқали ўтардим; ундан кейин қайтган вақтимда у билан саломлашиб ўтардим. Доим эшикни очганимда кўзини китобдан узиб, менга қарарди. Шунда, албатта:

– Э-ҳа, бу сенми? – дер эди.

Мен эса ҳеч нарса демасдим, “ҳа, мен” деб хонамга ўтиб кетардим. Бир куни Канадада ишим чиқиб қолиб, уйга одатдагидан кечроқ қайтдим. Тез-тез одимлаб уйнинг ташқари эшигини шарақлатиб очдим. Шу топ қизнинг овози эшитилди. Бу овоз К. нинг хонасидан келганини аниқ эшитдим. Хоналар шундай жойлашган эдики, ўрта хонадан кейин қизнинг хонаси келарди, чапда эса К. нинг хонаси ва ундан кейин менинг хонам жойлашганди. Бу ерда анчадан бери яшаётганим сабабли овоз қаердан келаётганини аниқлашим осон эди. Мен дарҳол ташқари эшикни ёпдим. Қизнинг овози ҳам таққа ўчди. Мен ботинкамни ечгунимча – ўша вақтларда боғичли европача ботинка кийиб юрардим, – ипларини эгилиб ечиб бўлгунимча ҳеч кимнинг овози эшитилмади. Менга бу ғалати туюлди. Лекин одатдагича К. нинг хонасидан ўтиб кетишга шайланиб сурилма эшикни очганимда, улар иккаласи ҳам шу ерда эканини кўрдим. К.

одатдагидек:

– Э-ҳа, бу сенми? – деди.

Қиз ҳам ўрнидан турмай мен билан сўрашди. Бу менинг кайфиятимга таъсир қилдими, ҳар ҳолда уларнинг қисқача сўрашишлари менга эриш туюлди. Мен хонимга мурожаат қилдим:

– Ойингиз қаерда?

Саволимда ҳеч қандай тағмаъно йўқ эди. Уй одатдагидан жимжитроқ бўлгани учун бемалол сўрагандим. Бекач уйда йўқ, хизматкор аёл билан бир ёққа кетган экан. Натижада бутун бошли уйда К. билан бекачнинг қизи қолган экан. Мен ўйланиб қолдим: бу уйда анчадан бери яшайман. Лекин бекач мени ҳеч қизи билан ёлғиз қолдирмаган. Мен яна хонимдан сўрадим:

– Бирор муҳим ишлар чиқиб қолдими?

У жавоб бериш ўрнига кулиб юборди. Бўлар-бўлмасга кулаверадиган аёлларни ёқтирмас эдим. Бу одат балки барча ёш қизларга хосдир, буёғини билмайман, аммо бекачнинг қизи кўпинча бекордан-бекорга кулаверарди. Аммо менинг юзимни кўриб, у ҳам жиддий тус олди ва деди:

– Йўқ, арзигулик ҳеч нарса эмас, шундай, бир юмуш билан кетди.

Ижарачи сифатида бундан ортиқ гап сўрашга ҳаққим йўқ эди. Бинобарин, индамай қўяқолдим. Кийимимни алмаштиришга улгурмасимдан, хизматкор аёл билан бекач қайтиб келишди. Кечки овқатга тўпланадиган вақт ҳам бўлди. Мен уларникига кўчиб келган кезларимда менга бегонадек муомала қилишарди: овқатни хизматкор аёл хонамга олиб кирарди. Лекин вақт ўтиб мени ўзлари билан овқатлангани таклиф қиладиган бўлдилар. К. бизникига кўчиб келганда, менинг илтимосим билан унга ҳам мен каби муомала қила бошладилар. Бунга миннатдорчилик сифатида мен бекачга оёқлари йиғиладиган, юпқа тахталардан ясалган хонтахтача совға қилдим. Ҳозир бундай хонтахтачаларни ҳар бир уйда учратиш мумкин, лекин у вақтларда бутун оила бир дастурхон атрофида жам бўлиб овқатланмасди. Мен Тяноидзу кўприги ёнидаги

Ёғоч жиҳозлар дўконига атайин бориб, ўз дидимга мослаб хонтахтача буюртирдим. Уйда ўтириб, мен бекачдан бугун озиқ-овқат харид қилиш учун шаҳарга ўзи бориши кераклигини эшитдим, чунки балиқчи бугун ўз вақтида келмаган эди. Бу – уйида ижарачилари бўлган бекач учун табиий ҳол, деб ўйладим.

XXVI

Орадан бир ҳафтача ўтди, мен яна К. билан қиз ўтирган хонадан ўтишимга тўғри келди. Қиз менга кўзи тушиши билан яна кулиб юборди. Мен, бунинг нимаси кулгили экан, деб сўрашим керак эди, аммо индамай хонамга ўтиб кетдим. Бу орада К. ҳам ҳар галгидек “Э-ҳа, бу сенми?” демади, хоним шу заҳоти тўсиқни суриб, ўрта хонага ўтиб кетди.

Кечки овқат вақтида у мени “ғалати одам”, деб атади. Бу сафар ҳам менинг ғалатилигим нимадан иборат, деб сўрамадим. Мен фақат онаси қизига ўқрайиб қараб қўйганини кўриб қолдим.

Кечки овқатдан сўнг мен К. билан сайр қилгани кетдим. Биз бутун ботаника боғини айланиб, Томидзака қиялигига чиқдик. Сайр учун бу анчагина узоқ йўл эди, шунга қарамай, биз жуда кам гаплашардик. К. менга нисбатан камгапроқ эди. Мен ўзим ҳам сергаплардан эмасдим. Шунга қарамай, сайр давомида иложи борица уни суҳбатга тортишга ҳаракат қилдим. Менинг саволларим асосан биз яшаётган оилага тегишли эди. Мен унинг бекач ва қизига бўлган муносабатини билишни истардим. Аммо К. мужмал жавоб берди. Жавоблари ноаниқ бўлиши баробарида жуда қисқа ҳам эди. Унинг диққатини гўё бу икки аёл эмас, ўқув қуроллари тортаётгандек эди. Бу воқеа иккинчи курс имтиҳонлари арафасида содир бўлиб, у ҳақиқий талаба бўлиб кўринишга уринар эди. Бундан ташқари, Сведенборг тўғрисида ҳеч нарса билмайдиган мендай одамга у тўғрида гапириб бериб, мени ҳайратга соларди.

Биз имтиҳонларни муваффақият билан топшириб бўлганимиздан кейин, бекач, ўқишимизнинг атиги бир йили қолди деб, хурсанд бўлди. Яқин орада қизи ҳам ўқув

курсини тамомлаши керак бўлиб, бу унинг ягона фахри эди. К. менга, қизлар мактабни тугатса ҳам ҳеч нарсани билишмайди, деган эди. У чамаси қиз бола мактабдан ташқари бичиш-тикиш, мусиқа чалиш, гулларни парваришлашни ҳам ўрганишини ҳисобга олмас эди. Мен унинг соддалигидан кулдим-да, аёлнинг қиймати бунда эмаслиги тўғрисидаги ҳақиқатни яна бир бор эслатиб қўйдим. У менга эътироз билдирмади. Лекин фикримга қўшилмади ҳам, назаримда. Менга бу маъқул бўлди. Унинг гап оҳангида илгаригидек аёлларга нисбатан нафрат бор эди. У чамаси аёлларни – мен назарда тутган қизни бир чақага ҳам олмасди. Ҳозир шуларни эсласам, унда аёлларга нисбатан рашк қанчалар илдиз отиб кетганини кўраман.

Ёзги таътиллار бошланди, у билан бирор ёққа дам олгани борсакмикан, деб кўнглига қўл солиб кўрдим. У менга ҳеч қаерга боришни истамаслигини айтди. Албатта, у ҳозирги маблағига ҳеч қаерга бора олмасди, лекин истаган жойига боришга ҳеч нарса тўсқинлик қилмасди, чунки мен уни ўзим бирга олиб кетмоқчи эдим. Мен ундан нима сабабдан истамаслигини сўрадим, у ҳеч қандай сабаб йўқлигини, шунчаки уйда қолиб, китоб мутолаа қилиш маъқулроқ эканини айтди. Аммо иссиқ кунда бирор далаҳовлидами, салқиндами ишлаш соғлиқ учун фойдали деганимда, у менга ёлғиз кетаверишни маслаҳат берди. Бироқ уни уйда ёлғиз ташлаб ҳам кетолмасдим. Менга ҳатто К. ва уй эгаларининг ўзаро яқинлашиб бораётганини кўриш ҳам ёқмасди. Барчаси илгари ўзим режа қилгандек бораётгани ҳам бора-бора ғашимга тега бошлади. Албатта, менинг бу фикрим ғирт аҳмоқона эди. Охири натижасиз баҳсларимизга бекач аралашгач, биз бирга Босюга боришга қарор қилдик.

XXVIII

К. нинг бошидан ҳали унчалик кўп воқеа кечмаган эди. Мен ҳам Босюда биринчи марта бўлишим эди. Бу жойлар тўғрисида ҳеч нарса билмай, йўл охирида кемадан тушдик. Чамаси, бу Хота қишлоғи эди. Ҳозир у ерлар ўзгарганми-йўқми, билмайман, аммо ўша кезларда бу ҳақиқий балиқчилар қишлоғи эди. Авваламбор ҳамма ёқда балиқ иси анқиб турарди. Қолаверса, денгизга киришинг билан тўлқинлар одамни бир зарб билан

қулатади-да, кўл-оёғингни шилиб оласан. Ўрнингдан туришинг билан шиддаткор тўлқинлар яна судраб кетади.

Менга бу нарса ёқмади. Бироқ К. бу борада лом-мим демади. Ҳар ҳолда юз ифодаси сира ўзгармасди. Ҳар гал сувга кирганида бирор жойи лат ерди. Ниҳоят уни Токиурага боришга кўндирдим. Токиурадан Нагога ўтиб кетдик. Илгари бу соҳилларда асосан талабалар дам оларди; бу ерда чўмилишга қулай жойлар кўп эди. Кўпинча биз К. билан харсанг тошлар устида ўтириб, сувнинг ранги ва денгиз тубини томоша қилардик. Қоя тепасидан қараганда сув, айниқса, чиройли кўринади. Шаффоф тўлқинлар орасида сузиб юрувчи шаҳар бозорларида учрамайдиган майда балиқчаларни кўриб, олам-жаҳон завқланардик.

Шунда ўтириб олиб кўпинча китоб варақлардим. К. эса ҳеч нарса қилмасдан жим ўтирарди. Хаёлга чўмганими, ёки шунчаки сувни томоша қиляптими, ё бўлмаса хаёлида ўзи истаган суратни чизчптими, буни билмасдим. Баъзан унга қараб нима қиляпсан, деб сўрардим. У қисқа қилиб:

– Ҳеч нарса, – деб жавоб қайтарарди.

Шундай пайтлар миямга, ҳозир ёнимда ўтирган киши К. эмас, бекачнинг қизи бўлиб қолса, қандай яхши бўларди, деган фикр келарди. Бу ҳам майли-я, К. ҳам қояда шундай нарсаларни ўйлаб ўтирмаганмикан, деган шубҳа пайдо бўларди дилимда. Бундай ҳолларда китобни очиб ўтириш истаги йўқолар, ўрнимдан сапчиб туриб, овозим борица бақира бошлардим. Мен хитой дostonлари ёки япон ашулаларини маромига етказиб айтишни билмасдим, фақат ёввойи одамларга ўхшаб қичқирардим. Бир куни мен кутилмаганда К. нинг ёқасидан тутиб:

– Сени денгизга итариб юборайми? – дедим.

К. менга орқа ўгириб:

– Яхши бўларди! Илтимос, итариб юбор, – деди.

Мен унинг ёқасидан қўлимни бўшатдим. К. нинг асаблари жойига кела бошлади. Бунга қарама-қарши тарзда энди менинг асабларим таранглаша бошлади. К. мендан кўра

хотиржамроқ эканини кўриб, унга ҳавасим келар, иккинчи томондан, бу менга ёқмасди. У мени назарига илмаетгандек эди. Менга бу кибрдек туюлди. Шубҳаларим бу кибр сабабини очиб ташлашга ундарди. Балки унда ўзини келажакка етаклаб боровчи ёруғликка интилиш истаги пайдо бўлгандир. Агар гап фақат шунда бўлганида эди, ўртамизда тўқнашув содир бўлмасди. Аксинча, унинг учун ҳам чекиб қилган ҳаракатларим натижа берди, деб хурсанд бўлган бўлардим. Аммо унинг хотиржамлиги ўша қиз сабабли бўлса-чи? Буни асло кечира олмайман. Қанчалик ғалати туюлмасин, у менинг бекач қизига бўлган муҳаббатимни сезмасди. Табиийки, мен ҳам буни атайин сездирадиган ҳаракатлар қилмасдим. У ўз табиатига кўра зийрак эмасди. Бу жиҳатдан мен хотиржам бўлганим учун ҳам уни уйимга кўчириб келгандим. Бу борада К. дан хавфсирамаса ҳам бўлади, деб ҳисоблардим мен.

XXXI

Ўша вақтларда мен доим “инсонга ўхшаган бўлиш” деган сўзларни тилга кўп олардим. К. менга, бу сўзлар орқали ўз нуқсонларингни яширишга ҳаракат қилаяпсан, дерди. Кейинчалик ўйлаб кўрсам, К. ҳақ экан. Лекин ўша вақтда бундай деб ўйлашга фурсат ҳам йўқ эди, чунки мен бу сўзларни К. га ўз фикримни баён этиш учун тилга олардим, умуман мен унга муҳолиф муносабатда эдим. Боз устига, мен ўз эътиқодимда қатъий туриб олгандим. Шунда К. мenden, ўзида “инсонга ўхшамайдиган” нимани кўраётганимни сўради. Мен унга:

– Сен ўзинг инсонга ўхшайсан; ҳатто ўта инсонийсан ҳам. Аммо тилингдан инсонга хос бўлмаган сўзлар чиқади; шунда ҳаракатларинг ҳам инсонникига ўхшамай қолади, – деб жавоб бердим.

Менинг сўзларимга К. фақат: “Мен ўз устимда кўнгилдагидек ишлаёлмайман, шунинг учун одамларга шундай кўринади”, – деди ва гапимни инкор этишни истамади. Мен охири берк кўчага кириб қолганимдан кўра кўпроқ унга раҳмим келди. Шу заҳоти баҳсни тўхтатдим. Унинг гап оҳанги ҳам тобора ўз хаёлларига чўмиб бораётганидан

дарак берарди. Мунгли овозда у, қадимги одамларни билмаганимда эди, сенга бунчалик ҳамла қилмасдим, деди. К. гапираётган қадимги одамлар, албатта, қаҳрамон ҳам, машҳур кишилар ҳам бўлишмаган.

Шу билан иккимиз гапимизни тугатиб, ухлашга ётдик.

Эртасига терга ботиб, яна саёқ савдогарлар каби оёғимизни судраб юришда давом этдик. Бироқ йўл бўйи кечаги суҳбатимиз қулоғимдан кетмади. Афсус-надоматдан юрагим тилка-пора бўлмоқда эди: киноя билан сўзламасам бўларкан дердим. “Инсонга ўхшаган бўлиш” каби умумий сўзларни ишлатиш ўрнига, унга ҳаммасини очиқ-ойдин гапиришим керак эди. Тўғриси айтганда, мен кашф қилган бу сўзларнинг асил моҳиятини бекачнинг қизига бўлган муносабатим ташкил этарди, шунинг учун унинг қулоқларини қуруқ сафсата билан банд қилиш ўрнига бутун моҳиятни очиқ баён этиш ўзим учун манфаатлироқ бўларди. Ҳозир тан оламан, ўша вақтда бирга ўқишимиз асосида пайдо бўлган дўстлигимиз маълум инерцияга эга эди. Мана шу инерцияни бир зарб билан тўхтатиб қўйишга иродам етмади. Буни ўта такаббурлик ёки манманлик деб аташ мумкин – униси ҳам, буниси ҳам тўғри; лекин “такаббурлик” ва “манманлик” сўзларига мен айрича маъно бераман. Буни тўғри англасангиз, мамнун бўлардим.

Қуёшдан батамом қорайиб, Токиога қайтдик. Қайтганимизда кайфиятим бутунлай ўзгарди. “Инсонга ўхшаган бўлиш” ёки “инсонга ўхшамаган бўлиш” каби софизмлар миямдан бутунлай чиқиб кетди. К. ҳам ўз навбатида ваъзхонга ўхшамай қолди. Ўйлайманки, шу вақтда унинг миясида “Рух” ёки “тана” каби тушунчалар ўрин олмаганди. Қишлоқ йигитлари каби биз шаҳарга аланглаб қарардик, у бизга жуда банд бўлиб кўринарди. Рёгокугача етиб келиб, жазирама бўлишига қарамай, қовурилган товуқ тановул қилдик. Шундан кейин К. Коисикавагача яёв боришни таклиф қилди. Мен К. унга нисбатан жисмонан бақувват эдим ва шу боис дарҳол рози бўлдим.

Уйга етиб келганимизда, бекач бизни кўриб, қўрқиб кетди. Иккаламиз ҳам қорайиб, жадал юрганимиздан озиб ҳам кетган эдик. Лекин бекач тетикроқ кўринишимизни айтиб, бизни мақтаб қўйди. Қизга онасининг бундай бир-бирига зид сўзлари қизиқ туюлиб кулиб юборди. Саёхатга жўнашимиздан аввал унинг бундай кулиши менинг ғашимга тегарди, аммо бу сафар ёқимли чиқди. Балки уни анчадан бери эшитмаганим учундир...

XXXII

Фақат бугина эмас – мен қизда қандайдир бир ўзгариш содир бўлганини сездим. Узоқ сафардан қайтгач, биз иккимиз ҳам – одатий ҳаётга киришгунимизча – ҳамма нарсада аёлларнинг кўмагига муҳтож эдик. Бекач бизнинг ташвишимизни қилаётганига ажабланмаса бўларди; аммо қизи ҳам унга кўмаклашар, ҳамма нарсани олдин менга, кейин К. га айтарди. Буни очиқ айтганда балки мени хижолатга қўйган бўларди. Ўйлайманки, бу баъзи ҳолларда ҳатто ёқмаган бўлса ҳам керак. Лекин бу борада қизнинг ҳаракатлари қатъийлиги мени қувонтирар эди. Қиз менга бўлган муносабатини шундай намоён қилардики, бу фақат менгагина аён эди. Шу туфайли К. ўз норозилигини намоён этолмасди, хотиржам эди. Ичимда ғалаба нашидасини сурардим.

Кўп ўтмай ёз тугаб, биз яна университетга ўқишга қатнай бошладик. К. билан кетиш ва келиш вақтларимиз ҳар хил бўлиб, ҳар биримизнинг, алоҳида дарс жадвалимиз бор эди. Ҳафтада уч марта мен уйга К. дан кейин қайтардим, аммо хонасида энди ҳеч қачон қизни кўрмасдим. У менга ҳар галгидек қараб қўйиб, бир зайлда:

– Э-ҳа, бу сенми? – деб қўярди.

Менинг жавобим ҳам шунга ўхшаш эди.

Октябрнинг ўрталари эди, чамаси. Эрталаб ухлаб қолиб, ўқиш либосимни кийишга улгурмай, дарсга кимонода боришимга тўғри келди. Хатто ботинкамнинг ипини боғлашга ҳам фурсатим қолмай, оёғимга гэтани илдимучи чиқиб кетдим. Шу кунги дарс жадвали бўйича мен уйга К. дан илгари етиб келишим керак эди. Уйга қайтиб, эшикни шарақлатиб очдим. Кутганимдек, уйда ҳеч ким бўлмаслиги керак эди. К. нинг хонасидан унинг овози қулоғимга чалинди. Шу билан бирга қизнинг кулгани ҳам эшитилди. Менга одатдагидек пойафзалимни апил-тапил ечдим-да, тез даҳлизга кириб, тўсиқни сурдим ва К. нинг хонасига кўз югуртирдим. У одатдагидек ўз столи олдида ўтирарди. Бироқ қиз бу ерда йўқ эди. Унинг хонасидан қизнинг чиқиб

кетаётганини кўриб қоларман деб ўйлагандим. Мен К. дан нимага бунча эрта қайтганини сўрадим. У ўзини ёмон ҳис қилганидан маърузаларни ташлаб келганини айтди. Хонамга кириб ўтирганимдан сўнг қиз чой олиб кирди. Бу сафар у менга салом берди. Қиз айвондан ўз хонасига қараб кетди. Лекин К. нинг хонаси тўғрисида тўхтаб, у билан бир неча оғиз гаплашди. Бу олдинги суҳбатнинг давомига ўхшар, суҳбатнинг бошини эшитмаганим учун менга тушунарсиз эди. Шундан сўнг қизнинг хатти-ҳаракатлари яна изга тушди. Ҳатто К. билан бирга уйда бўлган вақтларимизда ҳам у кўпинча айвондан юриб келиб, К. нинг хонаси ёнида тўхтар ва уни чақирарди. Баъзан ичкарига кирар ва у ерда узоқ қолиб кетарди. Унга рўзнома, кирхонадан ювилган кийимларини олиб келарди. Бир уйда яшовчи одамлар учун бундай ишлар табиий ҳол эди; аммо қизга бир ўзим эгалик қилишни истаганим учун бунинг барчаси менга ғайритабиий туюларди. Баъзан у менинг хонамни атайлаб четлаб ўтиб, фақат К. нинг хонасига кираётгандек бўларди. Нега К. дан бу уйни тарк этишни талаб қилмагансиз деб сўрарсиз? Шундай қилганимда уни бу ерга қарийб зўрлаб олиб келганимдаги мақсадга эришмаган бўлардим. Мен бундай қила олмасдим.

XXXIII

Бу воқеа ноябрнинг ёмғирли, совуқ кунларидан бирида бўлди. Ивиб кетган пальтода ҳар галгидек, тепаликка кўтарилиб, уйимга етиб келдим. К. нинг хонасида ҳеч ким йўқ эди, лекин унинг хибатисида ҳали кўмир чўғлари яллиғланиб турарди. Мен чўғда қўлларимни иситиб олмоқчи бўлдим ва шошилиб хонам эшигини очдим. Лекин менинг хибатимда совиб қолган кулдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Ўзимни ғалати ҳис этдим. Қадам товушларимни эшитган бекач кириб келди. Хона ўртасида индамай турганимни кўриб, эгнимдаги пальтомни ечди ва кимонони кийишимга кўмаклашди. Совқотаётганимни билиб, К. нинг хибатисидан лахча чўғ олиб кирди. Мен ундан:

– К. қайтиб келдими? – деб сўрадим.

– Қайтиб келиб, яна чиқиб кетди, – жавоб берди бекач. Бу кунги дарс жадвали бўйича

К. мендан кейин келиши керак эди.

“Сабаби нимада экан?” – ўйладим ўзимча. Бекач эса:

– Балки иши чиқиб қолган бўлса керак, – деди.

Хонамда бир муддат китоб ўқиб ўтирдим. Уй сув қуйгандек жим-жит эди. Мен совқотганимдан қишнинг яқинлашиб келаётганини хис қилдим. Китобни ёпиб, ўрнимдан турдим. Бирдан шовқин-суронли кўчага чиққим келди. Ёмғир тинган, аммо осмон қўрғошиндек қора эди. Ҳар эҳтимолга қарши елкамга ёмғирпўшни илиб, тўпхона ортидаги пастликка тушдим. Бу кўчалар ҳали қайта қурилмаган эди. Водийга тушишда жанубий қисмни баланд бинолар бутунлай тўсиб қўйган ва оқава ариқлар ташландиқ аҳволда, кўча чилп-чилп лой эди. Айниқса Янаги-тё кўчасига чиқишдаги энсиз тош кўприк жуда сирпанчиқ эди. У ердан ҳатто баланд гэтада ёки этикда ўтиш ҳам қийин эди. Унинг эни бир-икки фут^[6] дан ортиқ эмас ва ундан юриш жуда қийин эди. Йўловчилар бу йўлакдан турнақатор бўлиб юрардилар.

Шу тор йўлкада мен К. га тўқнаш келдим. Лой йўлдан кўзимни олмай кетаётганим учун у билан юзма-юз тўқнашмагунимча уни кўрмадим. Йўлимни кимдир тўсаётганини сезиб, кўзимни кўтардим ва шундагина уни кўрдим.

– Қаердан келяпсан? – сўрадим ундан.

– Ишларим бор эди, – деб жавоб берди у. Унинг жавоби одатдаги оҳангда эди. Биз К. билан шу тор йўлкада ажралдик. Шунда унинг орқасида бир ёш қиз пайдо бўлди. Узоқни яхши кўра олмаганим туфайли уни дарҳол таний олмадим, К. ни ўтказиб юборганимдан кейингина бу қизнинг юзига қарадим – бу бекачимизнинг қизи эди. Мен бундан бир оз таажжубландим. Қиз ҳам сал қизариб мен билан саломлашди. Ўша вақтларда қизларнинг соч турмаги ҳозиргидек эмас, олдида осилиб турмасди, бошининг ўртасида эса сочлар илон каби турмаклаб қўйиларди. Мен ҳайрат ичида қизнинг бошига термулиб турар эканман, бирдан иккимиздан биримиз йўл беришимиз кераклиги эсимга тушди. Мен бир оёғимни шартта лойга босиб, қизга йўл бердим. Шундан кейин мен Янаги-тёга чиқдим ва энди қаерга боришимни билмай туриб қолдим. Шундай кайфиятда эдимки, мен учун ҳеч нарсанинг қизиғи қолмаган. Йўлга

қарамай ҳар томонга лой сачратиб кетавердим. Кейин шартта уй томонга бурилдим.

XXXIV

К. дан бекачнинг қизи билан бирга борганмидинг, деб сўрадим. У “йўқ” деб жавоб берди. Қиз билан Масаго-тё кўчасида тасодифан учрашиб қолганини ва уйга бирга қайтишганини айтди. Мен ортиқ савол бермаслигим керак эди. Бироқ овқат пайтида буни қизнинг ўзидан ҳам сўраб кўрдим. Бунга жавобан у менга ёқмайдиган қаҳ-қаҳаси билан уйни бузиб юборди ва ниҳоят, унинг қаерга борганини ўзинг топ-чи, деб таклиф қилди. Ўзи бўларим бўлиб тургани етмай, қизнинг бундай бетакаллуфлиги ўлганнинг устига тепгандай бўлди. Стол атрофида ўтирганлар ичидан буни фақат бекач сизди. К. хотиржам эди. Қизга келсак, у буни атайлабми ёки соддалигидан қилаётибдими, билиб бўлмасди. Бекачнинг қизи ёшларга хос бўлмаган даражада фаҳмли, аммо унда барча ёш қизларга хос бўлган, мен ёқтирмайдиган хислатлар ҳам бор эди. Бу ёқимсиз хислатлар К. бизникига кўчиб келган пайтларда биринчи марта кўзга ташланганди. Буни К. га нисбатан рашк деб билиш керакми ёки қизнинг менга нисбатан алоҳида муносабати деб қараш керакми – буни аниқлаш қийин эди. Ҳозир ҳам К. дан рашк қилаётганимни яшироқчи эмасман. Мен, илгари ҳам бир неча марта таъкидлаганимдек, севгим ортида айнан шу ҳиссиёт туришини жуда яхши англадим. Арзимаган нарсадан ҳам бу ҳиссиётим жунбушга келишини кўриш мумкин эди. Бу бўлмағур нарсамиди? Ёки рашк – севгининг иккинчи палласимикан? Уйланганимдан кейин бу ҳиссиёт аста-секин сўниб бораётганини сездим, муҳаббат эса ўзининг дастлабки кучига ҳечам эриша олмасди.

Менда бир фикр туғилди: қалбимни бошқа бир аёлга очсаммикан? Бекачнинг қизига эмас унинг ўзига! У билан қизини менга бериши ҳақида очиқчасига гаплашиб кўрсаммикан, деб ўйладим. Аммо гаплашиб кўришни кунда ортга суравердим. Мен иродасиз бўлиб кўринишим мумкин. Бу тўғри, аммо олға юришга ноқобиллигим иродамининг заифлигидан эмас-да. Ҳали К. биз билан бўлмаган вақтда, бировнинг гарданига ўтириш мен учун ноқулай эди ва бу ҳиссиёт ҳар қадамда тўсқинлик

қиларди. К. бизникига кўчиб келгач, қизнинг хаёли унда бўлса-чи, деган шубҳадан бошим чиқмай қолди. Агар унинг қалбидан К. жой олган бўлса, ўз муҳаббатимдан оғиз очишга на ҳожат? – деган қарорга келдим. Мен шарманда бўлиб қолишдан қўрқмасдим. Мен ҳар қанча яхши кўрмай, севгилимнинг кўнгли бошқада бўлса, бундай аёл билан ҳеч қачон қовуша олмаган бўлардим. Дунёда шундай одамлар борки, ўзлари севган аёлларига эришганларидан қаноат ҳосил қиладилар; бу аёлнинг унда кўнгли борми, йўқми – унга барибир. Лекин булар ўзга давр одамлари ёки севги нималигини билмайдиган ношудлардир. Ўша вақтда шундай ўйлардим. Мен, одам уйлангандан кейин ҳаммаси изга тушиб кетади, деган фалсафага ҳаргиз қўшилмайман. Бир сўз билан айтганда, севги бобида баландпарвоз хаёлларга берилган назариётчи ва шу билан бирга синчков амалиётчи ҳам эдим.

Узоқ йиллар давомида бирга яшаш даврида менда қизга барини айтиб бериш истаги бир неча бор пайдо бўлган, аммо мен буни атайин қилмаган эдим. Менда бундай қилиш ножоизлиги тўғрисидаги оддий японча қарашлар кучли эди. Лекин мени тўхтатиб турадиган бугина эмасди. Мен, япон аёлининг, айниқса ёш япон қизининг кўнглидагини очик айтишга юраги дов бермаслигини олдиндан билардим.

XXXV

Шу сабабларга кўра мен на у томонга на бу томонга ҳам ҳаракат қилаоладиган ногиронга ўхшардим. Шундай ҳоллар бўладики, бемор ётган жойида ҳамма нарсани кўра олади-ю, аммо тана аъзоларини ирода қилолмайди. Баъзан ўзимни ана шундай ҳис қилардим.

Бу орада эски йил тугаб, янгиси бошланди. Бир кун бекач К. га ўртоқларидан бирортасини шеърий қарта ўйнашга чақиришни таклиф этди. К., менинг ҳеч қандай ўртоқ-пўртоғим йўқ, деди. К. нинг ҳақиқатан ҳам биронта чин ўртоғи йўқ эди. Кўча-кўйда саломлашиб юрадиган бир-иккита танишлари бор, лекин уларни ҳеч қачон қарта ўйнашга чақирмаган. Шунда бекач мендан илтимос қилди. Афсуски, бундай эрмакка

менинг ҳам унчалик хоҳишим йўқ эди, шунинг учун тайинли жавоб айтмадим. Бироқ кеч кирганида бекач ва қизи мен билан К. ни ўз хоналарига қўярда-қўймай олиб чиқиб кетишди. Уй жим-жит, чунки меҳмон йўқ, фақат уйдагиларгина йиғилгандик. Бундай ўйинларга ўрганмаган К. қўлсиз одам мисоли эди. Мен ундан, ўйиннинг барча юзта шеърини ёддан биласанми, деб сўрадим. К. унчалик яхши билмаслигини айтди. Саволимни эшитган қиз, мени К. ни ёмон кўрганидан шундай деяпти деб ўйлади, чамаси. У К. га очиқ-ошкора ёрдам қила бошлагани яққол кўзга ташланди. Аслида улар иккаласи менга қарши ўйнамоқда эди. Мен рақибларим билан уриша бошладим. Бахтимга К. нинг хатти-ҳаракатлари ҳечам ўзгармади. Орадан икки-уч кун ўтгач, она-бола Итигаяга қариндошлариникига кетишди. К. билан менинг дарсларим ҳали бошланмаганди ва биз уйда ёлғиз қолдик. Менинг китоб ўқигим ҳам, айланиб келгим ҳам келмасди, шу боис хибати ёнида иягимни қўлимга тираб, қимир этмай ўтирардим. Ён хонадаги К. нинг ҳам овози чиқмасди. Уй шунчалик жимжит эдики, гўё ҳеч ким йўқдек. Бу иккаламиз учун одатий ҳол бўлганидан ортиқ эътибор бермадим.

Эрталабки соат ўнларга яқин К. бирдан тўсиқни очиб, рўпарамда пайдо бўлди. Остонада туриб, нималарни ўйлаяпсан, деб сўради. Мен ўша пайтда ҳеч нимани ўйламаётгандим. Ўйласам ҳам, фақат бекачнинг қизи ҳақида ўйлардим. Унга энди онаси ҳам келиб қўшилди; кейинги пайтларда бу масала янаям чигаллашиб кетди, чунки миямнинг бир четида мен ҳечам қутула олмаётган К. ҳам бор эди. К. билан юзма-юз туриб, йўлимда ғов бўлиб турибсан, шуни ўйлаяпман деб очиқ айтолмасдим, албатта. Унга илгаригидек жим қараб туравердим. Шунда у хонамга кириб, мен исиниб ўтирган хибати олдига келиб чўкди. Мен дарров хибатининг четидан тирсагимни олиб, К. томонга суриб қўйдим.

К. ғалати оҳангда бекач билан қизи қаерга кетишганини сўради. Мен холасиникига кетишган бўлса керак, деб жавоб қайтардим. Шунда у: “Холаси ким?” деди. Шунда у ҳам ҳарбий кишига турмушга чиққанини айтдим. “Аёллар одатда ўн бешинчи санадан кейин янги йил совғалари билан юришади, булар нимага эрта кетишди?” – деб сўради яна К. Мен – “Билмайман”, – деб қўя қолдим, холос.

К. бекач ва қизи тўғрисидаги суҳбатини ҳеч тугатай демасди. Охири мен ҳам унга жавоб бериб бўлмайдиган саволлар билан мурожаат қила бошладим. Ўзимча саросимадан кўра кўпроқ таажжубни ҳис қилардим. Шунга қадар у билан ҳар сафар бу аёллар тўғрисида гаплашганимда, унинг оҳанги ўзгараётганини сезардим. Ниҳоят ундан сўрадим:

– Нима сабабдан айнан бугун улар ҳақида гапираётибсан?

Шунда у бирдан жим бўлиб қолди. Лекин мен унинг лаблари сезилар-сезилмас титраётганини кўрдим. К. табиатан камгап эди. Ҳар сафар бирор нима демоқчи бўлганида лабларининг атрофи титрай бошларди. Гўё лаблари қийинчилик билан очилаётгандек; шунинг учун сўзларида ҳам қандайдир маъно яшириниб ётгандай бўларди. Унинг лабларига қараб, ҳозир ундан нимадир чиқишини ҳис этдим. Лаблари нимага шайланаётганини билиб бўлмасди. Менинг ҳайратдан лол қолишим сабаби шунда эди. Унинг бу қадар жиддий лабларини кўринг-у, бекачнинг қизига қай аҳволда муҳаббат изҳор этишини, ва мен буни қандай тинглаётганимни бир тасаввур қилинг. Гўё у мени сеҳрли таёқча билан қотириб қўйгандай эди. Мен ҳатто лабларимни ҳам қимирлата олмадим. Шу туришимда даҳшатли ҳайкалгами ёки изтиробли ҳайкалгами ўхшардим, нима бўлганда ҳам, ҳайкал бўлиб қолгандим. Бошимдан товонимгача тош ёки темирдан ясалгандек эдим. Ҳатто нафас ҳам ололмаётгандим. Бахтимга бу ҳол узоқ давом этмади. Бир зумдан сўнг мен ўзимни яна одам деб ҳис қила бошладим ва ичимда: “Барчаси тугади! Вақтни қўлдан бой бердим”, деб ўйладим.

Бундан буён нима қилишим кераклигини умуман тасаввур қилолмаётгандим. Ҳатто ўрнимдан туришга ҳам мажолим йўқ эди. Тош қотиб ўтирарканман, қўлтиғимдан ёқимсиз тер оқиб тушиб, қўйлагимни хўл қилаётганини ҳис этдим. К. ҳамон сўзларди. Унинг сўзлари менга оғир ботгани юзимдан кўриниб тургандир ҳам. Буни ҳатто К. ҳам сезган бўлиши керак, лекин у ўзи билан ўзи овора бўлиб, менга эътибор бермаётганди. Унинг бутун суҳбати бир хил оҳангда кечарди. Қалбимнинг ярми уни тингласа, ярми нима қилиш керак? – деган саволга жавоб изларди. Мен тафсилотларни деярли эшитмаётгандим, фақат унинг оғзидан чиқаётган товушлар қалбимни ларзага солмоқда эди. Бунинг оқибатида мен нафақат изтироб чекардим, ҳатто вақти-вақти

билан даҳшатга ҳам тушардим. Менда ўзимдан кучлироқ бўлган рақибим олдида ўзига хос қўрқув пайдо бўлди. К. гапиришдан тўхтатгудек бўлса мен бир оғиз ҳам сўз айтолмасдим. Ушбу дақиқаларда ўзим учун нима яхшироқ экани тўғрисида умуман ўйламаётгандим: мен унга ҳам қалбимни очсаммикан ёки барчасини сирлигича қолдирсаммикан, дердим. Бир нарса дейишга мажолим қолмаган, боз устига, ўзи гаплашгим келмаётганди.

Тушлик вақтида биз бир-биримизга қарама-қарши ўтирдик. Бизга оқсоч хотин хизмат қиларди. Мен бу сафар бемаза бўлса ҳам, сузилган овқатни паққос урдим. Овқатланиш асносида бир-биримиз билан деярли гаплашмадик. Бекач билан қизи қачон қайтиши ҳам бизга номаълум эди.

XXXVII

Биз хоналаримизга тарқаб кетдик ва бошқа кўришмадик. К. нинг хонасидан эрталабгидек сас-садо эшитилмаётганди. Мен ҳам ўз фикрларимга ғарқ бўлганча қимир этмай ўтирдим. К. га ҳаммасини очиқ айтиб бериш керак, деб ўйладим. Аммо вақт қўлдан бой берилгандек туюлди менга. Нимага бошиданоқ унинг гапини бўлиб, қарши хужумга ўтмадим? Буни катта хато деб ўйладим. Ҳатто К. ҳаммасини айтиб бўлганидан кейин ҳам унга бор гапни очиб-сочишим керак эди, деган ўй айланарди бошимда. Аммо К. гапидан тўхтаганида ҳам бу тўғрида гапириш амри маҳол эди. Мен бу ҳолни енгишга ўзимда куч тополмадим. Афсус ва надоматдан бошим гангиб қолганди. К. тўсиқни суриб, хонамга ўзи кириб келса яхши бўларди. Назаримда, эрталаб менга кутилмаганда ҳамла қилгандек туюлди. Мен К. га жавоб қайтаришга тайёр эмасдим ва ўзимча эрталаб қўлдан бой берганларимнинг барини энди қайтариб олишим мумкин деб умид қилардим. Шунинг учун бот-бот тўсиққа кўз ташлардим. Бироқ тўсиқ қимирламай турар, К. нинг хонаси ҳам жим-жит эди.

Жим-житлик таъсириданми, бошим ғувиллай бошлади. “У хонасида ўтириб олиб

нималарни ўйлапти экан? – дедим-да, бундан ўзим ташвишга тушдим. Одатда биз тўсиқнинг ҳар икки тарафида ўтириб, мана шундай оғзимизда талқон солиб олардик, К. нинг хонаси қанчалик жим-жит бўлса, унинг борлиги ҳақида шунчалик унутар эдим. Бунга ўрганиб қолгандим ва ҳозир бошимдан ўтаётган бу воқеалар руҳиятимга қанчалар ёмон таъсир этаётганини кўрсатарди. Тўсиқни очиб, унинг олдида ўзим боролмасдим. Қулай фурсатни кутишдан бошқа иложим йўқ эди.

Охири бундай ҳаракатсиз ўтириш жонимга тегди. Бу ерда ўзимни мажбурлаб ўтиришим унинг хонасига бостириб кирмасам бўлмаслигини англатарди. Мен ўрнимдан туриб айвонга чиқдим. У ердан ўрта хонага ўтиб, зарурат бўлмаса ҳам чойнақдан пиёлага сув қуйиб ичдим. У ердан даҳлизга ўтдим. Шу тариқа атайин К. нинг хонаси олдидан ўтиб, кўчага чиқдим. Албатта, борадиган жойим йўқ эди. Лекин тош қотиб ўтиришга ҳам тоқат қолмаганди. Қаерга кетаётганимни ўйламай, шаҳарда саргардон кездим. Хаёлим фақат К. да эди. Мен К. ни ўйламаслик учун эмас, балки яхшироқ фикрлаб олиш учун кезиб юрардим. Авваламбор, уни тушуниш жуда қийин: нима сабабдан у менга бирданига ҳаммасини очиб солди? Қандай қилиб унинг муҳаббати шунчалик кучайиб кетдики, бу ҳақда гапирмасликнинг иложи бўлмай қолса? К. нинг ўзи қаерга қойиб бўлди?

Буларнинг барчаси мен учун жумбоқ эди. Мен унинг иродаси кучли эканини билардим. Унинг жиддийлиги ва ўзига нисбатан талабчанлигини ҳам билардим. У билан бундан кейинги муносабатимни аниқлаштириб олишдан олдин унинг ўзи тўғрисида кўп нарсани билиб олишим керак эди. Бу аҳволда у билан келгусида алоқани давом эттириш қийин бўларди, назаримда. Шаҳарни бемақсад кезиб юра-юра, ўзимча уни хонасида қимирламай ўтирганини тасаввур қилдим. Қанчалик дарбадар юрмай, ичимда қандайдир бир овоз, “уни жойидан силжитишга кучинг етмайди!” деб қичқирарди. Бир сўз билан айтганда, назаримда у жодугардек эди. Иш шунгача бориб тақалдики, унинг мени ёмон кўришини умримнинг охиригача ҳис этаманми, деб ўйлай бошлардим.

Уйга ҳориб-толиб қайтиб келганимда, унинг хонаси ҳамон сув қуйгандек жим-жит эди.

XXXVIII

Уйга қайтганимдан сўнг бир оз вақт ўтгач, рикша аравасининг товуши эшитилди. У пайтларда резина шиналар бўлмасди ва рикшаларнинг ёқимсиз ғирчиллаши узоқданоқ эшитиларди. Арава уйимиз олдида тўхтади. Ўттиз дақиқалардан кейин бизни кечки овқатга чақиришди. Қўшни хонада иккала хонимнинг байрам либослари сочилиб ётарди. Иккаласи ҳам бизни куттириб қўйиш ноқулай бўлгани сабабли кечки овқатга етиб келиш учун шошилишганини айтишди. Бекачнинг бу сўзлари К. билан менинг бир қулоғимиздан кириб, наригисидан чиқиб кетди. Стол атрофида ўтирганимизда мен қисқа луқмалар билан чекландим. К. эса мендан ҳам камгапроқ эди. Уйдан кам чиқадиган иккала хонимнинг кайфияти эса одатдагидан кўтаринки эди. Шу боис бизнинг хатти-ҳаракатларимиз кўзгат яняда яққолроқ ташланарди. Онаси мендан сўради:

– Бирор нарса бўлдимми?

Мен бир оз мазам йўқлигини айтдим. Ўзи чиндан ҳам тобим қочганди. Шунда қизи К. га савол берди. У менга ўхшаб мазам йўқ, деб жавоб бермади. Шунчаки гапиришни истамаётганини айтди.

– Нега гапиришни истамайсиз? – сўради қиз.

Шунда мен қўрғошиндай қовоқларимни кўтариб, К. га қарадим. У нима деб жавоб беришига қизиқдим. К. нинг лаблари одатдагидек аста титрай бошлади. Ташқаридан қараганда у жавоб беришга қийналяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Қиз кулиб юборди ва:

– Сиз бирор ўта жиддий нарса ҳақида ўйлаяпсизми? – деб сўради.

К. нинг юзига қизил югурди.

Бу оқшом мен одатдагидан барвақтроқ ётдим. Бекач мазам йўқлигини айтганим учун ташвишланиб, соат ўнларда қандайдир гиёҳ дамламасидан олиб кирди. Хонам қоронғи эди. Бекач хайрон бўлиб, сурилма эшикни қия қилиб очиб қўйди. Менинг хонамга К.

нинг хонасидан чироқ нури қиялаб тушди. К. ҳали ётмаган эди. Бекач бош тарафимда ўтириб, шамоллаб қолганимни ва исинишим зарурлигини айтиб, дамламани узатди. Унинг кўз ўнгида буни ичишга мажбур бўлдим.

Тун қўйнида хаёлга толдим. Ўз-ўзидан маълумки, миямда ҳамон ўша фикр айланарди, мен ҳеч нарсага эриша олмадим. Бирдан хаёлимга бир савол келди: қўшни хонада К. ҳозир нима қиляпти экан? Мен овозимни чиқариб, уни чақирдим. К. шу заҳоти жавоб берди. У ҳали ётмаган экан.

– Ҳали ҳам ётмадингми? – сўрадим ундан.

– Ҳозир ётаман, – қисқа жавоб келди у ёқдан.

– Нима қиляпсан? – яна сўрадим мен. Бу сафар жавоб бўлмади. Бунинг ўрнига девордаги жавон эшиги очилгани ва ерга тўшак солингани яққол эшитилди. Мен яна сўрадим:

– Соат неча бўлди?

К.:

– Бирдан йигирма дақиқа ўтди, – деб жавоб берди. Ортидан К. нинг чироқни пуфлаб ўчиргани эшитилди ва бутун уй қоронғуликка чўмиб, жим бўлиб қолди. Бироқ сал ўтмай кўзларим бу қоронғуликка ўрганиб, ҳамма нарсани аниқ-тиниқ кўра бошладим. Мен уйқу аралаш яна К. ни чақирдим. У шу заҳотиёқ жавоб берди. Шунда мен эрталаб ундан эшитган гапларим ҳақида батафсилроқ гаплашиш истагим борлигини айтдим. Албатта, бундай суҳбатни тўсиқ ортидан давом эттириш ниятим йўқ эди, ундан фақат жавоб олмоқчи эдим. Аммо мен икки марта чақирганимда ҳам жавоб берган К. бу сафар одатдагидан кўра пастроқ овозда истамайгина жавоб берди:

– Майли, кейинроқ.

Мен яна ўйларимга ғарқ бўлдим.

XXXIX

К. нинг бундай чала жавоби унинг эртаси кунги ва, умуман, кейинги кунлардаги хатти-ҳаракатида яққол ўз аксини топди. Бу яна шу масалага қайтмоқчи эканини билдирмасди. Бунга қулай фурсат ҳам бўлмади. Бекач ва қизи куни билан уйда бўлишарди ва биз улар борлигида гаплашиб ололмасдик. Мен буни яхши билардим. Натижада у биринчи бўлиб гап бошлайди деб, бунга тайёргарлик кўриб, агар имкон бўлса, гапни ўзим бошлашга қарор қилдим.

Шу билан бирга мен индамай аёлларни кузатардим. Бироқ на онасининг, на қизининг хатти-ҳаракатларида бирор ўзгариш сездим. Уларнинг хатти-ҳаракатлари К. ўз ниятини ошкор қилгунга қадар қандай бўлса, ундан кейин ҳам шундай эди: у ўз дилидагини фақат менга очган эди, қиз ва унинг онаси бу ҳақда ҳеч нима билишмасди. Бу мени бирмунча тинчлантирди. Шундан кейин атайлаб эмас, бундай фурсат юзага келганда гап очган маъқул, деб ўйладим-да, сабр қилдим.

Ҳозир булар барчаси жўнгина содир бўлаётгандек туюлади, лекин қалбимдан кечган туйғулар денгиз тўфонига ўхшарди: унда кўтарилишлар ҳам, тушишлар ҳам бўлди. К. нинг қимир этмай ўтиришига қараб, буни гоҳ ундай, гоҳ бундай талқин этардим. Она ва қизининг хатти-ҳаракатларни кузатиб, уларнинг мендан кўнгиллари қолмаганмикан? – деган шубҳага борардим. Назаримда қалбимизда яширинган ўша мураккаб қурилманинг миллари ҳозир циферблатда пайдо бўлиб, керакли рақамни кўрсатадигандек эди. Гапнинг қисқаси, бир хил нарсани мен гоҳ ундай, гоҳ бундай талқин этардим ва охир-оқибат юқорида айтганимдек, тинчланар эдим. Аниқроқ қилиб айтганда, “тинчланар эдим” деган сўзни бу ерда ишлатмаслигим керакмикан...

Шу орада университетда дарслар бошланди. Ўша пайтда маърузаларимиз бир вақтда бошланар, биз уйдан бирга чиқиб кетардик. Тўғри келганда уйга ҳам бирга қайтардик. Ташқаридан қараганда, биз гўё илгаригидек аҳил-иноқ, аммо ҳар биримиз ичимизда ўз ўйларимиз билан банд эдик. Бир куни кўчада кутилмаганда унга мурожаат қилдим. Биринчи сўраган нарсам шу бўлдики, у дилини фақат менга очдими ёки она билан қизига ҳам айтдими? Унинг жавобига қараб, бундан кейинги унга бўлган

муносабатимни белгилашим керак, деб ўйлардим. Саволимга жавобан у мендан бошқа ҳеч кимга оғиз очмаганини айтди. Мен ичимда хурсанд бўлиб кетдим, чунки бу тахминим тўғри бўлиб чиққанидан дарак эди. У мендан айёрроқ эканлигини яхши билардим. Унинг қалбида мен сингдира олмайдиган нарсалар яшириниб ётарди. Иккинчи томондан, мен унга негандир ишонардим. Гарчи у ўзининг тутинган оиласини уч йил алдаб юрган бўлса ҳам. Унга бўлган ишончим ҳечам сусаймади, аксинча, янада ортди. Азбаройи шубҳаланганимдан ўзимча унинг жавоби тўғрилигини бутунлай тан ололмаётгандим.

Энди ўз муҳаббати борасида нима қилмоқчи эканлигини билиш учун яна унга мурожаат қилдим. Фақат менга қалбини очиш билан чекланадими, ёки бирор қадам қўймоқчимиз? Бироқ у жавоб бермади. Нигоҳини бир нуқтага қадаб, индамай одимлаб кетди. Мен ундан илтимос қилдим:

– Ҳеч нимани яширма! Фикрингни очиқ айт менга.

Шунда у менга яширадиган ҳеч нарсаси йўқлигини айтди. Аммо мен бу жавобдан қониқа олмасдим. Мен ҳам кўчада туриб олиб ҳамма гапни айтасан, деб қисталанг қилиш нотўғрилигини тушунардим. Шу билан суҳбатимиз тугади.

XL

Анчадан бери кирмай юриб-юриб, бир кун кутубхонага йўлим тушди. Кенг столнинг ярмигача қуёш нури тушиб турган жойга ўтириб олиб, янги чет эл журналларини варақлай бошладим. Профессор менга келгуси ҳафтагача махсус фан бўйича бир масалани ёритишимни топширганди. Ўзимга керак нарсани ҳечам топа олмаётгандим ва икки-уч марта янги журналларни олишимга тўғри келди. Ниҳоят керакли мақолани топиб, уни ўқишга киришиб кетдим. Шу вақт столнинг нариги томонидан кимдир мени оҳиста чақирди. Бошимни кўтариб қарасам, у ерда К. турарди. У стол оша эгилиб менга юзини яқин келтирди. Биласизки, бошқаларга халал бермаслик учун кутубхонада баланд овозда гаплашиш мумкин эмас, шунинг учун унинг ҳаракатлари

бошқаларникидан фарқ қилмасди. Лекин мени бир ғалати ҳис чулғаб олди.

К. овозини пастлатиб сўради:

– Дарс қияпсанми?

Мен бир мавзуни ҳижжалаётганимни айтдим. Бироқ у юзимга тик қараб тураверди. Яна ўша оҳангда у билан бирга айланиб келишимни сўради. Мен, бир оз кутиб тур, бораман, деб жавоб бердим. У, кутиб тураман, деб қаршимдаги бўш стулга ўтирди.

Хаёлим чалғиб кетди ва ортиқ мутолаа қила олмадим. Менга К. нинг қалбини нимадир қийнаётгандек ва у мен билан шу тўғрида гаплашмоқчидек туюлди. Журнални йиғиштириб, туришга чоғландим. К. хотиржам сўради:

– Тугатдингми?

– Аҳамияти йўқ! – жавоб бердим мен.

Борадиган тайинли жойимиз бўлмаганидан, биз Тацоука-тё кўчасини кесиб ўтиб, ҳовуз бўйига, у ердан боққа чиқдик. Шунда у дабдурустдан яна ўша масалада гап очди. Унинг бу ҳаракатларидан кейин, мени атайин сайр қилишга олиб чиққан экан-да, деган фикрга келдим. Шу билан бирга у мен кутган саволлар борасида лом-мим демади. Менга қараб, бу тўғрида нима ўйлаётганимни сўради, холос. Бир сўз билан айтганда, у шу топда ўзи ҳақида қандай фикрда эканимни билишга интиларди. Бу унда пайдо бўлган янги хусусият эканлигини пайқадим. Мен қайта-қайта айтгандим, у ўзи ҳақида атрофдагилар нима деб ўйлаши тўғрисида сўрайдиган даражада паст кетмасди. У шундай инсон эдики, бирор нарсага ишонса, шунинг уددасидан чиқишга ўзида матонат топа оларди. Тутинган оиласи билан бўлиб ўтган можародан кейин унинг бу хусусияти қалбимда муҳрланиб қолганди, бинобарин ундаги бу ўзгаришлар менга яққол кўриниб турарди.

– Менинг фикрим сенга нега керак бўлиб қолди? – деб сўрадим К. дан.

Шунда у ўзига хос бўлмаган тушкун оҳангда деди:

– Шунчалик заифлигимдан уялиб кетаман; ўзимни-ўзим тушунмай қолдим, шу боис сенинг холисона баҳолашингни истардим.

– Нимага иккиланиб турибсан?

У деди:

– Ортга чекинсаммикан, ёки олға юрсаммикан?

Мен олдинга бир қадам ташладим.

– Агар истаганингда чекина олармидинг? – сўрадим ундан. Шунда жим бўлиб қолди. Фақат:

– Нақадар оғир! – деб қўйди уҳ тортиб.

Ҳақиқатан ҳам унинг изтироб чекаётгани юзидан кўриниб турарди. Билмадим, агар гап шу қиз устида кетмаганида эди, унинг жазирамадан қақраб кетган юзига бир томчи сув томизишдан қайтмаган бўлардим. Мен бошқаларга ҳамдард инсон бўлиб туғилганимга ишонардим. Аммо ҳозир мен ўзгача эдим.

XLI

Бургут ўлжасидан кўз узмаганидек, мен ҳам К. ни диққат билан кузатар эдим. Бутун борлиғим – кўзларим, қалбим ва вужудим билан унинг ёнида сергак турардим. Аслида К. нинг ҳеч қандай айби йўқ, у мен учун кафтда тургандек аёну ошкор эди. У бирор эҳтиёт чораларини кўрмаганди. Мен гўё унинг қалъасини ҳимоя қилувчи режамни қўлидан тортиб олгандек эдим.

К. назария ва амалиёт ўртасида адашиб юрганини англаганимдан сўнг, уни бир зарб билан мағлуб қила олишимни ҳам тушундим. Мен дарҳол унинг ожиз нуқтасини

топдим. Унга нисбатан қатъиятлилиқ ва мурасасизлиқ усулини қўладим. Албатта, бу авваламбор менинг усулим эди, аммо хатти-ҳаракатларимда муайян ҳаяжон ҳам бор эди, шунинг учун ўша дамда ўз устимдан кулишга ҳам, хижолатни ҳис қилишга ҳам фурсат йўқ эди.

Авваламбор унга шундай дедим:

– Олий маънавий камолотга интилмаган шахс – аҳмоқ.

Бу Босюда юрган кезларимизда К. нинг менга айтган сўзлари эди. У менга ўша вақтда қай оҳангда айтган бўлса, ўзига ҳам ўшандай оҳангда айтдим. Буни ҳеч ҳам қасд олиш ниятида айтмадим. Аммо, буни айтганимда қасд олишдан ҳам кучлироқ нарсани назарда тутдим. Бу ибора билан мен К. нинг қаршисидаги муҳаббат йўлини тўсмоқчи эдим.

К. Синсю сектаси ибодатхонасида туғилган эди. Аммо у ўрта мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ ўз динидан йироқлашганди. Мен турли диний таълимотлардан йироқ одамман ва бу ҳақда фикр юрита олмаслигимни ҳам биламан; фақат диннинг эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларга бўлган қарашлари ҳақида сўз юритаман. К. азалдан “ўзини тийиш” сўзини яхши кўради. Мен бу атамани шахвоний иштиёқларни енгиш маъносида тушунардим. Лекин бир куни бу ҳақда гап очганимда, К. бунга яна қандайдир жиддий маъно юклаганидан ҳайрон қолдим. Унинг биринчи қоидаси – Олий мақсад йўлида барча нарсани қурбон қилиш эди. Шунинг учун ҳиссиётларини бошқариш ёки уларни енгиш табиий нарса эди; ҳатто шахвоний хоҳишлардан холи муҳаббат ҳам ушбу йўлдаги тўсиқ ҳисобланарди. Биз бирга яшаганимиздан буён ундан бу мулоҳазаларни кўп марта эшитгандим. Унга эътироз билдирганимда юзида афсусланиш ифодаси пайдо бўлар, менга ачинишдан кўра сўзларимдан нафратланиш кўпроқ эди. Ўртамиздаги ўтмиш ана шундай эди; шу боис “кимда олий маънавий камолотга интилиш бўлмаса – аҳмоқ”, деган сўзлар унга оғир ботишини билардим. Бироқ, юқорида айтганимдек, бу сўзлар билан ўртамизда вужудга келган ўша ўтмишни нари қилмоқчи эмасдим. Аксинча, уни ўзи тўғри деб билган йўлга қайтаришга ҳаракат қилдим. Бунда у Олий мақсадга эришадими, самога етиб борадими – менга бунинг аҳамияти йўқ эди. Мен фақат у тўсатдан ҳаёт тарзини ўзгартириши мумкинлигидан ва шу боис манфаатларим билан тўқнашишидан ҳадиксирардим. Қисқа қилиб айтганда,

сўзларим биргина худбинлигимнинг ифодаси эди.

– Кимда олий маънавий камолотга интилиш бўлмаса – аҳмоқ, – мен бу сўзларни иккинчи марта такрорладим. Улар К. га қандай таъсир этаркан деб қараб турдим.

– Ҳа, аҳмоқ, – жавоб берди К. – Ҳа, аҳмоқ.

К. жойида қимир этмай туриб қолди. Менга кўзларини тикди. Беихтиёр сесканиб тушдим. Шу дамда у менга қўлга тушиб қолган ва ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамла қилмоқчи бўлган ўғрини эслатди. Аммо шундай бўлса-да, унинг гапиришга чиранганини сездим. Унинг нигоҳини кўрмоқчи бўлдим, аммо у кўзини олиб қочиб, аста нари кетди.

XLII

К. билан ёнма-ён одимлаб борарканман, унинг оғзидан не сўзлар чиқаркин деб қулоғим динг эди. Бошқача қилиб айтганда, гўё пистирмада ўтиргандек эдим. Ўша вақтда уни алдашим ҳам мумкин эди, деб ўйлайман. Аммо менинг ҳам виждоним бор, агар шу вақтда бирор кимса ёнимга келиб: “Сен аблаҳсан”, деганида эди, мен шу заҳоти ўзимга келган бўлардим. Бу сўзларни менга К. нинг ўзи айтганида, эҳтимо, уятдан ёниб кул бўлардим. Лекин у мени айблашга виждони йўл қўймасди. Ҳа, у жуда яхши одам эди. Мен эса ўша дамда кўр эдим ва унинг олдида бош эгишим кераклигини унутиб, аксинча, бундан фойдаланиб қолдим. Уни мағлуб қилиш учун фойдаландим.

Бир қанча фурсат ўтгач, К. менинг отимни айтиб чақирди. Мен беихтиёр тўхтадим. У ҳам тўхтади. Ниҳоят, нигоҳларимиз тўқнаш келди. Унинг бўйи мендан баланд бўлгани учун унга бошимни кўтариб қарадим. Унинг қаршисида гўё бегуноҳ қўзи олдидаги қашқир эдим.

– Бу гапни йиғиштирайлик, – деди у. Унинг кўзларида, овозида қандайдир маъюслик бор эди. Мен жавоб қайтара олмадим. У яна такрорлади, лекин энди илтимос

қилгандек эди:

– Шу гапни қўяйлик.

Шунда унга кескин жавоб қайтардим.

– Йиғиштирамиз, йиғиштирамиз... Уни мен бошлаганим ҳам йўқ. Уни бошлаган ўзинг эмасми?! Йиғиштиришни истасанг, йиғиштирамиз, аммо бу ҳақда гапиришни бас қилганимиз билан ҳеч нарса ўзгармайди. Қалбингдаги туйғуларга хотима ясашга журъатинг етмаса, эътиқодларинг нима бўлади?

Шундай деб туриб, унинг баланд қадди-қомати назаримда қисқараётгандек ва кичрайиб бораётгандек туюлди. Доим айтиб келганимдек, у қайсар одам эди, лекин иккинчи томондан бошқаларга нисбатан икки карра ростгўй эди. Унга ўзига-ўзи қарши чиққани учун танбеҳ беришганда, тинч тура олмасди. Уни кузатиб туриб, мен аста-секин тинчлана бошладим. Шунда у бирдан сўраб қолди:

– Журъатми? – унга бирор нима дейишга улгурмасимдан у қўшимча қилди, – Журъатми? Журъатим-ку бор, – у гўё ўзи билан ўзи суҳбатлашаётгандек эди. Булар бари гўё тушда бўлаётгандек эди.

Биз бошқа гаплашмадик ва уй томон одимлаб кетдик. Уйга қайтиб келиб, стол атрофига ўтирганимизда, бекач нега кеч қолганимизни сўради. Мени К. нинг таклифи билан Уэнода сайр қилганимизни айтдим. Бекач шундай совуқда сайр қилганимиздан ҳайрон қолди. Қиз Уэнода бирор гап бўлдими, деб сўради. Мен ҳеч нима бўлмаганини, шунчаки сайр қилганимизни айтдим. Одатда камгап бўлган К. ҳозир умуман чурқ этмай ўтирарди. Бекач унга гап қотса ҳам, қиз кулса ҳам индамай ўтирди, овқатини еб бўлгач, менинг туришимни ҳам кутмасдан, хонасига кириб кетди.

XLIII

У вақтларда “уйғониш”, “янги ҳаёт” каби сўзлар йўқ эди. Бироқ К. нинг янги турмуш тарзига мутлақо интилмагани сабаби, унда замонавий одамларга хос ғояларнингда йўқлиги эмасди. Унинг ўзи қадрлайдиган ўтмиши бўлиб, шу туфайли илгариги “мен”дан воз кечолмасди. Шу ўтмиш туфайли у бугунги кунгача етиб келди, десак хато бўлмайди. Ўзи яхши кўрган инсонга талпинмагани, унинг совуққонлигидан асло далолат бермайди. У бир оз тин олиб, ортга назар ташлаш заруратини ҳис қиларди, холос. Ўтмиши уни шу вақтгача интилган мақсади сари йўналтирарди. Бундан ташқари у ҳозирги одамларда бўлмаган сабот ва матонатга эга эди. Мен айнан шу икки жиҳатдан унинг қалбига разм солишни истардим.

Қайтиб келганимиздан сўнг оқшомни нисбатан хотиржам ўтказдим. К. нинг ортидан унинг хонасига йўл олдим, столи ёнига ўтириб, атайин турли мавзуларда суҳбат бошладим. Назаримда, бу унга малол келаётгандек эди. Менинг кўзларимда эса чамаси ҳали ҳам ғалаба учқунлари порлаб, овозимда ўзимдан мамнунлигим билиниб турарди. У билан бирга ўтириб, исиниб олдим-да, ўз хонамга кириб кетдим. Энди ундан қўрқмаслигимни ҳис этдим.

Орадан кўп вақт ўтмай уйқуга кетдим. Лекин кимдир исмимни айтиб чақириб, уйғотиб юборди. Кўзимни очиб, қия очик эшик ёнида К. нинг қора шарпасини кўрдим. Унинг хонасида чироқ ҳали ўчмаганди. Тўсатдан уйғонганим учун бир муддат нафасим ичимга тушиб, унга қараб турдим.

Шунда К. мендан сўради:

– Ухлаяпсанми?

Унинг ўзи доим кеч ётарди. Унинг қора шарпасига қараб, сўрадим:

– Сенга бирор нарса керакми?

К. ҳеч қандай иши йўқлиги, ҳожатхонадан ўтаётиб, менинг ётган-ётмаганимни билмоқчи бўлганини айтди. Ёруғлик К. нинг орқасидан тушаётгани учун унинг юзини ҳам, кўзларини ҳам кўролмасдим. Бироқ овози одатдагидан хотиржамроқ эди. К. шу заҳоти эшикни суриб ёпди. Хонам зулматга чўмди. Мен яна кўзларимни юмиб, уйқуга кетдим. Бошқа ҳеч нарса эслолмайман. Фақат эртасига эрталаб ўтган воқеаларни

хотирлаб, ҳайрон бўлдим. Ҳатто бу тушимда бўлмаганмикин, деган хаёлга ҳам бордим. Шунинг учун нонушта вақтида бу ҳақда К. дан сўрадим. К. ҳақиқатан ҳам эшикни очганини ва исмимни айтиб чақирганини тасдиқлади. Нимага бундай қилгани тўғрисидаги саволимга тайинли жавоб бермади. Аксинча, сўнгги вақтда қаттиқ ухлаш-ухламаслигимни сўради. Менга бунинг барчаси бир оз ғалати туюлди. Шу куни маърузаларимиз бир вақтда бошланарди ва биз уйдан бирга чиқдик. Кечаги воқеаларни ўйлаб, йўлда ундан яна шу тўғрида суриштира бошладим. Аммо К. яна қониқарли жавоб бермади. Шунда мен ундан:

– Ўша масалада бирор нима демоқчимисан? – деб сўрадим. К. қатъий жавоб берди:

– Йўқ.

Бу менга кеча Уэнода: “Бу гапларни йиғиштирайлик”, деб айтилган сўзларни эслатди. Бу борада К. ўз қадрини биларди. Кутилмаганда шу муносабат билан у айтган “журъат” сўзини эсладим. Мен шу вақтгача эътибор бермай келган бу товушлар тўплами қандайдир куч билан онгимга таъсир эта бошлади.

XLIV

Менга К. нинг қатъияти жуда таниш эди. У фақат шу биргина вазиятда заифлик қилганини ҳам билардим. Бир сўз билан айтганда, мен ҳаммасини тушунардим ва шу фурсатни маҳкам ушлаб олганимдан мағрурланардим. Бироқ у бир неча марта такрорлаган “журъат” сўзини яна айтганда, ғурурим сўнаётганини ва иккилана бошлаётганимни ҳис этдим. Шунда, балки, бунинг унга унчалик аҳамияти йўқдир, деб ўйладим. Мен, у дилида барча гумон, қайғу ва изтиробларни бирваракайига бартараф этишнинг сўнгги воситасини асраб қўймаганмикин, деган гумонга бора бошладим. Унинг “журъат” деган сўзи янгича маъно касб этмаганмикин? Агар ўша журъат нимадан иборат эканига яна бир бор холисона назар ташлаганимда эди, балки ҳаммаси яхши бўлармиди. Бахтга қарши, менинг бир кўзим кўр эди. Мен унинг сўзини шу қиз борасидаги кейинги қадам деб тушундим. Унинг журъати, қатъияти муҳаббат

бобида ҳам намоён бўлмоқда, деб ўйладим. Қалбим менинг ҳам шундай бир тўхтамга келишим кераклигини айтиб турарди. Энди бу чақириққа жавобан мен ўзимда журъатлиликни намоён қилдим. Мен барча ишни К. га билдирмай, ундан олдин ҳал этишга аҳд қилдим. Жимгина қулай фурсатни пойлай бошладим. Икки-уч кун ўтди, лекин ундай имконият туғилмади. Мен уйда К. ва қиз йўқ вақтда бекач билан гаплашмоқчи бўлдим. Аммо ҳар доим бири бўлмаса, иккинчиси халал берарди. Мен ҳаяжонланардим.

Орадан бир ҳафта ўтгач, ниҳоят тоқатим тоқ бўлди ва мен ёлғондан ўзимни касалга солдим.

“Тур!” – дер эди менга бекач ҳам, қизи ҳам, К. нинг ўзи ҳам, лекин мен мужмал жавоб бериб, соат ўнгача кўрпа-тўшак қилиб ётдим. Уйда К. ҳам, қиз ҳам йўқлигига ишонч ҳосил қилгачгина, ўрнимдан турдим. Афт-ангоримни кўриб, бекач ўзимни қандай ҳис қилаётганимни сўради. Ҳатто яна бир оз ётишга кўндирмоқчи, овқатни хонамга олиб кирмоқчи бўлди. Аммо бутунлай соғ бўлганим учун ётгим келмаётганди. Ўзимни ювиб, ҳар галгидек ўрта хонада овқатлана бошладим. Бекач узун хибатининг нарёғидан туриб менга овқат узатарди.

Нонуштами ёки тушликми солинган идишни қўлимда ушлаб, қандай қилиб гап бошласам экан, деб ўйладим, кўринишим ҳақиқатдан ҳам беморга ўхшарди. Овқатланиб бўлиб, папирос чекдим. Столдан турмаганим учун бекач ҳам хибати ёнидан кетишни ноқулай сизди. Хизматкор аёлни чақириб, столдаги идишларни йиғиштириб олишни буюрди. Ўзи эса гоҳ темир чойнакка сув қуйиб, гоҳ хибатининг четини артиб, мен билан суҳбатлашарди. Мен ундан бирор юмуш билан бандмисиз, деб сўрадим. У “йўқ” деб жавоб берди.

Мен у билан бир оз суҳбатлашмоқчи эканимни айтдим.

– Нима гап? – дея бекач менга қаради. Гап оҳангим оддий бўлиб, менинг аҳволимни тушунтиргули ҳолда эмасди. Унга айтмоқчи бўлган гапларим бўғзимда қолаверди. Нима қилишимни билмай, у ёқ-бу ёқдан гапира бошладим ва ниҳоят: Яқин кунларда К. сизга ҳеч нарса демадими? – деб сўрадим. Бекач соддадиллик билан:

– Айнан нимани назарда тутяпсиз? – деб сўради. Мен унга жавоб бергунимча яна: – У сизга бирор нарса деганмиди? – деди.

XLV

Мен бекачга К. дан эшитганларимни айтмоқчи эмасдим, шунинг учун:

– Йўқ, ҳеч нарса, – деб жавоб бердим. Лекин шу заҳоти ёлғон гапирганимдан уялиб кетдим. Бўлар иш бўлганди ва К. менга бирор арзигулик нарса демаганини, умуман гап у тўғрисида эмаслигини бир амаллаб айтиб қутулдим.

– Шундайми? – деди бекач ва нима дейишимни кутиб турди. Мен энди унга ҳамма гапни тушунтиришим керак эди.

– Қизингизни менга беринг, – дедим томдан тараша тушгандек.

Бекач мен кутганимдек ҳайрон бўлмади, – у чамаси бир нарса дейишга ожиз бўлиб, фақат менга индамай қараб турарди. Модомики, дилимдагини айтиб бўлган эканман, менга қандай қарашлари энди мени ташвишлантормасди.

– Беринг! Албатта беринг! – дедим мен. – Менга турмушга беринг, – давом этдим.

Бекачнинг ёши мендан каттароқ эди, менга нисбатан ўзини анча хотиржам тутди.

– Сизга турмушга беришим мумкин, аммо ҳали эрта эмасмикан? – деди у. Унинг қизига ҳозироқ уйланмоқчи эканлигимни айтганимда, у кулиб юборди.

– Яхшилаб ўйлаб кўрдингизми? – сўради у. Унга қатъий оҳангда бирданига шундай тўхтамга келганимни айтдим. Шундан кейин яна бир-икки савол-жавоб қилдик, лекин нималар деганим эсимда қолмади. Аммо бошқа аёллардан фарқли ўлароқ, бекач ҳамма нарсани эркаклар каби аниқ тасаввур қиладиган аёл бўлгани учун, у билан гаплашиш

осон эди.

– Яхши. Сизга қизимни бераман, – деди у. – Гарчи бизнинг ҳозирги аҳволимизда “бераман” деб такаббурлик қилиш ярашмаса-да, илтимос, қизимни хотинликка олинг. Сизга маълумки, у камбағал, етимча қиз.

Энди бекачнинг ўзи илтимос қила бошлади. Суҳбатимиз қисқа ва лўнда бўлди. У ўн беш дақиқадан ортиқ давом этмади. Бекач ҳеч қандай шарт қўймади. Қариндошлар билан гаплашишнинг ҳам ҳожати йўқ экан.

– Унга кейин айтамиз, етади, ундан сўраб ҳам ўтиришнинг кераги йўқ, – деди бекач. Бу борада маълумотли бўлганим учун кўпроқ расмиятчилик тарафдори эдим. Қариндошларнинг розилигини олмаса ҳам бўлади, аммо қизнинг розилигини олиш керак, деганимда, бекач:

– У рози бўлмаса берармидим? – деди.

Хонага қайтгач, иш силлиқ кўчди деб ўйладим ва кайфиятим ғалати эди. Миямга ҳатто қаёқдандир бунинг барчаси яхшимикан, деган хаёл ҳам келди. Бироқ бирдан бунинг барчаси менинг келажагимни белгилашини англадим. Кун ярмида мен яна ўрта хонага чиқдим ва бекачдан бугунги гапимизни қизига қачон айтмоқчи эканини сўрадим. У:

– Менга фарқи йўқ, – деди.

Бу борада мендан кўра бекач эркакка кўпроқ ўхшарди. Мен ўз хонамга қайтдим. Шунда у мени тўхтатиб, агар истасам қизи билан бугуноқ гаплашиши мумкинлигини қистирди; қизи дарсдан қайтиши билан гаплашади. Шундай қилгани маъқуллигини айтиб, мен хонага кириб кетдим. Аммо, бу ерда қолсам, она-боланинг суҳбатини эшитиб қолишимдан ташвишга тушдим. Охир-оқибат мен фуражкамни кийиб ташқарига чиқиб кетдим. Йўлда қизнинг ўзини учратиб қолдим. Ҳеч гапдан хабари йўқ, мени кўриб у ҳайрон бўлди. Фуражкамни ечиб, сўрадим:

– Уйга кетяпсизми?

– Ўзингиз тузалиб қолдингизми? – деб сўради у саволимга савол билан.

– Тузалдим, раҳмат, отдайман, – дедим-да, Суйдобаши кўприги томон йўл олдим.

XLVI

Саругаку-чө кўчасидан ўтиб, Дзимбо-чө кўчасига чиқдим ва Коисикава томонга бурилдим. Имари бу ерларга доим эски китоблар дўконига китоб қараш мақсадида келардим, аммо шу куни китобларга қараш истаги менда умуман йўқ эди.

Кўчадан кетиб борарканман, уйда бўлиб ўтган воқеани ўйлардим. Қизуйга қайтгач, нималар содир бўлишини тасаввур қилдим. Бу икки сиймо гўё мени етаклаб кетаётгандек эди. Баъзан ўзим сезмаган ҳолда кўча ўртасида тўхтаб қолардим. Шунда: “ҳозир бекач қизи билан гаплашяпти” ёки “энди суҳбат тугади”, деб ўйлардим. Ниҳоят, Мансэйбаси кўпригидан ўтдим ва Мёдзин ибодатхонаси ёнидаги тепаликдан тушиб, Хонго тепалигига етиб келдим; у ердан Кикудзака тепалигидан тушиб, ниҳоят Коисикава водийсига чиқдим. Мен босиб ўтган йўл уч мавзени ташкил этарди. Узоқ сайр мобайнида бирор марта ҳам К. ни ўйламадим. Ҳозир ўша вақтдаги ҳолатимни эсласам, нега шундай бўлганини мутлақо тушунмайман. Фақат ҳайратланаман.

Даҳлиздан хонамга ўтаётганимда бирдан мени ҳижолат босди. К. ҳар доимгидек стол ёнида китоб ўқиб ўтирарди. Ҳар галгидек кўзини китобдан узиб менга қаради. Аммо одатдагидек: “Э-ҳа, бу сенми?” демади. Бунинг ўрнига:

– Соғлиғинг қалай? Докторга бордингми? – деб сўради.

Шу топда унинг олдида тиз чўкиб, кечирим сўрагим келди. Бу кўнглим бўшлигидан эмасди. Агар иккаламиз кенг дала ўртасида бўлиб қолганимизда эди, мен шубҳасиз виждон амрига бўйсинардим ва шу заҳоти ундан кечирим сўрардим. Аммо уйда одамлар бор эди. Табиий интилишимни шу вазият тўхтатиб турарди. Бахтга қарши, бу ҳол бошқа ҳеч қачон такрорланмади.

Кечки овқат пайтида К. билан яна тўқнашдик. Ҳеч нарсадан хабари йўқ у

паришонхотир эди ва кўринишидан ҳеч нарсани сезмагандек эди. Бекач эса одатдагидан қувноқроқ эди. Биргина мен барчасини билардим. Луқма томоғимдан базўр ўтарди. Қиз биз билан ўтирмади, онаси уни чақирганда, қўшни хонадан туриб:

– Ҳозир, – деб жавоб қайтарди. К. хайрон бўлиб сўради:

– Бирор гап бўлдимми?

Бекач, қизим балки уялаётгандир деб, менга қараб қўйди. К. янада хайрон бўлди. “Нимадан уялади?” – деб суриштиришга тушди у. Бекач кулиб яна менга қаради.

Столга келиб ўтиришим билан бекачнинг юзига қараб, масала нима билан якунланганини тушундим. Аммо бу ҳақда менинг олдимда К. га гапира бошлашса, бунга чидай олмасдим. Бекач аёл киши бўлгани учун бундай нарсаларга оддий қараётганидан ташвишда эдим. Бахтимга К. бошқа гапирмади. Ҳар галгидан яхшироқ кайфиятда бўлган бекач мени ҳижолатга қўймаслик учун гапни ортиқ чуватмади. Эркин нафас олиб, ўз хонамга кириб кетдим. Лекин энди ўзимни К. билан қандай тутишим кераклиги борасида ўйламасдан туролмасдим. Ўзимни оқлаш учун турли баҳоналар излардим. Иродасизлигим ва пасткашлигим туфайли ҳаммасини К. га ўзим айтиб беролмаслигимни ҳам англадим.

XLVII

Икки-уч кунни шу тариқа ўтказдим. Шу икки-уч кун ичида К. туфайли чекаётган виждон азобим юрагимни қўрғошиндай босиб ётди. Мен бирор нарса қилиш кераклигини, акс ҳолда яхши бўлмаслигини билардим. Бунинг устига гоҳ онасининг, гоҳ қизининг эндиги хатти-ҳаракатлари дилимга наштардек санчиларди. Стол атрофида ўтирганимизда онаси оғзидан гуллаб қўйиши ҳеч гап эмас эди-да. Қизининг ҳам хатти-ҳаракатлари К. да шубҳа уйғотмайди, деб бўлмасди. Бинобарин, бу оилада мен билан янги муносабатлардан К. ни хабардор қилиш зарурати туғилди. Аммо мен ўзимни маънан заифлигимни тан олиб, буни амалга оширишим ниҳоятда мушкул эди.

Нима қилишимни билмай, бекачдан ҳаммасини К. га айтиб беришини илтимос қилсаммикан, дедим. Албатта, бу менинг йўқлигимда бўлиши керак. Бироқ буни бекач орқали айттирганимда, нима учун ўзим айтмаганим тўғрисида савол туғиларди. Буни бекачнинг зиммасига юклаш онаси ва қизи олдида ўзимнинг заифлигимни ошкор қилиш демак эди.

Шундай бўлиб қолдики, ҳалол йўлдан юришни истасам-да, барибир сирпаниб кетиб, аҳмоққа айланган мен бўлдим. Тўғрироғи – разил кимсага айландим. Ўрнимдан туриб юришда давом этишни истаганимда, атрофдагилар менинг сирпаниб кетганимни сезиб қолишарди. Шундай бўлса ҳам, энди олға юришда давом этишим керак эди. Мен икки истак орасида қолгандим, мажруҳ инсонга ўхшардим...

XLVIII

Бекач билан К. ўртасидаги суҳбат икки кун аввал бўлиб ўтган эди. Шу вақт ичида унинг менга бўлган муносабати умуман ўзгармади, шунинг учун унинг хатти-ҳаракатларидан ҳеч нима англай олмасдим. Мен: “Майли, бу хатти-ҳаракат шунчаки ташқи ниқоб бўлаверсин, барибир у таҳсинга лойиқ”, деб ўйладим. Уни хаёлан ўзим билан солиштирганимда, у янада салобатлироқ, мендан янада баландроқ бўлиб кўринарди. “Сен сиёсатчи сифатида ёлиб чиқдинг, аммо инсон сифатида мағлубиятга учрадинг”. Ана шундай хиссиёт қалбимни ўртар эди. Ёлғиз қолганимда К. энди мендан нафратланиши керак деб ҳисоблаб, уятдан қизариб кетардим. Аммо унинг олдида бундай шармандагарчилик билан бош эгиб туришга ғурурим йўл қўймасди.

Нима қилишимни билмай, эртаси кунни кутишга қарор қилдим.

Шанба куни кечкурун эди. Одатда мен бошимни шарққа қўйиб ётардим, лекин шу куни кунботарга қўйиб ётдим. Кечаси бош томонимдан эсанг шамолдан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, ўша ёмғирли оқшомдаги каби хоналаримизни ажратиб турувчи эшикнинг очилиб кетганини кўрдим. Тирсагимга тираниб турдим-да, К. нинг хонасига мўраладим. К. нинг чироғи хирагина милтираб турарди. Ўрни тўшалган, К. ўрнида

юзтубан ётарди. Мен уни чақирдим. Жавоб бўлмади.

– Сенга нима бўлди? – деб яна чақирдим.

К. тағин чурқ этмади. Мен ўрнимдан сапчиб туриб остонага келдим. Шу ердан чироқнинг хира нурида бутун хона кўринар эди. Мен жойимда қотиб қолдим. Назаримда совуқ шамол яна эсгандек бўлди ва миямга: “Тамом!” деган фикр урилди. Қора булутлар келажагимни ўзининг мунгли пардаси билан тўсиб, менинг бундан кейинги бутун ҳаётимни қамраб олгандай эди. Мени қалтироқ босди.

Шунга қарамай, ўзимни тутдим. Стол ёнига келиб, унда ётган хатга кўзим тушди. Ўзим тахмин қилганимдек, у менга ёзилган экан. Деярли ҳеч нима англай олмай хатжилдни очдим. Мен: “Бу хатда мен учун қанчалик аччиқ сўзлар бўлиши керак”, деб ўйлардим. Аммо унинг ичида мен ўйлаган нарсадан асар ҳам йўқ эди. Мен яна: “Бу хатга кўзи тушган она-бола мендан қанчалик нафратланадилар-а!”, деганх ҳам бордим. Ваҳима босди.

Аммо хатнинг мазмуни оддий эди. К. иродаси заифлиги ва келажакдан ҳеч қандай умиди йўқлиги сабабли ўзини ўлдираётганини ёзганди. Бунга қўшимча қилиб уни деб, ташвиш чекканим учун менга самимий миннатдорчилик ҳам билдирибди. Шу ернинг ўзида ўлимидан сўнг ҳам у ҳақда қайғуришимни илтимос қилибди. Бекачдан эса унинг уйида бўладиган бесаранжомлик учун узр сўрабди. Қариндошларига хабар бериш тўғрисида топшириқ ҳам бор эди. У ҳамма нарса тўғрисида батафсил ёзиб, фақат қизнигина тилга олмаганди. Хатни охиригача ўқиб чиқиб, у атайин шундай қилганини тушундим. Лекин мени қаттиқ изтиробга солган нарса – хат охиридаги илова бўлди: “Мен илгарироқ ўлишим керак эди. Нимага шу вақтгача яшаб келдим?”

Мен қалтираб турган қўлларим билан хатни буклаб, қайтариб хатжилд ичига солиб қўйдим. Хатни яна стол устига – ҳамманинг кўзи тушадиган жойга қўйдим. Шунда орқамга қараб тўсиқ остигача оқиб борган қонга кўзим тушди.

XLIX

Иккала қўлим билан К. нинг бошини аста кўтардим. Мен унинг жонсиз юзини кўрмоқчи эдим. Лекин у юзтубан ётгани учун унга эгилиброқ қараб, дарҳол қўлларимни тортиб олдим. Унинг боши жуда оғирдек туюлди. Бир муддат ҳозиргина қўлларим теккан совуқ қулоқларига, калта қирқилган сочларига қараб турдим. Менинг сира йиғлагим келмаётганди. Мен фақат қўрқиб титрамоқда эдим. Бу – вазиятнинг ҳиссиётларга таъсири билан боғлиқ оддий қўрқув эмасди. Мен энди танаси совуб улгурган ўртоғимнинг таъсири остига тушиб қолган тақдиримнинг аянчли кечишини бутун вужудим билан ҳис этиб турардим. Ўзим билмаган ҳолда хонамга қайтиб кирдим ва у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Нимадир қилишим кераклигини билардим. Лекин шу билан бирга энди ҳеч нарса ҳам қилиб бўлмасди. Мен фақат қафасга тушган айиқдек хонамда у ёқдан-бу ёққа ўзимни урардим.

Ичкарига кириб, бекачни уйғотмоқчи бўлдим. Лекин аёлларга бундай манзарани кўрсатиш яхши эмас, деган фикр мени тўхтатиб қолди. Бекачга кўрсатиш мумкин бўлганда ҳам, қизни зинҳор қўрқитмаслик керак! Бу фикр миямга қаттиқ ўрнашиб олди. Мен яна хонамда юра бошладим.

Хонамдаги лампани ёқиб, соатга қарадим. Шу кеча ҳаётимдаги энг узун тун бўлди. Қачон уйғонганимни яхши билмасдим, аммо тонг яқинлиги аниқ эди. Тонг отишини интиқиб кутиб, мен мана шу қоронғу тун бир умр давом этишини ўйлаб, даҳшатга тушдим.

Одатда мен соат етиларда турардим, саккизда маърузалар бошланарди. Хизматкор аёл олтида турарди. Шу куни хизматкор аёлни уйғотишга кетаётганимда, соат ҳали олти бўлмаганди. Бекач бугун якшанба эканлигини эслатиб қўйди. У менинг қадамларим товушидан уйғониб кетган эди. Мен ундан, агар ухламаётган бўлсангиз, хонамга кириб, деб сўрадим. У дарҳол эгнига хабори^[7]ни ташлаб, ортимдан кириб келди. У кириб келаётганида шу вақтгача очиқ турган сурма эшикни ёпиб қўйдим ва паст овозда унга дедим:

– Бахтсизлик рўй берди.

– Нима бўлди? – сўради у хавотирланиб. Мен иягим билан қўшни хонага ишора қилиб, дедим:

– Фақат қўрқманг!

Бекач қув оқариб кетди.

– К. ўзини-ўзи ўлдирибди, – дедим мен. Бекач қотиб менга қотиб қараб турарди. Шунда мен шартта унинг оёқларига йиқилиб, бошимни полга эгдим.

– Мени кечиринг! Мен гуноҳкорман! Сизнинг ҳам, қизингизнинг ҳам олдида гуноҳкорман, – деб илтижо қила бошладим. Аввалига бундай қилишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, аммо унга қараб туриб ўзим учун кутилмаган ҳолда шундай қилдим. Энди К. нинг ўзидан кечирим сўрай олмаслигим учун она билан қиздан кечирим сўрагим келди. Бекач сўзларимга унчалик эътибор бермади. Ўзининг ранги оқариб кетганига қарамай, мени юпатишга ҳаракат қиларди:

– Бундай бўлади деб ким ҳам ўйлабди. Энди нима қиламиз?

Қўрқув унинг бутун вужудини қамраб олмоқда эди.

L

Бекачга раҳмим келди, ўрнимдан туриб, шу вақтгача берк турган эшикни очдим. К. нинг хонасидаги чироқнинг керосини ёниб тугаган, хона зимзиё эди. Шунда қайтиб келиб, ўзимнинг чироғимни олдим, уни тутганча остонада бекачга қарадим. У орқамга яшириниб, К. нинг кичкина хонасига мўралади, лекин ичкарига кирмади.

– У ерда ҳаммасини ўз ҳолича қолдиринг, фақат ташқаридаги дераза тавақаларини очиб қўйинг, – деди у.

Кейин мен докторнинг олдига бориб келдим, полицияга хабар бердим – буларнинг барчасини бекачнинг топшириғи билан қилдим. Барча расмийликлар адо этиб бўлинмагунича, у К. нинг хонасига ҳеч кимни киритмади. К. пичоқ билан бўйин томирини кесиб, тез ўлим содир бўлган эди. Бундан бошқа унда ҳеч қандай жароҳат йўқ эди. Мен тўсиқ остида кўрган бояги қон айнан шу томирдан сизиб чиққан эди. Кун ёруғида мен уни яна кўрдим. Одам қонининг кўриниши мени лол қолдирди. Бекач иккимиз қўлимиздан келганича К. нинг хонасини йиғиштирдик. Бахтимизга қонининг кўп қисми тўшакка шимилган экан, шолчалар эса деярли топ-тоза турарди. Бекач иккимиз К. нинг жасадини менинг хонамга олиб кирдик ва уни ухлаётгандек қилиб ётқизиб қўйдик. Шундан сўнг унинг оиласига телеграмма юбориш учун уйдан чиқдим.

Қайтиб келганимда К. нинг бош тарафида тутатқилар ёқилганди. Хонага киришим билан димоғимга мана шу буддавий маросимининг ҳиди урилди ва тутун орасида ўтирган аёлларни кўрдим. Кечадан бери қизни биринчи марта кўришим эди. У йиғларди. Онасининг кўзлари ҳам қизарганди. Мен индамасдан иккала аёлнинг ёнига ўтирдим. Бекач мен ҳам тутатқи ёқишимни айтди. Баъзи-баъзида у билан бир-икки оғиз гаплашардик, лекин бу гаплар маросимга тегишли эди. Қиз билан гаплашгани журъатим етмади. Мен фақат, яхшиям у тунги даҳшатли манзарани кўрмади, деб ўйлардим. Ёш қизга бундай даҳшатли манзара кўрсатилса, унинг гўзаллиги ғойиб бўлишидан қўрқардим. Мен буни даҳшат бошимдан оёқларим учигача чулғаб олганда ҳам ёдимда тутдим. Бу нарса чиройли гулни хивич билан савалаш каби ёқимсиз эди.

К. нинг юртидан отаси ва акаси келганида, мен уларга дафн этиш жойи борасида ўз фикримни билдирдим. К. ҳаётлигида биз у билан Дзосигаёй атрофларида тез-тез сайр қилиб турардик. У бу ерларни жуда ёқтирарди. Мен ҳатто ярим ҳазил қилиб, бу ерни шунчалик яхши кўраркансан, ўлганингда сени шу ерга дафн қиламан, дегандим. Худди ваъда берганимдек, уни ўша ерга дафн қилишни, тирик эканман, ҳар ой унинг қабрига келиб, гуноҳларим учун кечирим сўрашни истардим. Мен К. га ёрдам бериб келганим сабабли у ҳеч нарсага муҳтож бўлмади. Шу боис ҳам биз дўстлашиб қолган эдик. К. нинг отаси ва акаси мен айтгандек қилишди.

LI

К. ни дафн қилиб келганимиздан сўнг ўртоқларидан бири К. нега ўзини ўлдирди экан, деб сўради. Воқеа содир бўлгандан бери менга бундай саволни беравериб роса жонимга тегишган эди. Бекач ва унинг қизи, дўстимнинг отаси ва акаси, бундан хабар топган барча таниш-билишлар, бунга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган рўзнома мухбирлари ҳам – барча-барчаси менга, албатта, шу саволни беришарди. Ҳар сафар виждоним қийналарди. Бу саволнинг ортида: “Ахир уни сен ўлдирдинг-ку! Тан ол!” деган таъна жаранглагандай бўларди.

Ҳаммага берадиган жавобим бир хил эди. Мен фақат ёзган хатидаги гапларни такрорлардим ва ўзимдан ҳеч нима қўшмасдим. Қабристондан қайтишимизда менга шу саволни берган ва керакли жавоб олган К. нинг ўртоғи қўйнидан бир рўзнома чиқариб, менга кўрсатди. Мен юра-юра, у рўзномадан менга кўрсатилган жойни ўқидим. Унда К. хафақон хуружидан ўлгани, бу эса унинг уйидан қувилгани оқибати экани ёзилганди. Мен ҳеч нарса демай рўзномани буклаб эгасига қайтардим. Шунда у менга бошқа рўзномада у ақлдан озганлиги сабабли ўзини-ўзи ўлдирган деб ёзилганини айтди. Мен банд бўлганим учун деярли рўзнома ўқимасдим ва бу ҳақда ҳеч нарса билмасдим, аммо ич-ичимда бундан ташвишда эдим. Мен бекачнинг оиласи шаънига доғ тушиб қолишидан кўрқардим. Айниқса қизнинг исми юзага чиқиб қолиши мен учун даҳшат бўлиб туюларди. Мен у йигитдан яна нималар ёзишяпти, дея сўрадим. У фақат шу иккита хабарга кўзи тушганини айтди.

Мен ҳозирги уйимизга шу воқеадан кейин кўп ўтмай кўчиб ўтдим. Она ва қиз ўша мудҳиш уйда қолишни истамади, мен учун ҳам ўша тунги даҳшатни ҳар кун эслаш оғир эди. Биз келишиб туриб, бирга кўчиб ўтишга аҳд қилдик.

Орадан икки ой ўтгач, мен университетни муваффақиятли тугатдим. Ярим йил ўтар-ўтмас, ниҳоят, уйландим ҳам. Ташқаридан қараганда ҳаммаси ўзим ўйлагандек муваффақиятли бўлган, она ва қиз бахтлидек эди. Мен ҳам бахтли эдим. Аммо бахтим ортида қора кўланка соя солиб турарди ва мен, “шу бахт мени пировард-натижада ҳалокатга олиб боради-ёв”, деб ўйлардим. Турмушга чиққач, хотиним, энди уни қиз деб эмас, хотиним деб атайман. К. нинг қабрига бирга бориб келишни таклиф қилди. Мен сесканиб тушдим.

– Нимага тўсатдан миянгга бундай фикр келиб қолди? – деб сўрадим ундан. У менга:

– Иккаламиз унинг қабрини зиёрат қилсак, К. нинг руҳи балки шод бўлар, – деб жавоб берди.

Мен ҳеч нарсадан хабари бўлмаган хотинимнинг юзига синчков тикилдим. У, нега менга бунақа қараб қолдингиз, деб сўрагандагина ўзимга келдим. Хотиним истаганидек, иккаламиз Дзосигайга бордик. Мен қабрга сув қуйдим, хотиним тутатқилар ёқди ва гуллар қўйди. Қўлимизни қовуштириб, бошимизни эгиб иккаламиз дуо қилдик. Эҳтимол, хотиним унга биз иккимиз қовушганимизни айтиб бериб, биз учун қувонишини сўрагандир; мен эса ичимда фақат: “Мени кечир! Кечир!” деб такрорлардим, холос.

Хотиним қабрни сийпалаб, ҳаммаси яхши ўтганини айтди. Айтарли бошқа ҳеч гап йўқ эди, мен ўзим устага бориб, қабр тошини буюртирганимни ҳам хотиним айтди. Мен хаёлан шу янги қабрни, мен учун янги бўлган хотинимни ер остига қўйилган К. нинг оқ суякларига солиштирдим, бунда тақдирнинг аччиқ ҳазилини ҳис этмаслигим мумкин эмасди. Шундан сўнг мен К. нинг қабрига ҳеч қачон хотиним билан бирга келмайдиган бўлдим.

LII

Оламдан ўтган дўстимга нисбатан бундай ҳиссиёт менда доимий сақланиб қолди. Аслини олганда мен бундан аввал-бошданоқ қўрққандим. Мен шунча йиллар кутган никоҳ тўйимда ҳам кўнглим ғаш эди. Келажагим мен учун аён бўлмагани сабабли, бу никоҳ ҳиссиётларимни ўзгартириб юборади ва янги ҳаётга қадам қўяман, деб умид қилгандим. Аммо энди туну кун хотиним билан бирга бўла бошлаганимдан буён бу орзуларим саробга айланди. Хотиним билан яшарканман, К. менга таҳдид қилаётганини сеза бошладим. У ўртамизда туриб олиб, бир-биримиздан нари кетишга йўл қўймасди. Хотинимдан ҳар томонлама хурсанд эдим. Бу кайфият албатта, дарҳол аёлимнинг қалбида ҳам ўз ифодасини топарди. У буни намойиш этар, аммо сабабини

билмасди. Баъзан у менга нима ҳақда ўйлаётганим тўғрисида савол берарди. Мендан, сизга нима ёқмаяпти? – деб сўрарди. Шунда мен баъзан кулиб қутулардим. Лекин гоҳо уники ҳам тутиб кетарди. Натижада: “Балки сиз мени севмай қўйгандирсиз!” ёки “Сиз мендан ниманидир яширяпсиз!” қабилида дакки эшитишимга тўғри келарди. Бундай вақтларда мен ич-ичимдан изтироб чекардим.

Бир неча марта мен хотинимга ҳаммасини рўй-рост айтиб бермоқчи бўлдим. Лекин ҳар сафар қандайдир бир куч мени тўхтатиб қолаверди. Сиз мени албатта тушунасиз, бунга айтмасам ҳам бўлади, лекин ҳикоям изчил бўлиши учун бу ҳам керак-да. Ўша вақтларда хотинимнинг кўзига яхши кўринишга уринмаганман. Мен бор гапни хотинимга айтиб берганимда, хотиним, албатта, кўз ёши қилгачгина сўнг мени кечирган бўларди. Бундай қилмаганимнинг боиси – менга фойдаси бор-йўқлигидан эмасди. Фақат унинг миясига бу гаплар қора доғ бўлиб ўтириб қолишидан хавфсираб сир сақлагандим. Оппоқ қоғозга атайлаб сиёҳ тўкиш яхшими? Бу ўз-ўзидан тушунарлик ахир.

К. нинг ўлиmidан кейин бир йил ўтди, мен эса ҳамон уни унута олмасдим ва кўнглимда қандайдир хавотир ҳам бор эди. Бу хавотирдан фориғ бўлиш учун китоб ўқишга тушдим, ишга зўр бера бошладим. Ишимнинг натижаси нашр этиладиган кунни интиқлик билан кута бошладим. Лекин ўз олдига сунъий мақсад қўйиб, унинг натижасини сунъий тарзда кутишнинг ўзи қалбакилик эди ва мен ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Қалбимни ҳечам китоблар орасига кўма олмасдим. Яна қўл қовуштирганча кўкка боқишга тушдим.

Хотиним бунга, кўнгилнинг ғашлиги – бугунги куннинг ташвишини қилишимдан, деб қарарди. У бир ҳисобдан ҳақ эди, уларнинг бир оз маблағлари бўлиб, мен иш қидиришим ҳам шарт эмасди. Бироқ жойимдан қимирламаслигимнинг боиси бу эмасди. Амаким мени алдаган пайтларида, одамларга ишониш мумкин эмаслигини аниқ хис этгандим, мен фақат ўзимга қаттиқ ишонардим, дунё ўзгариши мумкин, лекин мен яхши инсонлигимча қоламан, деб ҳисоблардим. Аммо К. билан содир бўлган воқеа сабаб мен ҳам амаким каби инсон эканлигимни англаганимда, ўзимга ишончим бирдан йўқолди. Ўзгалардан ўзимни олиб қочадиган, ўзимдан ҳам қочадиган бўлиб қолдим, бирор иш билан машғул бўлишга ўзимда куч топа олмасдим.

LIII

Ўзимни тириклайин китоблар орасига кўмишга қурбим етмай, бир вақтлар руҳимни майга чўмдиришга ва шу йўл билан дардларимни унутишга уриниб кўрдим. Мен асло майпарастлардан эмасман. Лекин кези келганда ичишдан қайтмайман. Ана шундай пайтларда ўз қалбимни майда чўктиришга ҳаракат қиламан. Аммо бу ҳолат тез орада менинг атроф-оламдан нафратланишимга олиб келди. Ўта мастлигимда ҳам мен ўзимнинг қай аҳволдалигимни ҳис эта бошлардим. Ўз ҳаракатларим билан ўзимни алдаб юрган аҳмоқ эканимни ҳис қилардим. Баъзан эса ҳар қанча ичмайин, ҳатто атайлаб ҳам шу ҳолатга эриша олмасдим ва тушкунликка тушардим. Сунъий тарзда қувноқ кайфиятга эришганимдан сўнг, албатта, яна тушкунликка тушиб қолардим. Бунинг барчасини ҳаммадан кўра кўпроқ севган кишим – хотинимнинг, у билан бирга онасининг кўз ўнгида қулаётганим мен учун оғир эди. Улар менинг бундай ҳаракатларимни ўзларининг нуқтаи назаридан тушунишга уринар эдилар.

Чамаси қайнонам хотинимга нималардир деган. Хотиним эса буни мендан яширарди. Кўпинча у мендан бирор нарса ёқмаётган бўлса, уялмай айтишимни сўрарди. Яна менинг келажагим учун ташвишланиб, ичишни ташлашимни ҳам илтимос қиларди.

– Сиз бутунлай бошқача одам бўлиб қолдингиз! – дерди.

Буниси ҳам майли-я, бир куни у:

– К. тирик бўлганида сиз бундай аҳволга тушмаган бўлардингиз, – деди.

Мен унга, балки сен ҳақдирсан, дедим, аммо бу сўзларни мен бошқача, у бошқача тушунар эдик. Дилимни яна ғашлик чулғарди, лекин хотинимга бирор оғиз гап айтмасдим.

Баъзан ундан кечирим сўрай бошлардим. Бу, одатда, ичиб олиб, кеч қайтган куннинг эртасига бўларди. Хотиним куларди. Лекин индамасди. Баъзан эса кўзларидан ёш оқарди. Буларнинг ҳеч бири менга ёқмасди. Шунинг учун хотинимдан кечирим сўраш ўзимдан-ўзим кечирим сўрагандек гап эди.

Охир-оқибат ичишни ташладим. Хотиним кўндиргани учун эмас, бунга ўзимнинг тоқатим қолмагани учун ташладим.

Ичишни ташладим-у, аммо бирор нима қилишга ҳафсалам йўқ эди. Қилар ишим йўқлигидан яна китоб ўқий бошладим. Аввалига китобларни ўқиб, бир четга олиб қўярдим. Хотиним бир неча марта мендан нимага бундай қилишимни сўради. Мен қовоғимни очмай, кулиб қўя қолдим. Ичимда, дунёда мен яхши кўрган ягона киши ҳам мени тушунмайди-ку, деб ўйлардим. Бундан яна маъюс тортардим. Мени тушунишига мажбур қиладиган нарсаси бор, фақат иродам етишмаслигини ўйлаганимда мен янама маъюсроқ бўлиб қолардим, мен тушкунликка тушардим. Кўпинча ҳамма нарсани ташлаб кетиб, бирор жойда яқка-ёлғиз яшашни ихтиёр қилардим. Шу билан бирга мен К. нинг ўлими тўғрисида кўп ўйлардим. Бошида ҳаёлимни фақат “севги” сўзи қамраб олганиданми, менинг хулосам оддий ва қисқа эди. Мен, К. омадсиз муҳаббатдан ўлди, деган қарорга келгандим. Аммо далилларга аста-секин хотиржамлик билан назар ташлаб, масала бунчалик оддий бўлмаса керак, деб ўйлай бошладим. “Ҳақиқатнинг олий мақсад билан тўқнашувими?” Бу ҳам етарли эмасди. Ниҳоят ҳозир мен ёлғиз қолганим каби, К. ҳам бутунлай ёлғиз қолиб, бирдан шундай қарорга келган, деб гумон қила бошладим. Шунда сесканиб кетдим. Мен ҳам К. га ўхшаб шу йўлдан борсам, менинг ҳам куним шундай битса-я, деб ўйлардим-у, баданим муз бўлиб кетарди.

LIV

Бу орада қайнонам касал бўлиб қолди. Чақиртирган докторимиз унинг касали бедаволигини айтди. Мен қўлимдан келганича унга ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Мен буни беморнинг ўзи учун ҳам, севиқли хотиним учун ҳам, кўпроқ, умуман, инсонийлик нуқтаи-назаридан қилардим. Шу вақтга қадар ҳам бошқалар учун нимадир қилишни истардим, лекин бирор нарсаси қилишга ожиз бўлганимдан, беихтиёр елка

қисардим. Ҳозир, атроф-оламдан ўзимни четлатиб, ўз қўлларим билан қандайдир эзгу иш қилаётганимни биринчи бор ҳис этдим. Менда бир кайфият пайдо бўлди – бунини ўз гуноҳларини ювмоқчи бўлган кишининг кайфияти дейиш мумкин.

Қайнонам вафот этди. Хотиним билан иккимиз қолдик. У менга қараб, энди дунёда унинг ёлғиз таянчи мен эканлигимни айтди. Мен эса хатто ўзимга ҳам таянч бўлмасдим, шу боис хотинимга қараб туриб, кўз ёшларимни ичимга ютдим. Уни бахтиқаро аёл – деб хаёлдан ўтказдим-да, кейин овоз чиқариб:

– Бахтиқаро аёл! – дедим.

– Нега? – деб сўради у.

У мени тушунмасди. Мен эса унга аҳволимни тушунтириб беролмасдим. Кейин у йиғлаб юборди. Ҳар доим менга қандайдир бошқача қарайсиз, деди таънамуз. Қайнонамнинг ўлиmidан кейин хотинимга имкон қадар юмшоқ муомалда бўлишга ҳаракат қилдим. Уни яхши кўрганим учунгина эмас. Меҳрибончилигим ортиқ бирор шахсга боғлиқ бўлмаган, янада кенгроқ бошқа бир маъно бор эди. Мен касал қайнонамнинг тўшаги тепасида ўтирганимдаги ўз хаёлларим билан банд эдим. Хотиним мендан хурсанддек эди. Аммо бу хурсандчилик остида у мени тушунмаганидан келиб чиқувчи аллақандай норозилик аломати сезиларди.

Бир куни хотиним мендан, аёлни қалби эркакнинг қалби билан бирикиб кета оладими, деб сўради. Мен мужмалгина қилиб, ёшлик йилларида шундай бўлиши мумкин, дедим. Шунда хотиним гўё ўтмишига назар ташлагандай, енгил хўрсиниб қўйди.

Шундан сўнг кўнглимда қандайдир ғашлик пайдо бўла бошлади. Бу ғашлик дастлаб у қаердандир ташқаридан келиб, вужудимни қамраб оларди. Мен кўрқиб кетиб, қалтирай бошлардим. Аммо вақт ўтиб, қалбим бу ғашликка қарши жавоб қайтара бошлади. Охир-оқибат бу ғашлик менда туғма бўлиб, қалбим тубида яшириниб ётгандек туюла бошлади. Шунда миям айнаиб қолмадимикан, деб ўзимдан шубҳалана бошладим. Лекин на табибга, на бошқа бирор кимсага мурожаат қилдим.

Мен доим барча инсоний гуноҳларни ҳис этиб келганман. Бу ҳиссиёт мени ҳар ой К.

нинг қабрига етаклаб келарди. Бу ҳис мени касал қайнонамни парвариш қилишга мажбур этди. Шу ҳиснинг ўзи хотинимга меҳрибон бўлишимга даъват этарди. Шу ҳиссиёт туфайли йўлимда учраган нотаниш кишилар мени савалашларини истардим. Шу йўлдан қадам-бақадам бориб, бировлар савалагандан кўра ўзимни-ўзим савалаганим маъқул, деган фикрга келдим. Кейин, ўзимни-ўзим бундай жазолаганимдан кўра ўзимни ўлдирганим яхшироқ эмасми? – деган ўй келди миямга. Лекин бирор нарса қилишга қодир эмаслигимдан ўзимни ўлдириш фикри қатъийлашгунча яшаб туришга қарор қилдим. Бу қарорга келганимдан буён орадан кўп йиллар ўтди. Биз хотиним билан аввалгидек аҳил яшардик. У билан бахтсиз эмасдик. Биз бахтли эдик. Аммо хаёлимнинг бир чеккасида турадиган, юрагимни кемириб келаётган ўша машъум воқеани хотиним билмасди. Шунини ўйлаганимда, хотинимга раҳмим келиб кетарди.

LV

Ўзимни-ўзим ўлдиришга аҳд қилганимдан буён, ташқи оламнинг ижобий таъсири остида руҳан тиклангандек бўлдим. Аммо бирор нарсага қўл уришим билан қандайдир бир қора куч юрагимни чулғаб олиб, қимирлашга бермасди. Бу куч мени тамомила синдириш учун: “Сенинг бирор нарса қилишга ҳам ҳаққинг йўқ” дер эди. Биргина шу гапдан сўнг яна шаштим қайтарди. Аллақанча вақт ўтиб, яна тиклангим келарди, аммо яна оёқ-қўлларимга кишан солинарди. Тишларимни ғижирлатиб:

– Нега одамга халал берасан? – деб бақирардим.

Ғойибона куч совуқ кулиб:

– Ахир ўзинг ҳаммасини яхши биласан-ку, – дер эди.

Мен яна шалвираб тушардим. Бундай изтиробли кураш бир маромдаги ҳаётим давомида ич-ичимда рўй бериб турди. Хотиним учун бу чидаб бўлмас уқубат бўлса, мен учун ундан-да кам азоб эмаслигини тасаввур қилаверинг. Бу зулматда ўтиришга

мажолим қолмаганида ва унинг деворларини парчалаб ташлашга ожиз эканлигимни ҳис қилганимда биргина йўл – ўзимни ўлдириш эканини англадим, бу қутулишнинг энг осон воситаси бўлиб кўринарди. Эҳтимол, ҳайратдан кўзингиз катта очилиб кетаётгандир, лекин гап шундаки, бирор нарса қилишимга йўл қўймаётган ўша қора куч менга биргина йўлни – ўзимни ўлдириш имконини қолдираётган эди. Ҳаракат қилмай ўтирганимда бир нав эди, аммо ҳаракат қила бошлашим билан шу йўлдан бошқаси кўзимга кўринмасди. Шу кунгача ана шу осон йўлга қадам қўйишга икки-уч бор шайландим, аммо қалбим доим хотинимга оғиб кетарди. Уни ўзим билан олиб кетишга иродам, ҳаммасини рўй-рост айтишга қурбим етмасди. Ўз ҳаётимни қурбон қилишим мумкин, аммо унинг ҳаёти тўғрисида ўйлашимнинг ўзи даҳшат эди. Менинг ўз қисматим бор, унинг ўз қисмати бор эди. Иккаламизни ҳам бир оловда ёқиб юбориш ҳар қандай мантиққа зид бўларди ва барча азоблар бунинг олдида ҳеч нима бўлиб қоларди. Шунинг учун хотинимнинг ўлимимдан кейинги аҳволини тасаввур қилиб, унга жуда раҳмим келарди. Қайнонам ўлганидан кейин хотиним, дунёда ягона таянчи мен эканимни, мендан бошқа суянадиган кишиси йўқлигини айтган, бу сўзлари ёдимда мангу муҳрланиб қолган эди. Мен доим иккиланардим. Баъзан хотинимга қараб туриб, ниятимдан қайтсаммикан, деган фикрга ҳам борардим.

Ўзингиз бир ўйланг. Мен айнан шундай яшаб келдим. Биз сиз билан биринчи марта Камакурада учрашганимизда ва бирга шаҳар бўйлаб сайр қилганимизда менинг кайфятимда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Аммо ортимдан доим бир қора соя эргашиб юргандай эди. Бу дунёда мен хотинимни деб яшадим. Сиз ўқишни тугатиб, юртингизга жўнаб кетганингизда ҳам аҳвол шундай эди. Сиз билан яна сентябрда учрашишга шартлашиб олгандим, шунда сизга рост айтгандим. Мен учрашаман, деб ўйлагандим. Куз ўтиб, қиш келади; у ҳам ўтиб кетсин – мен сиз билан, албатта, учрашаман.

Лекин ёзнинг жазирама кунларидан бирида император Мэйдзи оламдан ўтиб қолди. Шунда мен унинг руҳи императорларга хос тарзда бошланиб, императорга хос тарзда тугади, деб дилимдан кечирдим. Биз айнан Мэйдзининг йўлини тутганлар, энди ундан ажралиб, отасиз етим бўлиб қоламиз, деган фикр миямга урди. Мен ҳатто хотинимга бу ҳақда очиқ айтдим. Хотиним шарақлаб кулиб юборди.

LVI

“Ўлим – қурбон” – мен бу сўзларни деярли унутаязгандим. Уларни кундалик ҳаётда ишлатишга зарурат бўлмаганди ва улар хотирам тубига чўкиб, моғор боса бошлаганди. Уларни хотинимнинг ҳазиломуз оҳангида эшитганимдагина эсладим. Шунда хотинимга:

– Агар мен шундай ўлим топганимда, ҳамма мени Мэйдзи руҳига ўзини қурбон қилди, деб ўйларди, – дедим. Албатта, сўзларим ҳазилдан ўзга нарсга эмасди, аммо шу билан бирга бу қадимги, энди керак бўлмай қолган иборада қандайдир янги маъно бордек туюлди менга. Шундан кейин орадан деярли бир ой ўтди. Императорни дафн қилиш кечаси, одатдагидек, ўз хонамда ўтириб, мен замбарак товушларини эшитдим. Бу император Мэйдзи мангуликка кетганидан далолат берганди. Кейин генерал Ноги ҳам мангуликка кетгани тўғрисида хабар келди. Қўлимда рўзноманинг тезкор сонини ушлаганимча хотинимга:

– Мана сенга ўлим – қурбон! Рўзномалардан генерал Ноги ўлими олдидан хат ёзиб қолдиргани ҳақида ўқидим. Бу хатда у жануби-ғарбий кампанияда душманлар ундан байроқни тортиб олганларидан бери ўзини ўлдириш фикри билан яшаб келгани ҳақида ёзганди. Бунга ўқиб чиққач, мен беихтиёр, бундай қарор билан неча йил яшадийкан, деб санай бошладим. Жануби-ғарбий кампания 1877 йилдан 1912 йилгача давом этган, ўттиз беш йил ўтибди. Ноги ҳам шунча йилдан бери ўзини ўлдириш учун қулай фурсат пойлаб яшаган экан. Унинг учун энг уқубатлиси – шу ўттиз беш йил давомида яш ашим керакми ёки ўзимга қилич уришим керакми, деган фикр бўлган. Ҳар ҳолда мен шундай ўйлардим.

Шундан кейин икки-уч кун ўтгач, мен ўзимни ўлдиришга аҳд қилдим. Мен Ноги ўлимининг сабабларини яхши тушунмаганимдек, эҳтимол сиз ҳам менинг ўлимим сабабини тушунмаслигингиз мумкин. Шундай бўлгач, наилож: чамаси гап бу ерда турли даврда яшаган одамлар орасидаги фарқда бўлса керак. Балки гап ҳар бир кишининг туғма хислатларидаги фарқдандир. Мен бу ерда ўзимни шундай таърифлаганимнинг боиси – сизга тушунарсиз бўлган табиатимни изоҳламоқчи

бўлдим.

Мен хотинимни қолдирипман. Мендан кейин овқат, кийим-кечак ва бошпанага муҳтож бўлмаслигининг ўзи – бахт. Унга озор етказишни истамайман. У қон рангини кўрмайдиган қилиб ўлмоқчиман. Мен ўлганимда, у бахтсиз ҳодиса содир бўлди, деб ўйласин. Хатто мени ақлдан озди, деб ўйласа ҳам менга барибир.

Мен ўлишга аҳд қилганимдан бери ўн кундан ортиқ муддат ўтиб кетди ва унинг ҳам кўпроқ қисмини мана шу таржимаи ҳолни ёзишга бағишладим. Мана шуни билинг! Аввал ҳаммасини сизнинг шахсан ўзингизга сўзлаб бермоқчи бўлдим, аммо ёза бошлаганимда, шундай қилсам кўнглимни очиб беришим осонроқдай туюлди ва бундан қувондим. Лекин мен ҳузур-ҳаловат учун ёзаётганим йўқ. Умуминсоний тажриба сифатида яратган ўша ўтмишимни фақат ўзим сўзлаб беришим мумкин ва уни таърифлашга қилган саъй-ҳаракатларим одамларнинг эътиборидан четда қолмайди, деб ўйлайман. Шу кунларда Ватанабэ Кадзан бошлаган расмини тугатиш учун ўз ўлимини бир ҳафтага ортга сура олганлиги тўғрисида эшитдим. Бошқаларга булар барчаси ортиқча сафсата бўлиб туюлиши мумкин, лекин ҳар кимнинг кўнглида ўзига яраша армон бўлади. Менинг асарим фақат сизга ўз ҳақимда сўзлаб беришни ваъда қилганим учунгина ёзилмаган.

Бунга туртки бўлган армоним энди ушалди. Бошқа қилар ишим қолмади. Шу хатим кўлингизга бориб текканда, мен бу дунёда бўлмайман. Ўлган бўламан. Хотиним ўн кунча илгари холасиникига – Итигаяга кетган. Холаси бетоб бўлиб қолиб, унга қарайдиган одам қолмабди, шунинг учун мен ўзим хотинимни у ерга боришга кўндирдим. Шу узун хатимнинг катта бир қисмини хотиним йўқлигида ёздим. Хотиним вақти-вақти билан уйга кириб қолганида, мен уни зўрлик билан яширардим.

Мен ўзимнинг ўтмишимни, барча эзгуликлари ва ёмонликлари билан бирга ўзгалар эътиборига ҳавола этмоқчиман. Лекин шуни назарда тутингки, хотиним бундан мустасно. Мен хотиним бирор нарсани билиб қолишини истамайман. Менинг бирдан-бир тилагим – хотиним хотирасида имкон қадар доғ тушмаган ўтмишимни сақлаб қолиш. Шунинг учун ўлимимдан сўнг буларнинг барчасини қалбингизда, фақат сизгагина ошкор қилган сирим сифатида, яшириб қўйинг^[8].

Япон тилидан **Нодира АМИНОВА** таржимаси

“Жаҳон адабиёти” журналы, 2013-5

^[1] Япониядаги туманлардан бирининг номи.

^[2] Й е н а (и е н а) – Япониянинг пул бирлиги.

^[3] С а к э – японларнинг ўткир ичимлиги.

^[4] Кото – чолғу асбоби.

^[5] Хибати – печка.

^[6] Фут – 30 дан 48 см гача бўлган узунлик ўлчови.

^[7] Хабор – японча либос.

^[8] Роман журнал варианты талабига асосан жузъий қисқартиришлар билан эълон қилинди.